

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**КВАНТ АЛОҚА, ФИЗИК  
ЖАРАЁНЛАРНИ КОМПЬЮТЕРДА  
МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**2021**

**Даминов М.И. педагогика фанлари номзоди,  
доцент**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“КВАНТ АЛОҚА, ФИЗИК ЖАРАЁНЛАРНИ  
КОМПЬЮТЕРДА МОДЕЛЛАШТИРИШ”**

**МОДУЛИ БҮЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Физика**

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли бўйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Тузувчи:** **М.И.Даминов** педагогика фанлари номзоди, доцент.

**Тақризчи:** **Д.Р.Джураев** физика-математика фанлари доктори, профессор.  
**Н.С.Сайдова** физика-математика фанлари номзоди, доцент.

**Ўқув -услубий мажмуа Бухоро давлат университети Илмий  
Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган  
(2020 йил “30” декабрдаги 9-сонли баённома)**

**МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>5</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>13</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>24</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>106</b>
<b>V. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>127</b>
<b>VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>130</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янадатакомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг қасб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмuni, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни “Квант алоқа, физик жараёнларни моделлаштириш” мутахассислик фани негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида

индивидуаллаштириш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Мазкур дастур ривожланган хорижий давлатларнинг олий таълим соҳасида эришган ютуқлари ҳамда орттирган тажрибалари асосида “Физика” қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши учун тайёрланган намунавий ўқув режа ҳамда дастур мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларни ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “Квант алоқа, физик жараёнларни моделлаштириш” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Ушбу дастурда квант оптикаси усуллари ва асосий йўналишлари, физик жараёнларни моделлаштириш учун web-тизимлар, иловалар структураси, моделлаштириш дастурлари, ҳодисалар ва жараёнлар виртуал лаборатория интерфейсини яратиш, маҳруза, амалий ва лаборатория машғулотларида фойдаланиш муаммолари баён этилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

Оптик сигналлар, физик жараёнларни моделлаштириш **модулининг мақсад ва вазифалари:**

- квант оптикаси усуллари ва асосий йўналишларини фарқлаш; физик жараёнларни моделлаштириш учун илғор web- тизимлар, иловалар структураси, Crocodile Physics, Yenka виртуал дастурлашдан фойдаланиш,

**фойдаланувчи** интерфейсini яратиш, иловаларда ҳодисалар ва жараёнлар билан ишлаш, менюларни бошқариш, фойдаланиш ва уларни ўкув жараёнига қўллаш малакавий қўникмаларини шакллантириш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, қўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Оптик сигналлар, физик жараёнларни моделлаштириш” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- квант оптикаси ва лазер физикаси ҳамда фотоника соҳаларидағи замонавий ютуқлари;
  - моделлаштириш учун web-тизимлар ва уларнинг таснифлари;
  - моделлаштириш учун виртуал лабораториялар яратувчи дастурлар ва уларнинг таснифлари;
  - Crocodile Physics, Yenka виртуал дастурлаш тамойиллари ҳақида билимларга эга бўлиши;

#### **Тингловчи:**

- квант оптикаси ва лазер физикаси ҳамда фотоника соҳаларидағи замонавий ютуқларнинг амалий тадбиқи ҳақида;
  - PhET web-тизимидан фойдаланувчи интерфейсини яратади;
  - иловаларда ҳодисалар ва жараёнлар билан ишлаш
  - иловаларда маълумотлар базаси ва контентлардан фойдаланиш;
  - Crocodile Physics, Yenka дан фойдаланиш **кўникма ва малакаларини эгаллаши;**

#### **Тингловчи:**

- PhET web-тизимида фойдаланувчи интерфейсини яратиш;
- Crocodile Physics, Yenka да сифатли ва қулай интерфейсга эга илова яратиш **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Квант алоқа, физик жараёнларни моделлаштириш” курси маҳруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маҳруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Квант алоқа, физик жараёнларни моделлаштириш” модули мазмуни ўқув режадаги “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараёнига ракамли технологияларни жорий этиш”, “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг физик жараён моделларини яратиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар мобил иловалар яратишни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модуль мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		
			Жами	Жумладан	Назарий
					Амалий машғулот

<b>1</b>	Квант оптикаси усуллари ва асосий йўналишлари. Лазер физикаси ва фотоника асослари.	<b>2</b>	2	2	
<b>2</b>	Квант чигаллик. Квант телепортация.Квант интерференция. Фотонни телепортация қилишга мўлжалланган экспериментал қурилмалар. Квант интернети ва квант компьютерлари. Замонавий ахборот узатишнинг физик асослари.	<b>2</b>	2	2	
<b>3</b>	Компьютерда моделлаштириш. Ҳисоблаш физикаси. Моделлаштириш босқичлари. Компьютерда моделлаштириш учун операцион тизим. Дастурний таъминот, физик жараёнларни моделлаштириш. Асосий тушунчалар. Моделлаштириш босқичлари.	<b>6</b>	6	2	4
<b>4</b>	Физик жараёнларни моделлаштиришда ахборот–коммуникация технологияларидан фойдаланиб таълим сифатини ошириш. Илмий дастурлаш тиллари. Физик жараёнларни моделлаштиришда электрон таълим ресурларнинг ўрни ва уларнинг таҳлили. Физик жараёнларни моделлаштиришда оммавий онлайн очик курслардан фойдаланиш.	<b>8</b>	8	4	4
<b>5</b>	Ҳисоблаш физикаси. Crocodile Physics дастурида моделлаштириш. Phet интерфаол симуляциялари.	<b>8</b>	8	2	6
<b>Жами:</b>		<b>26</b>	<b>26</b>	<b>12</b>	<b>14</b>

## НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1 - мавзу: Квант оптикаси усуллари ва асосий йўналишлари. Лазер физикаси ва фотоника асослари. (2 соат)**

Квант оптикаси усуллари ва асосий йўналишлари. Лазер физикаси ва фотоника асослари.

**2 - мавзу: Квант чигаллик. Квант телепортация.Квант интерференция. Фотонни телепортация қилишга мўлжалланган экспериментал қурилмалар. Квант интернети ва квант компьютерлари. Замонавий**

## **ахборот узатишнинг физик асослари. (2 соат)**

Квант чигаллик. Квант телепортация. Квант интерференция. Фотонни телепортация қилишга мўлжалланган экспериментал қурилмалар. Квант интернети ва квант компьютерлари. Замонавий ахборот узатишнинг физик асослари

### **3 - мавзу: Компьютерда моделлаштириш. Ҳисоблаш физикаси.**

**Моделлаштириш босқичлари. Компьютерда моделлаштириш учун операцион тизим. Дастурий таъминот, физик жараёнларни моделлаштириш. Асосий тушунчалар. Моделлаштириш босқичлари.**  
**(2соат)**

Модел. Моделлаштириш. Компьютерда моделлаштириш. Ҳисоблаш физикаси. Моделлаштириш босқичлари. Компьютерда моделлаштириш учун операцион тизим. Дастурий таъминот, физик жараёнларни моделлаштириш. Асосий тушунчалар. Моделлаштириш босқичлари.

**4 - мавзу: Физик жараёнларни моделлаштиришда ахборот–коммуникация технологияларидан фойдаланиб таълим сифатини ошириш. Илмий дастурлаш тиллари. Физик жараёнларни моделлаштиришда электрон таълим ресурларнинг ўрни ва уларнинг таҳлили. Физик жараёнларни моделлаштиришда оммавий он-лайн очиқ курслардан фойдаланиш. (4 соат)**

Физик жараёнларни моделлаштиришда ахборот–коммуникация технологияларидан фойдаланиб таълим сифатини ошириш. Илмий дастурлаш тиллари. Физик жараёнларни моделлаштиришда электрон таълим ресурларнинг ўрни ва уларнинг таҳлили. Физик жараёнларни моделлаштиришда оммавий онлайн очиқ курслардан фойдаланиш.

### **5 - мавзу: Ҳисоблаш физикаси. Crocodile Physics дастурида моделлаштириш. Phet интерфаол симуляциялари. (2 соат)**

Ҳисоблаш физикаси. Crocodile Physics дастурида моделлаштириш. Phet интерфаол симуляциялари.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

### 1 – амалий машғулот:

**Компьютерда моделлаштириш. Ҳисоблаш физикаси. Моделлаштириш босқичлари. Компьютерда моделлаштириш операцион тизим. Дастурий таъминот, физик жараёнларни моделлаштириш. Асосий тушунчалар. Моделлаштириш босқичлари.**

Компьютерда моделлаштириш. Моделлаштириш босқичлари. Физик жараёнларни компьютерда моделлаштириш учун керакли бўлган инструментал дастурий воситаларни ўрнатиш. PhET Interactive Simulationsни ўрнатиш. Йавани ўрнатиш. Crocodile Physicsни ўрнатиш. Yenkani ўрнатиш.

### 2-амалий машғулот:

**Ҳисоблаш физикаси. Crocodile Physics дастурида моделлаштириш. Phet интерфаол симуляциялари.**

Очиқ таълим курслари

OpenCourseWare(OCW) онлайн очиқ курси АҚШ нинг Станфорд Университети ва Massachusetts Institute of Technology (MIT) каби бир неча нуфузли олий ўкув юртлари белул “онлайн” курслари, Coursera (<https://www.Coursera.org/>) онлайн очиқ курслари, Khan академияси курслари билан танишиш.

**3-амалий машғулот: Ҳисоблаш физикаси. Crocodile Physics дастурида моделлаштириш. Phet интерфаол симуляциялари.**

**Crocodile Physics ва PhET Interactive Simulations дан фойдаланиш**

Crocodile Physics дастури мухитида физиканинг турли бўлимларига оид лаборатория ишларини яратиш. PhET Interactive Simulations дастурида физиканинг турли бўлимларига оид виртуал лабораторияларидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш. Изланувчанликка, ижодий фикр юритишига, иш натижаларини таҳлил қилишга ўргатиш.

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модулни ўқитиш жараённида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари,

кейслардан қўлланилиши назарда тутилган:

Маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва интерфаол педагогик (Ақлий хужим, Венн диаграммаси, концептуал жадвал) усул ва технологиялардан фойдаланилади; -ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, график органайзерларданфойдаланиш, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, блиц-сўровлардан ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

## П. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

**Юқоридаги мавзуларга тайёргарлик қўришда тавсия қилинган  
интерфаол методларни илова сифатида киритдик.**

### **I-илова**

#### **1. Таълим воситаларининг классификацияси.**

Ижтимоий воқелик таълимни бошқариш муаммоларини кўриб чиқиш ва ҳал қилишни мустақил йўналиш сифатида ажратиб олиш, таълим-тарбия жараёнини бошқаришнинг асосланган усул, воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш заруратини белгилаб берди. Унинг ўқитиши, тарбиялаш ва ривожлантириш ўртасидаги ташкилий-бошқарув, ахборот алоқалари, ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга молик шахсни шакллантиришдаги яхлит жараённинг таркибий қисмлари сифатини оширди.

Бугунги кунда эркин ва мустақил фикрловчи, ижтимоий-сиёсий ҳаётда онгли равишида фаол иштирок этишга қодир ёш авлодни шакллантириш «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» нинг асосий устувор йўналишидир. Бу эса мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига демократик асосларини жорий этишни, фуқаролик жамияти ва хуқуқий давлат қуришни тезлаштириш имконини беради. Дастур таълим муассасалари мустақиллигини кенгайтириш орқали таълим бошқарувини демократлаштиришни ўз ичига олади.

Инсониятнинг ривожланиш даврлари алмашганда педагогик технологиялар бутунлай йўқ бўлиб кетмайди, балки педагогик технологиялар кейинги даврларга ассотсиатсия орқали фикран боғ'ланади, янги сифатлар, хусусиятларга эга бўлиб, кучаяди ва бойийди. Ушбу жараён борган сари тезлашиб боради.

Кишилик тарихида 1-босқич узоқ муддат давом этган. Унда ўқитувчи ўз кучига, ўз билим ва маҳоратига асосланиб иш бажарган. Кейинчалик дунёвий ва диний мазмундаги қўлёзма китоблар яратилди, лекин ўқувчи уларнинг мазмунини ўқитувчи фаолияти воситасида ўзлаштиради.

2-босқич дарсликлар яратиш ва улардан фойдаланиш технологияси

мукаммал ривожланмаган, лекин ўқитишининг 1,2,3-босқичларига хос таълим воситалари мактабларга жадал кириб бормоқда.

Ўқув адабиётларини жорий этиш қарама-қаршиликлар кўраши натижасида содир бўлган. Кейинги даврларда ҳам таълим соҳасидаги жиддий ўзгаришлар осон кечмаган. Бугунги кунда ҳам 1-босқич технологияси руҳида шаклланган айрим педагогларда кейинги даврларда вужудга келган ўқув воситаларини ўзлаштириб олишга, таълим-тарбия жараёнини шу асосда ташкил этишга интилиш суст даражада. 1-босқич ўқув воситалари ўқитувчидан кўп меҳнат талаб этади ва ўқувчининг билим, тайёргарлик даражаси юқори бўлмайди. Бу педагогик босқичларнинг ҳар бирида таълим методлари такомиллаштирила борганлиги туфайли ўқитувчи меҳнатининг самараси ортиб, замонавий технологияни қўллайдиганлар сафи кенгая борган.

### **Таълим воситалари олтига турга бўлинади:**

- 1. Матнили воситалар.**
- 2. Тасвирили воситалар.**
- 3. Аудио визуал воситалар.**
- 4. Ёрдамчи (жихоз) воситалар.**
- 5. Моделли воситалар.**
- 6. Реал воситалар.**

•**Матнили воситалар-**Ўқитувчи ва ўқувчилар учун: ўқув предметини ўқитиши методикаси бўйича қўлланмалар, шахсий методика, ўқитувчилар томонидан тайёrlанган методик ишланмалар, мантикий структуралар, фандарсликлари, мавзу юзасидан келиб чиқсан ҳолда тарихий бадиий адабиётлар, фан бўйича маъruzалар матни.

•**Тасвирили воситалар-** ўқув материалини кўргазмали намойиш этишга, уни тизимили этказиб беришга ёрдам беради; талabalарга ўқув материалини тушунишларига ва яхши эслаб қолишларига имкон беради (видеопроектор, Видиофильмлар, расмлар, ҳайкаллар, портрет).

- **Аудио визуал воситалар**-Матнга овоз бериш, Лингафон воситалари, радио эшиттиришларидан фойдаланиш, стенограмма матреаллари, турли хилдаги дисклар ва ҳакозолар.

- **Ёрдамчи (жихоз) воситалар**- Графопроектор, Доска-блокнот, Доска-стенд, Флипчарт, ва бошқалар).

- **Моделли воситалар**- графиклар, чизмалар, схема, хариталар

- **Реал воситалар**- тарих дарсларида музей экспонатлари, макет ва муляжалар, археологик матреаллар, тарихий обектлар.


## 2-илюва


### 2. Таълим воситаларини танлашни аниқловчи омиллар, график органайзерлар.

Таълим воситаларини танлашни аниқловчи омиллар: мақсадни белгилаш; ўқув ахборот мазмуни; таълим воситалари; етакчи билим манбаи; ўқув материалининг янгилиги ва мураккаблиги.

#### Графикли органайзерлар техникаси

#### 1-илюва.



**3-илова****4-илова**

## Кластерни түзиш қоидаси

- Ақлингизга нима келса, барчасини ёзинг. Гоялари сифатини муҳокама қилманг факат уларни ёзинг.
- Хатни тұхтатадиган имло хатоларига ва бошқа омилларға эътибор берманг.
- Ажратылған вакт тугагунча ёзишни тұхтатманг. Агарда ақлингизда гоялар келиши бирдан тұхтаса, у холда қачонки янги гоялар келмагунча қозға расм чизиб туринг.

7

## ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ

### ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ

Тонфа-хусусият  
ва  
муносабатларни мухимлигини  
намоён килувчи (умумий)  
аломат.

Ажратылған аломаттар  
асосида олинган  
маълумотларни  
бираштырышни таъминлайди.  
Тизимили маълумотларни  
фикраш,  
келириш, тизимлаштириш  
кўнималарини  
ривожлантиради.

Тоифали шарҳлашни түзиш қоидаси билан  
танишадилар. Ақлий хужум / кластер түзиш  
янги ўкув материали билан танишишдан  
сўнг, кичик гурухларда, олинган маълумот  
лавҳаларини бираштыриш имконини  
берадиган тоифаларни излайдилар.

Тоифаларни жадвал кўринишида  
расмийлаштирадилар. Гояларни /  
маълумотларни тоифага мос равища  
бўладилар. Иш жараёнида тоифаларнинг  
айрим номлари ўзгариши мумкин. Янгилари  
пайдо бўлиши мумкин.

Иш натижаларининг тақдимоти

**6-илюза**

## Тоифалаш шарҳини тузиш қоидаси

1. Тоифалар бўйича маълумотларни тақсимлашнинг ягона усули мавжуд эмас.
2. Битта мини - грухда тоифаларга ажратиш бошқа грухда ажратилган тоифалардан фарқ қилиши мумкин.
3. Таълим олувчиларга олдиндан тайёрлаб қўйилган тоифаларни бериш мумкин эмас бу уларнинг мустақил танлови бўла қолсин.

9

## 7-илова

### ИНСЕРТ ЖАДВАЛИ

График ташкил этувчининг тури, аҳамияти ва хусусиятлари

Ўкув фаолиятини ташкиллаштиришнинг жараёнли тузилмаси

**“ИНСЕРТ” жадвали**  
Мустақил ўқиши вақтида олган маълумотларни, эшитган маърузаларни тизимлаштиришини таъминлайди; олинган маълумотни тасдиқлаш, аниқлаш, четта чиқиш, кузатиш. Аввал ўзлаштирган маълумотларни боғлаш қобилиятини шакллантириша ёрдам беради

Инсерт жадвалини тўлдириш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида ўзлари тўлдирадилар

Ўқиш жараёнида олинган маълумотларни алоҳида ўзлари тизимлаштирадилар - жадвал устунларига “киритадилар” матнда белгиланган қўйидаги белгиларга мувофиқ:  
“V” - мен билган маълумотларга мос;  
“-“ - мен билган маълумотларга зид;  
“+” - мен учун янги маълумот;  
“?” - мен учун тушунарсиз ёки маълумотни аниқлаш, тўлдириш талаб этилади

## 8-илова

# Инсерт

- V - биламан
- (-) - түғри келмади
- (+) - янги ахборот
- (?) - тушунмадим

V	+	-	?

9-илова

## Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ

**Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ-**  
Биламан/ Билишни  
хоҳлайман/ Билиб олдим.  
Мавзуу, матн, бўлим  
бўйича изланувчиликни  
олиб бориш имконини  
беради.  
Тизимли  
тузилмага  
таҳлил  
кўникмаларини  
ривожлантиради.

Жадвални тузиш қоидаси билан  
танишадилар. Алоҳида /кичик  
гуруҳларда жадвални  
расмийлаштирадилар.

“Мавзу бўйича нималарни биласиз” ва  
“Нимани билишни хоҳлайсиз” деган  
саволларга жавоб берадилар (олдиндаги  
иш учун йўналтирувчи асос яратилади).  
Жадвалнинг 1 ва 2 бўлимларини  
тўлдирадилар.

Маърузани тинглайдилар, мустақил  
ўқийдилар.

Мустақил/кичик  
жадвалнинг 3 бўлимни  
тўлдирадилар

10-илова

## Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
---------	----------------------	-------------

16

## 11-илюва

### T – жадвал

T – жадвал қоидалари танишилади.  
Якка тартибда расмийлаштирилади

**T – жадвал**  
 - бита концепция  
 (маълумот)нинг жиҳати  
 ўзаро солиштириш ёки  
 уларни (ҳа/йўқ, ҳа/қарши)  
 учун.  
 Танқидий мушоҳада  
 ривожлантиради

Ажратилган вақт оралиғида тартибда (жуфтликда) тўлдиради, унинг чап томонига сабаблари ёзилади, ўнг томонига эса чап томонда ифода қараша – қарши ғоялар, омиллар ва шу кабилар.

Жадваллар жуфтликда (гуруҳда)  
 таққосланиши тўлдирилиши

Барча ўқув гурӯҳи ягона T – тузади.

## Т- ЖАДВАЛ «Тест назорати» Ютуғи Камчилиги

- Ватқни тежалиши
- Фронтал ҳолда иш олиб бориш имкони
- Мантқий фикрни ривожлантириш.
- Баҳолаш қулай
- Нутқнинг ривожлан- маслиги.
- Мулоқотнинг йўқлиги.
- Ҳамкорликда фаолиятнинг йўқлиги.
- Педагогик муносабатнинг йўқлиги.

**13-илова**

### ВЕНН ДИАГРАММАСИ

**ВЕНН  
ДИАГРАММАСИ - 2 ва  
3 жиҳатларни ҳамда  
умумий томонларини  
солишишириш ёки  
таққослаш ёки қарама-  
қарши кўйиш учун  
кўлланилади.  
Тизимли фикрлаш,  
солишишириш, таққослаш,  
тахлил қилиш  
кўникмаларини  
ривожлантиради.**

Венн диаграммасини тузиш коидаси билан танишадилар. Алоҳида кичик гурӯҳларда Венн диаграммасини тузадилар ва кесишмайдиган жойларни (x) тўлдирадилар

Жуфтликларга бирлашадилар,  
ўзларининг диаграммаларини  
такқослайдилар ва тўлдирадилар

Доираларни кесишувчи жойида,  
икки-уч доиралар учун умумий бўлган,  
маълумотлар рўйхатини тузади.

## «Венн» диаграммаси

- 2 объектни, тушунчани, ғояни, ҳодисани таққослаш фаолиятини ташкил этиш жараёнида ишлатилади.

*15-илова*

### “Нима учун” схемаси

“Нима учун” схемасини тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида/кичик гурхларда муаммони ифодалайдилар. “Нима учун” сўргонини берадилар ва чизадилар, шу саволга жавоб ёзадилар. Бу жараён муммонинг дастлабки сабаби аниқланмагунича давом этади.

“Нима учун” схемаси - муаммонинг дастлабки сабабларини аниқлаш бўйича фикрлар занжири. Тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлашни ривожлантиради ва фаоллаштиради.

Кичик гурхларга бирлашадилар, таққосладилар, ўзларининг чизмларини тўлдирадилар. Умумий чизмага келтирадилар.

Иш натижаларининг тақдимоти

## «Қандай» технологияси

- Муаммони қандай ҳал этиш мүмкін эканлиги мұхокама қилинади
- Қандай?
- Қандай?
- Қандай?
- Қандай?
- Қандай?
- Қандай?

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу: Квант оптикаси усуллари ва асосий йўналишлари. Лазер физикаси ва фотоника асослари.

##### **РЕЖА:**

1. Квант оптикаси усуллари ва асосий йўналишлари. Лазер физикаси ва фотоника асослари.
2. Лазер физикаси. Фотоника асослари.

**Таянч иборалар:** ахборот, хабар, фотон, сигнал, ахборот, лазер, фотоника, актив мухит, оптик резонатор, квант технология.

Ахборот назариясида сигнал энг асосий тушунча ҳисобланади. Бошқа фундаментал тушунчалар каби у формал таҳрифларга тушмайди. Вазиятга боғлиқ равишда **сигнал** қандайdir воқелик, обҳект холати хақида хабарни элтувчи белги, физик жараён ёки ҳодиса шунингдек, бошқариш системасидаги узатилаётган буйруқлар сифатида қаралади. Бу мавзуда сигналларнинг асосий хоссалари, уларни узатиш ва қайта ишлаш принципларига оид қизиқарли технологиялар билан танишамиз.

Инсон жамияти доимо ўзгариб турадиган ва тўлдириладиган ахборот дунёсида яшайди. Инсон нимани кўради, эшитади, эслайди, билади, бошдан кечиради, булар ҳар хил маълумот шакллари.

Шунинг учун, кенг маҳнода, **ахборотни** атрофимиздаги дунё ҳақида маълумот тўплами сифатида аниқлаш мумкин. Бу тушунишда ахборот илмий-техник тараққиёт ва жамиятнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишининг муҳим манбаи бўлиб, материя ва энергия билан бир қаторда фаннинг фундаментал фалсафий тоифаларига киради.

"Ахборот" тушунчалари (лотинча. *informatio* - тушунтириш, тақдим этиш) ва "хабар" энди чамбарчас боғлиқдир. Маҳнога яқин бўлган бу тушунчалар мураккаб ва содда тушунчалар орқали аниқ таҳриф бериш осон эмас.

**Ахборот** - бу ҳар қандай воқеа, ҳодиса ёки обҳектлар ҳақидаги

маълумотлар ёки маълумотлар тўплами, яъни атрофимиздаги дунё ҳақидаги билимлар тўплами.

Ахборотни узатиш ва сақлаш турли хил **белгилар** (**символлар**) ёрдамида амалга оширилади, бу уларни бирон-бир шаклда тақдим этишга имкон беради.

**Хабар** бу маълум бир маълумотларни акс эттирадиган белгилар тўпламидир. Хабарларни (ва шунга мос равища маълумотни) масофадан узатиш ҳар қандай моддий восита, масалан, қоғоз ёки магнит лента ёки жисмоний жараён, масалан, товуш ёки электромагнит тўлқинлар, оқим ва бошқалар ёрдамида амалга оширилади.

**Сигнал** бу узатилган хабарни акс эттирадиган (олиб борадиган) жисмоний жараён. Ҳозирги вақтда сигнал сифатида асосан электр ва оптик сигналлари ишлатилади. Электроникада сигнал компьютернинг рақамли импулсларидан тортиб ВХФ радио тўлқинлари томонидан бошқариладиган импулсларга қадар бўлган ҳамма нарса бўлиши мумкин. Сигнал ўз вақтида хабарни узатади (кенгайтиради), яъни ҳар доим вақт функцияси. Сигналлар узатилаётган хабарга мувофиқ жисмоний муҳитнинг маълум параметрларини ўзгартириш орқали ҳосил бўлади.

**Хабарлар** вақт функциялари бўлиши мумкин, масалан, телефон сухбатларини узатиш пайтида нутқ, телеметрик маълумотларни узатиш пайтида ҳарорат ёки босим, телевизорда узатиш пайтида ишлаш ва бошқалар. Бошқа ҳолларда, хабар вақт вазифаси эмас (масалан, телеграмма матни, ҳаракатсиз расм ва бошқалар).

**Хабарни сигнал вақт бўйича юборади.** Шунинг учун, хаттохи хабар бўлмаса ҳам (масалан, ҳаракатсиз расм), сигнал ҳар доим **вақт функцияси**дир.

**Дискрет ёки дискрет даражадаги** (амплитуда) сигнал бу катталиқдаги (амплитуда) фақат маълум дискрет қийматларни қабул қиласидаги сигналдир.

**Узлуксиз ёки аналог сигнал** бу маълум бир қиймат оралиғидаги ҳар қандай қийматларни қабул қилиши мумкин бўлган сигналдир.

Вақтни ажратувчи сигнал бу фақат маълум бир вақтнинг ўзида берилган сигналдир.

Вақт бўйича узлуксиз сигнал бу бутун вақт ўқида аниқланган сигналдир.

Масалан, нутқ бу даража ва вақт ичида узлуксиз бўлган хабардир ва ҳар 5 дақиқада унинг қийматларини кўрсатадиган ҳарорат сенсори узлуксиз катталиқдаги, аммо вақт ўтиши билан узатиладиган хабарларнинг манбай бўлиб хизмат қиласди.

### **Лазер физикаси асослари**

Лазер (инглизча "laser") сўзи "Light amplification by stimulated emission of radiation" сўзларининг бош ҳарфларидан тузилган бўлиб, "Мажбурий нурланиш туфайли ёруғликнинг кучайиши" маҳносини англатади. Лазер нурлари ультрабинафша инфрақизил ва кўзга кўринадиган диапазондаги электромагнит тўлқинлар ҳисобланади. Бу тўлқинлар атом ва молекулаларнинг мажбурий (стимулланган) нурланишига асосланиб ҳосил қилинади. Бундай нурланиш ҳосил қилувчи қурилманиазер ёки оптик квант генератор (ОКГ) дейилади.

Лазер нурининг муҳит билан ўзаро физик таъсирининг ривожланиши ҳамда лазерларнинг саноатдаги ишлаб чиқарилиши лазерни оддий асбобдан ҳар хил технологик жараёнларни ўтказиш қурилмасига (инструментига) айлантириди. Технологлар томонидан лазерга қизиқиш лазер нурланишининг ғайри оддий характеристикалари билан боғлиқдир. Ёруғликнинг монохроматик дастасини олиш эҳтимоллиги лазерни алоқа масалаларини ечишда, метеорология ва медицинада алмаштириб бўлмайдиган нурланиш манбасига айлантирилди.

Лазер (дастасининг) нурининг юқори жадаллиги ва монохроматиклиги газли муҳитлар ва моддаларга таосир ўтказиш имконини беради. У эса лазерлардан изотопларни бўлиш, химиявий реаксияларни ўтказиш ва ҳар хил биологик обектларга мақсадли ҳолда таосир ўтказиш имкониятини яратди. Энергия оқими зичлигининг юқорилиги ва қувватнинг юқори даражадалиги

термик технологик жараёнларда лазер нурини (уникал) юқори даражадаги такомиллашган қурилмага айлантиради. Лазер нури узлуксиз доимий амплитудали, импулсли ва юқори қувватга эга бўлиши мумкин[2-5].

Кўпгина қурилмаларда лазердан бошқа манба орқали нурланишни кучайтиргич сифатида фойдаланилади. Кучайтирилган сигнал бошланъич сигнал билан тўлқин узунлиги, фазаси ва қутбланиши билан мос келади. Бу оптик қурилмаларда жуда муҳим ҳисобланади. Ёргулкнинг оддий манбалари нурни турли йўналишларда кенг диапазон бўйлаб сочади. Бундан ташқари лазер бўлмаган манбаларнинг нурланиши одатда муҳим қутбланишга эга бўлмайди.

Аксинча, лазер нурланиши монохроматик ва когерент бўлиб, доимий тўлқин узунлиги ва аниқ фазага шунингдек маолум қутбланишга эга. Когерент бўлмаган манбалардагига қарама-қарши равишда квант генераторнинг бир-биридан микроскопик масофаларда бўлган қисмларидан чиқаётган электромагнитик тўлқинлар ўзаро когерент бўлади. Бу жиҳатдан квант генераторлари когерент радио тўлқинлари манбаларига ўхшаш бўлади.

Нурланишнинг когерентлиги оптик квант генераторларининг қарийб ҳамма хусусиятларида кўринади. Нурланишнинг тўла энергияси бундан истисно бўлади, чунки бу энергия когерент бўлмаган манбалардаги каби даставвал узатилаётган энергияга боғлик бўлади. Лазерларнинг нурланиши когерентлиги билан боғланган ажойиб хусусияти шундан иборатки, энергия вақт давомида, спектрда, фазода тарқалиш йўналишлари бўйича концентрацияланади.

Баъзи квант генераторларининг нурланиши юқори даражада монохроматик бўлади. Бошқа лазерлар давом этиш вақти 10-12 с га тенг бўлган жуда қисқа импулслар чиқаради, шунинг учун бундай нурланишнинг оний қуввати жуда катта бўлиши мумкин.

1939 йилда В.А.Фабрикант биринчи марта ёруликни кучайтирадиган мухит ҳосил қилиш мумкинлигини ва шу мухитда нур мажбурий нурланиш ҳисобига кучайтирилиши ғоясини олға сурди. 1953 йилда И.Г.Басов билан

А.М.Прохоровлар, АҚШ дан Ч.Таунс билан Веберлар томонидан сантиметр түлкін узунлигидаги электромагнит түлкінларни кучайтирадиган молекуляр генераторлар ясалди, бу генераторлар мазерлар деб аталади. 1960 йилда эса Т. Мейман томонидан қаттық жисмли, оптик диапазонида ( $\lambda=6943\text{ Å}^\circ$ ) ишлайдиган оптик генератор ясалди. Бундай генераторларни лазерлар деб аталади [3].

Нурни кучайтирадиган актив мухитнинг типига қараб лазерлар - қаттық жисмли, газли, яримұтказгичли ва суюқликли лазерларга бўлинади. Янада аникроқ айтганда лазерларнинг турларини синфлашда мажбурий йифиш усули ҳам мухим рол ўйнайди. Мажбурий йифиш усуллари - оптик, иссиқлик, кимёвий, электроионизасион ва бошқа усуллардан иборат бўлади.


Бундан ташқари генерациялаш тури узлуксиз ёки импулсли бўлиши мумкин. Лазерлар учта асосий қисмдан иборат бўлади:

Актив мухит - метастабил ҳолатга эга бўлган модда.

Мажбурий йифиш (оптик накачка) системаси - актив мухитда инверсияли жойлашиш ҳолатини ҳосил қиласидиган қурилмалар. Инверсияли жойлашиш ҳолати деб асосий ҳолатдаги атомлар сонига нисбатан уйғонган ҳолатдаги атомлар сонининг кўп бўлишига айтилади.

Оптик резонатор - лазер нурланишини шакллантирувчи қурилма.

Қуйида лазер қурилмаси схемаси келтирилган:



1.1-расм. Лазер қурилмаси схемаси: 1 — фаол мухит, 2 — лазерни дамлаш энергияси, 3 — ношаффофф кўзгу, 4 — ярим шаффофф кўзгу, 5 —

лазер нури.

Мухитга тушган  $\omega$  частотали нур, модда атомларидан бирининг  
 $\omega = (E_n - E_m)/\hbar$


частотасига мос келса, бу ҳолда атом  $E_m \rightarrow E_n$  холатга ўца, бу мажбурий ўтишда у нирни ютади. ( $E_n > E_m$ ) , агар  $E_n \rightarrow E_m$  ўтиш содир бўлса, у ҳолда тушаётган нурнинг интенсивлиги мухитдан ўтишда кучаяди.

Мухит орқали ўтган нурнинг интенсивлиги Бугер қонунига асосан аниқланади:

$$I = I_0 e^{-\mu X}$$


бунда,  $\mu > 0$  бўлса, нур мухитда ютилади,  $\mu < 0$  бўлса, нур мухитдан ўтишда кучаяди. Квант генераторида  $\mu < 0$  холат вужудга келтирилади.

Т.Мейман ясаган биринчи қаттиқ жисмли мухитга эга бўлган лазер билан танишайлик. Кучайтиргич сифатида алюминий оксиди  $Al_2O_3$  олинган бўлиб (рубин ёки қизил ёқут) кристалл панжарасининг баози тугунларида уч валентли  $Cr^{3+}(0,005\%-хром)$  жойлашган. Бу қизил ёқутнинг узунлиги 5 см, диаметри эса 1 см бўлган стержен кўринишидадир. Унинг асослари ўзаро параллел ва жуда яхши силлиқланган. Стерженning бир томони нур ўтказмайдиган кумуш қатлами билан қопланган, иккинчи томони ҳам худди шундай кумуш билан қопланган бўлиб, бу томон фақат 8 % нурни ўтказади, холос. Қурилманинг схемаси 1.2 - расмда келтирилган [6-7].



1.2-rasm


Ўтиш жараёни эса қуйидагича: нурланиш ёкут таркибидаги хром ионларини  $E_0$  асосий энергетик сатҳдан  $E_1$  ва  $E_2$  уйғонган энергетик сатҳларга күтариади (1.3 - расм). Бу уйғонган сатҳларнинг яшаш давомийлиги анча кичик ( $\tau \sim 16 - 7$ с). Улардан нурланишсиз  $E'_1$  ва  $E'_2$  сатҳларга ўтиш содир бўлади. Бир-бирига яқин жойлашган бу сатҳларнинг яшаш давомийлиги анчагина катта  $\tau = 5 \cdot 10^{-3}$  с. Бундай сатҳларни метастабил сатҳлар дейилади. Метастабил сатҳлардаги ионларнинг бироз спонтан нурланиши ҳам содир бўлади. Кристалл ўқи бўйлаб ҳаракатланаётган фотонлар қайтарувчи асослардан кўп марта қайтади, бу ҳаракат давомида кўп сонли мажбурий нурланишлар вужудга келади. Натижада фотонларнинг кучли оқими кристаллнинг шаффоф томонидаги асоси орқали ташқарига чиқади. Шундан сўнг ташқи манбаидан яна энергия олинади ва жараёнлар баён қилинган кетма-кетликда такрорланаверади.



1.3-rasm

Метастабил сатҳда йиғилган энергия шу жисмнинг ўзида спонтан нурланиш сифатида ажралиб чиқади, яъни лазер генератор вазифасини бажаради. Шунинг учун лазерни **квант генератори** деб аталади. Агар метастабил сатҳдаги мажбурий нурланиш ташқи таосир туфайли вужудга келса, лазер кириш сигналини кучайтирган бўлади. Бундай лазерни квант кучайтиргич дейилади.

Биринчи газли лазер 1961 йилда неон ва гелий гази аралашмаси асосида яратилди. Маолумки газлар ингичка ютилиш чизикларига эга бўлгани учун газли лазерларда мажбурий йиғиш электр разряди орқали амалга оширилади. Гелий - неонли лазерда мажбурий йиғиш икки босқичда амалга оширилади: гелий энергия ташувчи вазифасини бажарса, неон нурланиш ҳосил қиласи; газ разрядида ҳосил бўлган электронлар тўқнашиши натижасида гелий атомини уйготади ва 3 - ҳолатга ўтади (1.4-расм). Уйғонган гелий атоми неон атомлари билан тўқнашиб, уларни уйготади ва улар гелий сатхига яқин бўлган неоннинг юқори сатҳларидан бирига ўтади. Неон атомларини 3-сатҳдан қуийи сатҳлардан бирига ўтиши  $\lambda=0,6328 \text{ мкм}$ . ли тўлқин узунликдаги лазер нурланишини вужудга келтиради.



1.4-расм.

Лазер нурлари қуйидаги хоссаларга эга:

- 1) Улар юқори даражада когерент ва дастаси эса ниҳоятда ингичка.
- 2) Ўта монохроматик ( $\Delta\lambda < 16-16\text{мкм}$ ).
- 3) Катта қувватли: масалан,  $W=20$  Ж энергия билан мажбурий йиғиш (оптик накачка) ва 16-3 с нурлантирилса, нурланиш оқими  $\Phi=2 \cdot 16-4$  Ж/с,  $P=2.1616$  Вт/м<sup>2</sup>.
- 4) Тарқалиш бурчаги (ингичка) жуда кичик.

Хозирги пайтда ф.и.к. 0,01 % — 75 % бўлган лазерлар мавжуд. Лекин кўпчилик лазерларнинг ф.и.к.и 0,1 - 1% оралиқда бўлади. Уй температурасида узлуксиз ишлайдиган қувватли CO<sub>2</sub> лазер яратилди. Бу лазер тўлқин узунлиги  $\lambda=16,6$  мкм бўлган инфрақизил электромагнит тўлқинларни ишлаб чиқарди [7-9]. Унинг ф.и.к. 30% дан юқоридир. Лазер нурлардан металларни кесишда, пайвандлашда, буюмлардаги нуқсонларни аниқлашда, медисинада нозик операсияларни бажаришда, ниҳоятда тоза материаллар олишда, ўлчаш техникасида, алоқада ҳам кенг фойдаланилади.

### Лазерни фаол муҳитлари

Лазерлар учун фаол элементлар сифатида ҳозирги вақтда жуда кўп моддалардан фойдаланилади. Лазерлар фаол муҳити бўйича тўрт хил гурухга бўлинади:

- қаттиқ жисмли лазерлар (фаоллашган ойнада кристалларнинг ионларида, кам учрайдиган фаоллашган элементлар),

- газли лазерлар (атомли, молекуляр, газодинамик, ионли, метал бульанишли, кимёвий плазмали ва шу кабилар),
- суюқлики лазерлар (ноорганик ва органик бирикмалар аралашмасида),
- яримүтказгичли лазерлар (инжекцион, гетероструктурали, тақсимланган тескари алоқали ва бошқалар).

Фаол мұхитда жойлашған инверсиясини ҳосил қилиш мақсадида турли хил фаоллаштириш усуллари ишлатилади. Мана шу белги бүйича лазерларни оптик, кимёвий, электрон, рентген нурли, плазмали шнурлы, ядовий ва бошқа турдаги дамлаштыларга ажратиш мүмкін. Дамлаш ёрдамида фаоллашиш жараёнида моддада фаол лазер мұхити ҳосил қилиш ва бу мұхит лазер үтишлар частотасида электромагнит нурланиш қобилияти мавжуд бўлганда лазер модда деб номланади. Ҳар қандай лазернинг асосини актив элемент ташкил этади – қандайдир қаттиқ, суюқ ёки газсимон мұхит бўлади. Бунда ўзаро таъсирлашиш натижасида махсус танланган атом, ион ёки молекулаларни ўзида жамлаган мұхитда дамлаш йўли билан лазер нурланиши натижасида рўй беради. Шу атом, ион ва молекулаларни фаол марказ (фаоллаштиргич)лар деб номланилади [15-16].

Уларнинг  $1\text{cm}^3$  фаол мұхитидаги миқдори (бандлиги) нисбатан кичик бўлади:

қаттиқ ва суюқ жисмларда тахминан  $10^{19}$ - $10^{20}$ , газсимонларда -  $10^{15}$ - $10^{17}$  га teng. Кристалл ионлари ва лазер ойналари, активацион кам учрайдиган элементлар. Фаол модда икки ташкил этувчидан иборат: матрица (кристалл ёки ойналар асослари) ва унда teng тақсимланган фаоллаштиргичлар. Кристалл асосдаги фаоллаштиргич ионлари изоморф жойлашған ионлар ҳолатида жойлашади. Шунинг учун фаоллаштиргич ионлар радиуси матрицадаги алмаштирилган ион радиуси билан мос тушади. Бу матрицанинг ман этилган зонасида энергетик сатҳлар пайдо бўлишига олиб келади.

Кристаллдаги энергетик сатҳлар структураси фаоллаштиргич билан

белгиланади, атом, фаол мұхит энергетик спектрида селектив ютилиш ва спонтан люминесценция соҳасида ҳосил бўлади. Фаоллаштиргич ва кристалл реметкасининг электромагнит майдон орасида ўзаро таъсирлашиш натижасида энергетик сатҳларнинг маълум силжиши, кенгайиши кузатилади. Фаоллаштиргич атомларининг бир-бири билан ва реметкадаги иссиқлик тебранишлари магнит ўзаро таъсирлашиши фаол мұхитнинг энергетик спектри ўзгаришига олиб келади.

Фаоллаштиргич атомининг ютилиш оралиғи ва катта яшаш вақти метастабил сатҳга эга бўлиши шарт. Матрица материали оптик шаффофф, катта қаттиқлик, иссиқлик ўтказувчанлик, термик ва киёвий бардошлиқ хусусияти бўлиши талаб этилади.


Ионли кристаллар орасида хром билан фаоллаштирилган ёқут,  $\alpha$ -корунд ( $\alpha$  Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub>) ва сўнг неодим, хром билан фаоллаштирилган, жойлашган иттрий – алюминийли гранит (Y<sub>a</sub>G)Y<sub>3</sub>Al<sub>5</sub>O<sub>12</sub>: (Nd<sup>3+</sup>, Cr<sup>3+</sup>) қиймат ҳамда тарқалиш бўйича лазерли материаллардан фойдаланилади. Гранит фаоллаштиргичлар сифатида кам учрайдиган Ho<sup>3+</sup>, Er<sup>3+</sup>, Yb<sup>3+</sup> элементлар бўлиши мумкин.

Кристалл структураси ҳажмий – марказлашган қубли реметкага эга ва умуман 4-сатҳли энергетик спектр орқали ифодаланади. Nd<sup>3+</sup>, Cr<sup>3+</sup> ионлари билан фаоллаштирилган YAG яхши иссиқлик ўтказувчанликка (12,6 Вт/мк), қаттиқлик (8,5), яхши оптик хусусиятлари: синдириш кўрсаткичи  $n=1,823$ ;  $\lambda_0=1,065$  мкм- параметрга эга ноёб лазер мұхити ҳисобланади. Бундан ташқари, YAG узлуксиз режимда ишлаганда қувват қаттиқ фаол мұхит ҳисобланади ва унда қувват 1кВт дан ортиқ қийматга эришилаган [17].

Гранатда Nd<sup>3+</sup> ионлар ютилиши оралиғи 4500дан ~ 25000 см<sup>-1</sup> гача жойлашган ва бу  $\lambda \sim 0,4...0,88$  мкм тўлқин узунлигидаги катақчага мос елади. Бунда 3 хил нурланишли ўтишлар 4F3/2, 4F3/2 → 4I13/2 (1,34мкм); 4F3 → 4I11/2 (1,06мкм); 4F3/2 → 4I13/2 (0,94 мкм) да бир бири ўзаро боғлиқ одисалардир. Улар орасида, асосийси сифатида энг қувватли квант ўтишлар 4F3/2 → 4I11/2 (1.7-расм).

Метастабил ҳолат Nd<sup>3+</sup> нинг 3% қийматида яшаш вақти тахминан 200 мкмни ташкил этади. Ютилишга мўлжалланган сатҳларнинг асосий қисми ЯГ : d<sup>3+</sup> : Cr<sup>3+</sup> ни асосда лазер ишини таҳминлайди ва ишлани импульсли ва узлуксиз режимида амалга оширилади.

Юқорироқда асосийга нисбатан ойлашган 2E сатҳ 4I<sub>3</sub>/2 га мос келиб 2000 см<sup>-1</sup> га teng – бу фаоллашиш кичик чегараси ҳисобланади (у тахминан 10 Дж·см<sup>-3</sup> га teng). Оптик дамлаш самарадорлигини янада ошириш мақсадида гранатнинг кристалл реметкасига Cr<sup>3+</sup> ионларини киритилади. Аммо, ЯГ қиммат лазер материали бўлиб, умумий узунлигини 12 см дан оптиқ ўстиришга эришилмади. Стерженларнинг одатий ўлчовлари: l=3...8, d=0,3...0,5 см.



(1.5-расм)

Учинчи лазер материал – лазерли ойналар ҳисобланади. Буларда фаоллаштиргич ионлари (Nd<sup>3+</sup>, Er<sup>3+</sup>, Yb<sup>3+</sup>) ойнанинг таркибий исмларига киритилади ва бу нокристалл матрицани ўхшатади. Ойна аморф, ноорганик, термопласт материал шаклида бўлади. Бундай ойнанинг технологик, оптик ва иқтисодий нуқтаи назардан синтетик кристаллар олдида маълум қулайликларни яратиб беради: белгиланган лт қайта хусусиятини тиклаш имконини берувчи фаол лазер қисмларини оммавий ишлаб чиқариш; фаол элементларни ихтиёрий ўлчовда тайёрлаш технологияси осонлиги

( $\sim 10 \times 20 \times 150 \text{ см}^3$ ) ва бунда юқори оптик хусусиятлар сақланади ( $\lambda_0 = 1,06 \text{ мкм}$ ;  $m=1,518$  ).

Лазер ойналарининг камчилиги ҳам мавжуд: кичик иссиқлик ўтказувчанлик [126...252 Вт/(м·К)] ва юқори термик кенгайиш коэффициенти ( $80...120 \cdot 10^{-7} \text{ К}^{-1}$  ); тиниқликнинг чегараланган соҳаси ( $0,25...4,5 \text{ мкм}$ ). Энг катта квант чиқиши ( $\eta_e \sim 0,42...0,78$  ) люминесценция муддати узоқлиги (200...600 мкс) ва спектроскопия хусусиятларга  $\text{Na}_2\text{OBa}_2\text{O}_3\text{SiO}_2$  ли таркибли боросиликат ойналарда эришилган [18-20].

Суюқ фаол муҳитлар қаттиқ фаол моддалар олдида сезиларли фарқларга эгадирлар, чунки улар ёрдамида ихтиёрий ҳажм ва конфигурацияли фаол элементни тайёрлаш мумкин. Суюқ фаол моддалар тайёрланиши арzon ва осон, нурланиш йўқотилиши уларда жуда ҳам кам. Иссиқлик олиб кетиш муаммоси шу суюқлик айланиш тизими орқали амалга оширилади. Турли бўёқлар қўшилган суюқлик лазерлар тайёрланган ва фойдаланилмоқда – родамин 6Г ( $\lambda_0 = 0,55 \text{ мкм}$ ).

Саноат томонидан ноорганик суюқ фаол муҳитлар чиқарилмоқда:

$\text{Eu}^{3+}$  -  $(\text{BA})_4 \text{ Na}^+$  ( $\lambda_0 = 0,61 \text{ мкм}$ ) ;  $\text{Nd}^{3+}$  -  $\text{SeOCl}_2$  -  $\text{SnCl}_4$  -  $\text{SbCl}_5$  ( $\lambda_0=1,05 \text{ мкм}$ ). Суюқ муҳитлар частоталарни силлиқ силжитиши, генерация кичик спектри ( $\sim 0,01 \text{ нм}$ )га эга бўлган ҳолда чекланмаган чиқиши қувватга эришиш имконини беради (50...220 МВт).

Газли фаол муҳитнинг қаттиқ ва суюқ фаол муҳитлар олдидаги асосий ютуви шуки, унинг ёрдамида юқори монократик, стабил ва бир йўналишили когерент лазер нурланиш олиш имконини беради ( $\sim 1...5$ ). Газли фазадаги фаол муҳит хусусияти шундан иборатки, муҳит оптик бир хил, бу ўз навбатида резонаторларнинг катта узунликда тайёрлаш ва натижада юқори йўналганлигига ҳамда монократик нурланишни ҳосил қилиши иложи пайдо бўлади.

Бу каби муҳитнинг бошқа хусусияти шуки, унинг кичик зичлиги, бу эса фаол марказларнинг энергетик спектри (атом, ион, молекулалар) бошқа қўшни фаол марказлар томонидан ўзгармайди. Шунинг учун газларда

энергетик спектрлар анча тор бўлади. Натижада лазер нурланиши энергиясини бир нечта ёки 1 бод кенглика бўлиши мумкин. Газли лазерларда маълум фаол моддалар танланиши ҳолатида спектрнинг ихтиё\*рий қисмида генерацияни амалга ошириш мумкин – ултарбинафшадан (~0,2 мкм) то узоқ инфрақизил (~0,45 мкм) гача.

Газли фаол муҳитнинг катта ютуви шуки, улар узлуксиз ва спонтан режимида ишлай олиш қобилияти ҳисобланади, нурланиш қуввати диопазони катта ҳам (10мкВт дан 100кВт гача) ҳамда ФИК (0,015...25 %) кўрсаткични ташкил этиди.

Ионли лазерда фаол муҳит сифатида инерт газ аргон-ИИ ( $\lambda_0 \sim 0,48$  мкм), криpton ( $\lambda_0 \sim 0,56$  мкм), неон ( $\lambda_0 \sim 0,23; 0,33$  мкм ), турли кимёвий элементлар (кадмий, цирк, ёд,  $\lambda_0=1,01$ мкм), фосфор ионлари ( $\lambda_0\sim 2,8$  мкм), сақич ( $\lambda_0 \sim 0,53$  мкм ), хром ( $\lambda_0 \sim 0,7$  мкм ), бром ( $\lambda_0\sim 2,8$  мкм) ва бошқа элементлар бульари бўлиши мумкин. Молекуляр лазерларда энг қўп тарқалган фаол муҳитлар айланма ва тебранма ҳолат энергиясидан фойдаланилади. Улар қаторига азот, кальций карбонат газли ( $\lambda_0\sim 10,6$  мкм) азот ва гелий аралашмаси киритилиши мумкин [20-22].

Яrimўтказгичли фаол муҳитлар, айниқса, жуда катта фаоллаштиргич концентрациясига (~1022 см<sup>3</sup>) эгадир. Бундай ҳолат узлуксиз ва импулсли тарзда нурланиш қувватини 0,5МВт дан 10Вт гача ҳамда ФИК юқори бўлганда (~15...45%) кўрсаткичларга эришиш имконини беради. Бу турдаги фаол муҳитларнинг муҳим ютуви электр инжексиясида токни тўғри лазер нурланишига айлантириши ва резонатор ички модуляцияси осонлиги ҳисобланади, камчилиги – ҳосил қилинган нурланиш катта ёйилиши (5...30) бўлади.

Ҳозирги вақтда жуда кўп сонли яrimўтказгичли лазер материаллар яратилган: ZnO ( $\lambda_0 = 0,38$  мкм ), CdS ( $\lambda_0=0,5$  мкм ), CdSe ( $\lambda_0 =0,58$  мкм), InSb ( $\lambda_0 = 3,1$ мкм ), PbS ( $\lambda_0 = 4,27$  мкм ) ва бошқалар. Аммо, саноат томонидан энг қўп ишлатиладиган ва тарқалган яrimўтказгияли материал галлий арсенид GaAs ва гетероструктура GaxAl1-xAs ( $\lambda_0 \sim 0,8...0,94$  мкм )

саналади. Яримўтказгичнинг электрон – ковак ўтказувчанлик заряд ташувчиларнинг кичик микдорида мавжудлиги билан ифодаланади. Улар дамлаш таъсирида ҳаракатланиб п – н ўтишда фотонлар оқимини фаоллаштиради ва бу жараён  $\sim 1\text{ мкм}$  фаол соҳада рўй беради

## ТИББИЁТ

- **CO<sub>2</sub> ЛАЗЕР**




## ОПТИК ТАШУВЧИЛАРНИНГ МАЪЛУМОТЛАРИНИ ЁЗИШ

- CD, DVD, BD
- MD, MO




## ҚАЙТА ИШЛАШ

### CO<sub>2</sub> ЛАЗЕР



### Laser-plasma acceleration of ions (2000–)

Clark et al, PRL **84** (2000) 670  
 Maksimchuk et al, *ibid.* 4108  
 Snavely et al, PRL **85** (2000) 2945



State of the art (2013):

- up to  $\simeq 70$  MeV protons observed
- $> 10^{13}$  protons,  $> 10^{11}$  C ions accelerated in single shots (as charge neutralized bunches)
- very low emittance measured ( $< 0.1\pi \text{ mm mrad}$ )
- proofs-of-principle of spectral manipulation and beam focusing

## Фотоника асослари

Замонавий квант оптика (фотоника) ёруғликтининг квант табиатини ҳисобга олган ҳолда материя билан ўзаро таъсирини ўрганади. Фотон аслида электроннинг аналогидир, электронлар ўрнига электромагнит майдон квантлари - фотонлар ишлатилади. Замонавий квант оптика (фотоника) фотон сигналларни қайта ишлаш технологиялари билан шуғулланади.

Биринчи марта 1887 йилда Лорд Райлейг томонидан даврий "егизак" текисликлари билан кристалли минералнинг ўзига хос акс этувчи хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда ўрганилган.

У самолётлар орқали Ёруғликтин тарқалишини тақиқловчи тор тармоқли бўшлиқни аниқлади.


1987 1987 йилда Яблонович ва Жон классик электромагнетизм ва қаттиқ жисмлар физикаси воситалариға қўшилишганда, икки томонлама ва уч ўлчовли кўп қиррали фотоник тасма тушунчалари киритилган

Ушбу умумлаштириш, "фотоник кристал" номини олди.

Фотоника термини келиб чиқиши электроника терминига ўхшаш бўлиб, ёруғликнинг турли мухитларда тарқалиш ва модда билан ўзаро таъсирлашув хусусиятларини ўрганувчи фанни ифодалайди. Фотоника фани ёруғликни квант хусусиятларини ўрганади ва шу физик жараёнлар асосида ёруғликни генерациялаш, уни хусусиятларини бошқариш, ёруғликни узатиш, қайд қилиш ва бошқаларни уз ичига олади.

Ёруғлик электромагнит нурланишнинг Инфрақизил ( $\lambda = 2 \text{ мм}$  ( $v = 1, 5 \times 10^{11} \text{ Гц}$ )) соҳасидан то Ультрабинафша ( $\lambda = 10^{-6} \text{ см}$  ( $v = 3 \times 10^{16} \text{ Гц}$ )) соҳасигача бўлган оралиқни эгаллайди.

Кўринувчи соҳа  $\lambda = 400 - 760 \text{ нм}$ , Ультрабинафша –  $\lambda = 10 - 400 \text{ нм}$ , Инфрақизил -  $\lambda = 760 \text{ нм} - 2 \text{ мм}$ .



Фотон кристаллар умуман олганда уч турда бўлади:

Бир ўлчовли фотон кристаллар

Икки ўлчовли фотон кристаллар.

Уч ўлчовли фотон кристаллар


Фотоник кристал - бу сунойй равищда асосий панжара давридан юқори бўлган даври бўлган қўшимча майдон ҳосил қилинган кристалл суперпанжара. Бошқача қилиб айтганда, бу кўзга кўринадиган ва яқин инфрақизил диапазонларда нурланиш тўлқин узунликлари билан таққосланадиган тарозиларда синиши индексининг даврий ўзгариши билан

шундай фазовий тартибли тизимдир. Шу сабабли, бундай панжара фотон энергияси учун рухсат этилган ва тақиқланган бўшлиқларни олишга имкон беради.


Фотон кристалл деб тузилмаси фазовий йўналишларда синдириш кўрсаткичини даврий ўзгариши билан характерланадиган материалга айтилади.

Фотон кристаллнинг асосий хусусияти - фотоник таҳқиқланган зонанинг, яъни фотон кристалл ичида тарқала олмайдиган фотонларнинг частота диапазони мавжудлигидан иборатdir.


*Бир ўлчамли фотон кристалл*




*Уч ўлчамли фотон кристалл*



*Икки ўлчамли фотон кристалл*



Қуйдаги расмда турли фотон кристаллари схематик тасвири келтирилган




Бир ўлчовли кристалларда муҳит синдириш курсатгичи периодик жихатидан бир йўналиш бўйлаб ўзгаради (1D). Бундай структуралар биринчи кулланиши спектрал фильтрлар ишлаб чиқишга тўғри келди. Кейинчалик турли оптик элементларни шу турдаги пленкалар билан қоплаш бошланди ва

бу турдаги элементлар ёритилген оптика номи билан аталди.

Бир үлчовли фотоник кристаллар. Бундай кристалларда синиш коэффициенти бир фазовий йұналишда үзгаради. Бир үлчовли фотоник кристаллар турли хил синиш күрсаткичлари бўлган бир-бирига параллел материаллар қатламларидан иборат. Бундай кристаллар хусусиятларни фақат қатламларга перпендикуляр бўлган битта фазовий йұналишда намойиш этади.

Икки үлчовли фотон кристаллар фазода икки йұналиш бўйича периодик структурага эга бўлади (2D). Икки үлчовли фотоник кристаллар. Бундай кристалларда синиш коэффициенти иккита фазовий йұналишда үзгаради (2-расм). Бундай кристаллда битта синиши күрсаткичи ( $n_1$ ) бўлган минтақалар бошқа синиш күрсаткичи ( $n_2$ ) муҳитида бўлади. Синиш күрсаткичи бўлган минтақаларнинг шакли ҳар қандай бўлиши мумкин, шунингдек, кристалли панжаранинг ўзи. Бундай фотоник кристаллар ўз хусусиятларини иккита фазовий йұналишда намоён қилиши мумкин

Уч үлчовли фотон кристаллар фазода уч йұналиш бўйича периодик структурага эга бўлади (3D). Уч үлчовли фотоник кристаллар. Бундай кристалларда синдириш коэффициенти учта фазовий йұналишда үзгаради. Бундай кристаллар ўз фазилатларини учта фазовий йұналишда намоён қилиши мумкин



Суперпанжара замонавий физика ва техникада муваффакиятли қўлланилмоқда. Суперпанжара (кристалли супер-латтик) - бу тананинг хусусиятларини тавсифловчи ҳар қандай физик миқдор (магнит, электр, эластик ва бошқалар) ҳар хил маҳнога эга бўлган майдонларнинг даврий алмашинуви билан қаттиқ жисмлар.

## Назорат саволлари

1. Сигнал нима?
2. Ахборот нима?
3. Хабар нима?
4. Узлуксиз ёки аналог сигнал нима?
5. Ёруғлик нурлатгичлари. Нурланишларнинг спектрал зичлиги хақида тушунча.
6. Нурланиш турлари, иссиқлик ва люминесцент нурланиш.
7. Ярим ўтказгичларда нурланишнинг ички ва ташқи квант чиқиши.
8. Ярим ўтказгичли светодиодда нурланиш хосил қилишда катнашувчи ўтишлар.
9. Тақиқланган зона кенглиги ва нурланиш частотаси орасидаги боғланиш.
10. Спонтан ва мажбурий нурланиш.
11. Лазер нурланиши ва уни бошқа манбалар нурланишидан фарқи.
12. 3 - энергетик сатхли системада генерация хосил қилиш шартлари.
13. 4 - энергетик сатхли системада генерация хосил қилиш.
14. Турли актив элементли лазерларнинг нурланиш характеристикалари.
15. Ярим утказгичли лазерлар тузилиши ва уларни характеристикалари.
16. Фотон кристалл деб нимага айтилади?
17. Фотон кристаллининг асосий хусусияти нимадан иборат?
18. Фотон кристалларнинг қандай турлари мавжуд?

**2-мавзу: Квант чигаллик. Квант телепортация. Квант интерференция.**

**Фотонни телепортация қилишга мўлжалланган экспериментал қурилмалар. Квант интернети ва квант компьютерлари. Замонавий ахборот узатишнинг физик асослари.**

**Режа:**

1. Квант чигаллик. Квант телепортация.
2. Квант интерференция.

3. Фотонни телепортация қилишга мүлжалланган экспериментал қурилмалар.
4. Квант интернети ва квант компьютерлари.
5. Замонавий ахборот узатишнинг физик асослари.


**Таянч иборалар:** квант чигаллик. квант телепортация, квант интерференция.

Замонавий дунёда алоқа тизимлари бизнинг дунёмизни ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди. Ахборот узатиш каналлари турли хил ахборот тармоқларини ягона глобал Интернетга боғлаб, сайёрамизни том маҳнода ўраб олади. Замонавий технологияларнинг ғаройиб дунёси квант дунёсининг ҳайратланарли имкониятлари билан боғлиқ бўлган фан ва техниканинг замонавий кашфиётларини ўз ичига олади. Айтиш мумкинки, бугунги кунда квант технологиялари бизнинг ҳаётимизга қатъий кириб борди. Бизнинг чўнтакларимиздаги ҳар қандай мобил қурилмалар квант заряд туннел ёрдамида ишлайдиган хотира чипи билан жиҳозланган.


Ушбу қисмда биз ёруғликнинг интерференциясини кўриб чиқамиз ва квант технологияларидан фойдаланган ҳолда тезкор маълумот узатиш учун алоқа каналини қуриш усулларини таҳлил қиласиз. Гарчи кўпчилик маълумотни ёруғлик тезлигидан тезроқ узатиш мумкин эмас деб ҳисобласада, тўғри ёндашув билан, ҳатто бундай вазифани ҳал қилиш мумкин бўлади.

### **Квант интерференция**

Энг оддий схемадан бошлайлик (бу шунчаки ўрнатиш схемаси эмас, балки тажрибанинг схематик кўриниши).




Биз лазер нурини шаффофф ойнага (ПП) йўналтирамиз. Одатда, бундай ойна устидаги ёруғлик ҳодисасининг ярмини акс эттиради, қолган ярми ўтади. Аммо квант ноаниқлик ҳолатида бўлган фотонлар шаффофф ойнага тушиб, иккала йўналишни бир вақтнинг ўзида танлашади. Кейин ҳар бир нур экранга (1) ва (2) кўзгу билан акс эттирилади, бу ерда биз интерференцияни кузатамиз. Ҳаммаси оддий ва тушунарли: фотонлар тўлқин каби ҳаракат қилишади.



Энди фотонлар юқори ёки пастки қисмида қандай йўл босиб ўтганлигини тушунишга ҳаракат қиласайлик. Бунинг учун ҳар бир йўлда даун–конверторларни (ДК) қўямиз. Даун–конвертор - бу битта фотон унга киргандга, чиқиш пайтида 2 та фотон (хар бири ярим энергия билан) чиқарадиган қурилма, улардан бири экранга (сигнал фотони), иккинчиси эса

детекторга (3) ёки (4) тушади (бўш фотон). Детекторлардан маълумотларни олгач, ҳар бир фотон қайси йўлдан юрганини билиб оламиз. Бундай ҳолда, интерференция тасвири йўқолади, чунки биз фотонлар аниқ қайердан ўтганини аниқладик ва квант ноаниқликни буздик.




Бундан ташқари, биз тажрибани бироз мураккаблаштирамиз. Ҳар бир “бўш фотон”нинг йўлида қайтарувчи кўзгуларни жойлаштирамиз ва уларни иккинчи яримшаффоф кўзгуга (диаграммадаги манбанинг чап томонига) йўналтирамиз. Иккинчи яримшаффоф ойнанинг ўтиши “бўш фотон”ларнинг траекторияси тўғрисидаги маълумотларни йўқ қиласди ва интерференцияни тиклайди (Max Цендер интерферометрининг схемасига мувофик). Детекторлардан қайси бири ишламаслигидан қатҳи назар, биз фотонлар қайси йўлни босиб ўтганлигини аниқлай олмаймиз. Ушбу мураккаб схема ёрдамида биз йўлни танлаш ҳақидаги маълумотларни ўчириб ташлаймиз ва квант ноаниқлигини тиклаймиз. Натижада экранда интерференция пайдо бўлади.

Агар биз кўзгуларни силжитишга қарор қилсак, унда "бўш" фотонлар яна детекторларга (3) ва (4) тушади ва биз биламизки, интерференция

экранда йўқолади. Бу шуни англатадики, кўзгуларнинг ўрнини ўзгартириб, биз экрандаги расмни ўзгартиришимиз мумкин. Шундай қилиб, сиз иккилик маълумотларини кодлаш учун ундан фойдаланишингиз мумкин.

Сиз экспериментни бироз соддалаштиришингиз ва "бўш" фотонлар йўлида шаффоф ойнани харакатлантириш билан бир хил натижага эришишингиз мумкин.



### Квант телепортация

**Квант телепортацияси** - космосда ажратилган чигал жуфтлик ва классик алоқа канали ёрдамида квант ҳолатини масофага узатиш, бу ҳолат ўлчов пайтида учиш жойида йўқ қилинади ва қабул қилиш жойида қайта тикланади.

Ушбу атама 1993 йилда чоп этилган "Физикавий хатлар" да чоп этилган, қайси квант ҳодисасини "телепортинг" деб аташни таклиф қилгани ва унинг илмий фантастика билан машҳур бўлган "телепортация" дан қандай фарқ қилишини тавсифловчи мақола [1] туфайли ўрнатилди.

Квант телепортацияси энергия ёки моддани масофадан ўтказмайди. Телепортациянинг фантастик тушунчаси экспериментнинг ўзига хос талқинидан келиб чиқади: "садир бўлган ҳамма нарсадан кейинги

заррачанинг бошланыич ҳолати йўқ қилинади. Яъни, давлат қўчирилмаган, балки бир жойдан иккинчи жойга қўчирилган. "



Квант телепортациясини амалга оширишда, маълумотни квант канали орқали узатишдан ташқари, классик канал орқали хабарни ўқиш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни ҳам узатиш керак. "Квант қисми" нинг узатилиши учун квант чигал зарраларига хос бўлган Эйнштейн - Подольский - Розен корреляциясидан фойдаланилади ва ҳар қандай оддий алоқа канали классик маълумотни узатишга мос келади.

Соддалик учун иккита мумкин бўлган  $\psi_1$  ва  $\psi_2$  ҳолатидаги квант тизимини кўриб чиқинг (масалан, проекция электрон ёки фотоннинг маълум бир ўқда айланиши). Бундай тизимлар кўпинча кубитлар деб номланади. Бироқ, қуйида тавсифланган усул, чекланган микдордаги ҳолатга эга бўлган ҳар қандай тизимнинг ҳолатини ўтказиш учун жавоб беради.

Юборувчида ихтиёрий квант ҳолатида А зарраси бўлсин  $\psi_A = \alpha\psi_1 + \beta\psi_2$  ва у бу квант ҳолатини қабул қилувчига ўтказмоқчи, яъни қабул қилувчида унинг ихтиёрида бир хил ҳолатдаги Б зарраси бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, сиз иккита мураккаб сонларнинг нисбатларини этказишингиз керак  $\alpha$  ва  $\beta$ (максимал аниқлик билан). Эътибор беринг, бу эрда асосий мақсад маълумотни иложи борича тезроқ эмас, балки имкон қадар аниқроқ этказишидир. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги қадамлар қўйилади.

Юборувчи ва қабул қилувчи олдиндан квант билан бояланган

жуфтликни (масалан, Белл ҳолатидаги иккита кубит) С ва В ни яратадилар, бу ҳолда С жўнатувчига, В эса қабул қилувчига ўтади. Ушбу зарралар чигаллашганлиги сабабли, уларнинг ҳар бири ўзига хос тўлқин функциясига эга эмас (ҳолат вектори), лекин бутун жуфтлик (аникроғи бизни қизиқтирадиган эркинлик даражалари) битта тўрт ўлчов\*ли ҳолат вектори билан  $\psi_{BC}$  тавсифланади.

А ва С зарраларининг квант тизими тўрт ҳолатга эга, аммо биз унинг ҳолатини вектор билан тасвирлаб бера олмаймиз - фақат учта заррачалар А, В, С тизимлари тоза (тўлиқ аниқланган) ҳолатга эга. А ва С иккита заррачалар тизими бўйича тўртта натижалар, у ўлчанганди миқдорнинг 4 ўзига хос қийматидан бирини олади. Ушбу ўлчов пайтида А, В, С учта заррачалар тизими янги ҳолатга тушиб, А ва С зарралар ҳолатлари тўлиқ маълум бўлганлиги сабабли, чигаллик йўқ қилинади ва В заррачаси маълум бир аниқ квант ҳолатида бўлади.

Айнан шу пайтда ахборотнинг "квант қисми" нинг "узатилиши" содир бўлади. Бироқ, узатилган маълумотларни қайта тиклашнинг иложи йўқ: қабул қилувчи Б заррачасининг ҳолати қандайдир А заррача ҳолати билан боғлиқлигини билади, лекин қандай қилиб билмайди!

Буни билиш учун жўнатувчи қабул қилувчига одатдаги классик канал орқали унинг ўлчов натижаси тўърисида хабар юбориши керак (жўнатувчи томонидан ўлчанганди ўзгарувчан токнинг бойланган ҳолатига мос келадиган иккита бит сарф қилиш орқали). Квант механикаси қонунларига кўра, А ва С зарралари жуфтлиги ва шунингдек, С билан ўралган В заррачаси устида ўтказилган ўлчов натижаларига кўра, қабул қилувчи керакли трансформацияни амалга ошириши мумкин бўлади. В заррачасининг ҳолати ва А заррачанинг асл ҳолатини тиклаш.

Ахборотни тўлиқ узатиш фақат оловчи ҳар иккала канал орқали олинган маълумотларга эга бўлгандан кейингина амалга оширилади. Натижа классик канал орқали қабул қилинишидан олдин, қабул қилгич узатилган ҳолат ҳақида ҳеч нарса дея олмайди.

Ўтказилган маълумотни ушлаб туриш тубдан мумкин эмас; агар "тажовузкор" чигалиб кетган В ва С жуфтлик эволюциясини кузатишга ҳаракат қиласа, у дарҳол унинг чигалини йўқ қиласи.

Женева университети физиклари фотоннинг квант ҳолатини 25 километр масофага телепортация (маълум бир объектнинг хусусиятларини муайян масофадаги бошқа бир объектга кўчириб ўтказиш) қилди. Олимлар тадқиқот натижаларини Nature Photonics журналида чоп этди, деб хабар бермоқда AlphaGalileo.

Тадқиқот жараёнида олимлар икки чалкаш фотонни оптик тола бўйича 25 километр масофага кўчирган. Бунда зарралардан бири (иккинчиси) кристаллда бўлган.

Шундан сўнг, физиклар учинчи фотон билан таъсир этиш орқали биринчисининг квант ҳолатини ўзгартирди. Натижада кристаллдаги иккинчи зарра ҳам ўзгарди.

Тадқиқот давомида олимлар фотонларнинг бир-биридан 25 километр узоқликда жойлашганига қарамай, бирининг ҳолати ўзгарса, иккинчисига ҳам таъсир қилишини кузатди.

Бундан аввал фотонларни телепортация қилиш тадқиқоти 10 йил муқаддам ўтказилган, бироқ унда фотонлар бир-биридан олти километр масофада жойлашган эди.

Телепортация оптик толада ҳавога нисбатан қийин кечади. Бу фотонларнинг шиша билан ўзаро таъсирига боғлиқ бўлиб, бунда улар ўзидаги дастлабки маълумотнинг анчагина қисмини йўқотади.

Ўз ўлчамларида катта аниқликни кузатган олимларнинг фикрича, бу тадқиқот чалкаш фотонларни квант криптографиясида ишлатища тараққиётга олиб келиши мумкин.

### **Тажрибани амалга ошириш**

Фотоннинг қутбланиш ҳолатини квант телепортациясини экспериментал равишда амалга ошириш 1997 йилда Антон Зайлингер (Инсбрук университети) [2] ва Франческо де Мартини (Рим университети)

бошчилигидаги физиклар гурухлари томонидан 1997 йилда деярли бир вақтнинг ўзида амалга оширилди [3].

Табиат журналида 2004 йил 17-июнда бир вақтнинг ўзида иккита тадқиқот гурухи томонидан атомнинг квант ҳолатини квант телепортациясини муваффақиятли экспериментал кузатиш эълон қилинди: М. Риебе ва бошқ., Nature 429, 734-737 (телепортация) калций ионининг квант ҳолати) ва МДБаррет ва бошқ., Nature 429, 737-739 (berilyum ионига асосланган кубитнинг телепортацияси). Оммавий ахборот воситаларига қизиқиши даражаси ошганига қарамай, ушбу тажрибаларни ютуқ деб аташ қийин: аксинча, бу квант компьютерларини яратиш ва квант криптографиясини амалга ошириш йўлидаги яна бир катта қадамдир.

2006 йилда телепортация биринчи марта ҳар хил табиат обьектлари - лазер нурланиш квантлари ва сезюм атомлари ўртасида амалга оширилди. Муваффақиятли тажриба Копенгагендаги Нилс Бор институтининг тадқиқот гурухи томонидан амалга оширилди. [4]

2009 йил 23 январда олимлар биринчи марта ионнинг квант ҳолатини бир метрга телепортация қилишга муваффақ бўлишди. [5] [6]

2010 йил 10 майда Хитой Фан ва технология университети ва Цингхуа университети физиклари томонидан ўтказилган тажриба натижасида фотоннинг квант ҳолати 16 километрдан ошди. [7] [8]

2012 йилда хитойлик физиклар 4 соат ичидаги 1100 та чигал фотонни 97 километр масофага узатишга муваффақ бўлишди. [9] [10]

2012 йил сентябр ойида Вена университети ва Австрия Фанлар академияси физиклари квант телепортациясида янги рекорд ўрнатдилар - 143 километр [11]

2014 йил 21 сентябрда чоп этилган мақолада бир гурух олимлар оптик толадаги фотонни рекорд масофага (оптик толалар учун) квант телепортация қилишга муваффақ бўлганликларини эҳлон қилдилар.

**Квант компьютер** - бу маълумотларни узатиш ва қайта ишлаш учун квант механикаси ходисаларини (квант суперпозицияси, квант чигаллиги)

ишлатадиган ҳисоблаш мосламаси. Квант компьютер (одатдагидан фарқли ўлароқ) битлар билан эмас (0 ёки 1 қийматларни қабул қилишга қодир), балки бир вақтнинг ўзида 0 ва 1 қийматларига эга бўлган кубитлар билан ишлайди. бир қатор алгоритмларда оддий компьютерлардан сезиларли устунликка эришган ҳолда барча мумкин бўлган ҳолатлар [1].

Тўлиқ тўлақонли универсал квант компьютери ҳали ҳам фаразий мослама бўлиб, уни қуриш имконияти жуда кўп зарралар ва мураккаб тажрибалар соҳасида квант назариясининг жиддий ривожланиши билан боғлиқ; ушбу соҳадаги ўзгаришлар замонавий физиканинг сўнгги кашфиётлари ва ютуқлари билан боғлиқ. 2010-йилларнинг охирида мураккаблиги паст бўлган событ алгоритмларни бажарадиган бир нечта экспериментал тизимлар амалда татбиқ этилди.

Ушбу турдаги компьютерлар учун биринчи даражадаги амалий дастурлаш тили Қуиппер [ен], Ҳаскелл [2] га асосланган (қаранг Квант дастурлаш).

2015 йил сентябр ойида АҚШ Миллий Стандартлар ва Технологиялар Институти олимлари 100 км дан ортиқ масофада оптик толалар орқали фотонларни телепортация қилишга муваффақ бўлишди. Тажриба жараёнида мутлақ нолга яқин ҳароратда молибден силицидига асосланган суперўтказувчи кабеллари бўлган битта фотонли детектор ишлатилган [16].

2017 йил июн ойида хитойлик олимлар 1200 км дан ортиқ масофада квант телепортациясини амалга оширдилар [17] [18].

2020 йилда Чикаго университети олимлари гуруҳи узоқ масофаларга квант ҳолатини бир зумда узатиш имкониятини исботлашга муваффақ бўлишди. Тадқиқотчилар квант ҳолатини мавжуд Интернетнинг асосини ташкил этадиган оптик толали тармоқлар орқали 90% дан юқори аниқлик билан 44 км масофада узатишга муваффақ бўлишди [19].


Шотландия олимлари физик ҳолати ноаниқ бўлган пайтда, “чигал” фотонларнинг дунёдаги биринчи тасвирини олишди. Тадқиқот *Ссиенсе Адвансес*-да нашр этилган.

**Квант “чигаллик”** - бу бир неча зарраларнинг квант ҳолатлари улар орасидаги масофадан қатхи назар ўзаро боғлиқ бўлган ҳодисадир. Ушбу ҳодиса квант телепортацияси, криптография ва компьютер технологияларида кўлланилади. Эйнштейн ва унинг ҳамкаслари, агар квант механикаси воқеликни тўлиқ акс эттиrsa, боғлаб қўйилган тизимнинг бир қисми ҳолатини билиш автоматик равишда бошқа қисмнинг ҳолатини аниқлашини кўрсатишган. Аниқланишича, бу ҳолда маълумот ёруғлик тезлигидан тезроқ узатилади, бу классик физика қонунларига биноан имконсизdir.

Квант чигаллиги бу икки ёки ундан ортиқ жисмларнинг квант ҳолатлари бир-бирига боғлиқ бўлган квант механик ҳодисадир. Масалан, сиз жуфт фотонларни чигал ҳолатида олишингиз мумкин, кейин биринчи заррачанинг спинини ўлчашда винтлик мусбат бўлиб чиқса, иккинчисининг равшанлиги ҳар доим манфий бўлиб чиқади, ва аксинча.


Ушбу объектлар ҳар қандай маълум ўзаро таосирлардан ташқари космосда ажратилган бўлса ҳам, бу ўзаро боғлиқлик сақланиб қолади. Битта заррачанинг параметрини ўлчаш бир лаҳзага (ёруғлик тезлигидан юқори) [аниқлик киритиш (кўрсатилмаган изоҳ) (кузатув)] бошқасининг чигал ҳолатини тутатишига олиб келади, бу эса маҳаллийлик принципига мантиқий зиддир (бунда ҳолда, нисбийлик назарияси бузилмайди ва маълумот узатилмайди).

Квант механикасида зарралар бир вақтнинг ўзида космосда маълум бир позицияга эга бўлмаган тўлқинлардир. Кузатувчи пайдо бўлгандан кейингина тизим битта аниқ квант ҳолатини қабул қилиши керак. Бузилган зарралар, улар орасида минг километрдан кўпроқ масофа бўлса ҳам, бир-бирларининг танлов ҳолатига таъсир қиласди.




Беллнинг тенгсизлиги бузилганлигини исботлаган тажрибалар аллақачон бир неча бор ўтказлган бўлиб, асосан фотонларнинг поляризациялари, лекин баъзан электронларнинг айланишлари билан мос келишини текширди. Ушбу ишда олимлар айланадётган ёруғлик фотонларининг орбитал бурчак моментида тенгсизлик бузилганлигини тасдиқловчи далилларни визуал равишда визуализация қилиш учун мослама йиғишига муваффақ бўлишди.

Пол-Антуан Моур ва Глазго университети ҳамкаслари фазовий ёруғлик модулятори ролини ўйнаган ва фотонларнинг фазасини ўзгартирган суюқ кристалл орқали йўналтирилган “чигал” фотонлар жуфтларини ажратишиди, иккинчиси эса тўғридан-тўғри детекторга тушди. Камера, улар фазода бир-биридан ажратилган бўлса ҳам, бир хил ўзгаришларни бошдан кечирган пайтда барча фотонларнинг расмларини суратга олди. Яъни, квант “чигаллик” пайтида.



**Экспериментал қурилма схемаси.** Пастки чап бурчакда кристалда ҳосил бўлган “чиғал” фотонлар иккита нурга бўлинган. Биринчиси фильтрлардан, кейин детекторга ўтади. Иккинчи нур дарҳол детекторга урилади. Фюрер текислиги кўк, расм текислиги эса сариқ рангда. (Паул-Антоине Мореау эт ал., / Ссиенсе Адвансес, 2019)



*Тўрт хил фильтрдан ўтган боғлаб қўйилган фотонларнинг жуфтликларининг интерференцияси тасвири.*

Ўта сезгир камера битта фотонларни суратга олишга ва суратга фақатгина бир вақтнинг ўзида бир жуфт фотонлар детекторларга тушган пайтда олинди. Тўрт хил фильтрдан ўтган жуфтларнинг тўртта алоҳида расмларидан ташқари, иш муаллифлари фазани ўзгартиришнинг барча тўртта вариантини ўз ичига олган битта фотосуратни олишди.

Хироши Оогури [ен], М.Марколли ва бошқаларнинг фикрига қўра, квант чигаллиги тортишиш назарияси учун қўшимча ўлчамларни яратади. Квант чигаллиги тўърисидаги маълумотлардан икки ўлчовда фойдаланиш вакуум энергиясининг зичлигини ҳисоблашга имкон беради, бу уч ўлчовли космосда тортишиш таосирида намоён бўлади. Бу квант чигаллигини энергия зичлигига қўйилган шарт сифатида изоҳлашга имкон беради. Ушбу шартлар ҳар қандай тортишиш квант назариясида қондирилиши керак, изчил ва умумий нисбийлик ва квант механикасига зид бўлмаслиги керак.

Кўп заррачали квант чигаллиги - бу уч ёки ундан ортиқ куйи тизим ёки заррачалардан ташкил топган квант тизимидағи квант чигаллик ҳодисаси. Иккита заррачалар билан таққослаганда, кўп заррачали квант чигаллиги, умуман олганда, анча бой динамикага эга. Ҳозирги вақтда кўп танали квант чигаллиги квант информатика соҳасида интенсив ўрганиш мавзуси бўлиб, квант компьютерлари ишининг назарий тавсифининг муҳим таркибий қисмидир.

Тажриба натижалари квант феномени тасвирларини олиш технологиясини ишлаб чиқишига туртки беради, бу эса ўз навбатида олимларни ушбу жараёнларни тушуниш ва келгусида қўллашга яқинлаштиради.

### **Назорат саволлари.**

1. Квант интерференцияни қандай тажриба ердамида кузатиш мумкин?
2. Квант компьютер қандай мосламага айтилади?
3. Квант чигаллик нима?

4. Квант интернет нима?
5. “Чигал” фотонлар қандай ҳосил қилинади?
6. Квант чигалликни тасвирга олиш мүмкінми?

### **3 - мавзу: Компьютерда моделлаштириш. Ҳисоблаш физикаси.**

**Моделлаштириш босқичлари. Компьютерда моделлашти-риш учун операцион тизим. Дастурий таъминот, физик жараёнларни моделлаштириш. Асосий тушунчалар. Моделлаштириш босқичлари.**

#### **РЕЖА:**

1. Нима учун моделларни ишлатамиз? Модел тушунчаси.
2. Компьютерда моделлаштириш. Ҳисоблаш физикаси.
3. Моделлаштириш босқичлари.
4. Компьютерда моделлаштириш учун операцион тизим.

**Таянч иборалар:** Модель, билим, моделлаштириш, компьютерда моделлаштириш, ҳисоблаш физикаси, компьютер тизим, дастурий таъминот, Microsoft Windows, Apple Mac OS X, Linux, FORTRAN, Visual Basic, PNET Simulation, Crocodil Physics, Yenka.

#### **3.1. Нима учун моделларни ишлатамиз? Модел тушунчаси.**

Турли сайёralарни тадқиқ этиш инсон хаёти учун ҳафли бўлганлиги сабаб учун тадқиқот модели сифатида “Луноход” ва б.к.). Мамалакат иқтисоди бўйича ўтказиладиган тажриба, унинг оқибатларига, космик аппаратлардан фойдаланилади (масалан, Ойни ўрганиш кўра қиммат бўлганлиги учун, бошқарувчи ечимларнинг оқибатини ўрганишда



иқтисоднинг математик моделларидан фойдаланилади. Металларга ишлов бериш жараёни вақт бўйича



Турли сайёralарни тадқиқ этиш инсон хаёти учун ҳавфли бўлғанлиги сабаб, космик аппаратлардан фойдаланилади (масалан, Ойни ўрганиш учун тадқиқот модели сифатида “Луноход” ва б.к.). Мамалакат иқтисоди бўйича ўтказиладиган тажриба, унинг оқибатларига кўра қиммат бўлғанлиги учун, бошқарувчи ечимларнинг оқибатини ўрганишда иқтисоднинг математик моделларидан фойдаланилади. Металларга ишлов бериш жараёни вақт бўйича тезкорлиги сабаб, уни *вақт кўлами (масштаб) катта*, занглаш (коррозия) жараёни – *вақт кўлами кичик*, атом – *фазо кўлами катта*, космосдаги жараёнлар – *фазо кўлами кичик* моделда ўрганилади.

Лойиҳалаш мавжуд бўлмаган объект учун амалга оширилади. Шунинг учун унинг бўлғуси хоссалари моделда ўрганилади. Модел илмий билишда тизим ва маънони шакллантириш вазифасини бажаради. Моделда буюмларнинг номаълум хоссалари ўрганилади. Модел ҳодисанинг асосий жиҳатлари ва тузилмасини ёрқинроқ ифодалашга ҳизмат қиласи. Модел буюм ёки ҳодиса моҳиятини акс этувчи, асосий жиҳатлари жамланмасининг ифодасидир.

Билим – бу инсон онги ёки техник таҳшувчи қурилмаларда қайд этилган атрофимиздаги олам моделлари. Инсон, у ёки бу ҳолатларда нима қилиши кераклиги ҳакида қарор қила туриб, доимо қабул қилган қарори оқибатларини ўйлаб қўради. Бунинг учун, у, онгига ҳолат моделини қуриб, ўзини ҳаёлан ўша ҳолатда тасаввур қиласи. Яъни, биринчидан, моделлар – бу мантикий фикр юритиш асоси, иккинчидан, башорат қилиш воситаси вазифасини бажаради.

### **3.2. Компьютерда моделлаштириш. Ҳисоблаш физикаси**

Аввалги мавзуда кўриб ўтилганлар мисоллар асосида, модел

тахрифини шакллантирсак бўлади:

Модел деб, етарли даражада бошланғич обҳект ўхшашликларини қамраб олган, тадқиқ этиш қулай бўлиши учун махсус синтез қилинган, тадқиқ этиш мақсадларига адекват обҳектга айтилади. Моделни шакллантириш ҳар гал ижодий иш ҳисобланади<sup>1</sup>. Обҳектдан моделга ўтишнинг ягона усули йўқ.

Мисол: баландликдан ташланган ва вақт ичида эркин тушаётган эркин жисм учун муносабатни ёзиш мумкин.

$$h = \frac{gt^2}{2}$$

Бу жисмни эркин тушиш масофасини физик – математик модели. ушбу моделни қуриш учун қуйидаги гепотезалар қабул қилинган: 1)тушиш жараёни вакуумда содир бўлади (ҳавони қаршилик коэффициенти нолга teng); 2) шамол йўқ; 3) жисмни массаси ўзгармас; 4) жисм ихтиёрий нуқтада тезланиш билан ҳаракат қиласди.

Модел – тадқиқ этилаётган обҳектда натур экспериментни амалга оширишнинг имкони бўлмаган, вақт давомийлиги катта, қиммат, ҳавфли бўлган ҳолларда, реал обҳект ўрнига алмаштириши усули.

“Модел” сўзи ( лотинча “маделиум” сўзидан олинган бўлиб) “ўлчов”, “усул”, “бирор нарсага ўхшаш” маҳносини англатади.

Обҳект хоссалари ҳакида ахборотлар олиш мақсадида моделларни яратиш ва ўрганиш жараёни моделлаштириши дейилади. Аниқ ва мавҳум обҳектлар, ишлаётган ва лойиҳалаштирилаётган тизимлар, жараён ва ҳодисалар моделлаштиришнинг предмети бўлиши мумкин. Моделни яратишдан мақсад моделлаштирилаётган обҳектнинг хоссаси ва хулқини айтиб беришдир.

Тўлиқ кузатиш ёки эксперимент ўтказиш имкони бўлмаган обҳектларни ўрганишда моделлаштириш, табиат қонун ва ҳодисаларини билиш усули сифатида, муҳим аҳамиятга эга.

---

<sup>1</sup>Andi Klein and Alexander Godunov. “Introductory Computational Physics”. Cambridge University Press 2010.

**Моделлар классификацияси.** Ахборотни тақдим этиш шаклига кўра моделлар:

- оғзаки ёки вербал (маҳруза, доклад, сўзли «портретлар» ва х.к.);
- натур (Куёш ситетаси макети, ўйинчоқ кема ва х.к.);
- абстракт ёки белгили. Ҳодисаларнинг математик модели ва компьютерда модели шу тоифага киради.

Фан соҳаси бўйича:

- математик моделлар,
- биологик моделлар,
- ижтимоий,
- иқтисодий ва шу к.б.

Шунингдек, моделлаштириш мақсадига кўра тоифаланиши мумкин:

- дескрептив (тавсифли) моделлар,
- оптималлаштириш моделлари,
- ўйин моделлари,
- ўргатувчи (ўқитиш) моделлари,
- иммитацион моделлар (реал жараённи у ёки бу тарзда ишонарли намоиш этишга ҳаракат қилиш, масалан, газларда молекуланинг ҳаракати, микробларнинг ҳаракати ва б.к.)

Ҳамда, вақт бўйича ўзгариши жихатидан тоифаланиши мумкин:

- Статик моделлар – вақт бўйича ўзгармас;
- Динамик моделлар – уларнинг ҳолати вақтга боғлиқ ўзгаради.

Компьютерли моделлаштириш мураккаб тизимларни ўрганишнинг самарали усулларидан биридир. Кўпинча компьютер моделлари оддий ва тадқиқотга қулай ҳамда улар, реал экспериментлар ўтказилиши мураккаб бўлганда ёки олдиндан айтиб бўлмайдиган натижалар берадиган ҳолларда, ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш имконини беради. Компьютер моделларининг мантиқийлиги ва формаллашганлиги ўрганилаётган объектнинг хоссаларини аниқловчи асосий қўрсатгичларни аниқлаш, физик тизимни унинг катталиклари ва бошланғич шартларнинг ўзгаришига

жавобини тадқиқ қилиш имконини беради.

Компьютерли моделлаштириш (математик моделлаш ва ҳисоблаш тажрибаси) ҳодисанинг аниқ табиатидан мавхумлаштириши, аввал сифат сўнгра миқдорли моделни қуришни талаб қиласди. Ундан кейин компьютерда қатор ҳисоблаш тажрибаларини ўтказилади, натижалар талқин қилинади, ўрганилаётган объектнинг хулқи билан моделлаштириш натижаларини таққосланади, моделга навбатдаги аниқликлар киритилади ва ҳ.к.

### 3.3. Моделлаштириш босқичлари

Компьютерда моделлаштириш бу янги ва етарлича мураккаб курс. Уни яхши ўзлаштириш учун бир неча билимлар талаб қилинади: биринчидан, танланган фан соҳаси бўйича билимлар – агар биз физик жараёнларни моделлаштираётган бўлсак, биз керакли даражадаги физика қонунлари билимларини эгаллаган бўлишимиз, экологик жараёнларни моделлаштиришда – биология қонунларини, иқтисодий жараёнларни моделлаштиришда – иқтисод қонунларини билишимиз, бундан ташқари компьютерда моделлаштириш амалда барча замонавий математик аппаратларни қўллаб амалга оширилишини инобатга олсак, математик билимлар зарур бўлади.

Компьютерда математик масалаларни ечиш учун ночизиқли тенгламаларни сонли ечиш, чизиқли тенгламалар системасини, дифференциал тенгламаларни ечиш усулларини ва функцияларни текшириш усулларини билиши талаб этилади<sup>2</sup>. Шунингдек, албатта, замонавий ахборот технологияларидан эркин фойдала олиниши ва дастурлаш тилларини билиши ҳамда амалий дастурлардан фойдалана олиш кўникмасига эга бўлиши керак.

Назарий ва экспериментал физика билан бир қаторда ҳозирги кунда ҳисобли (компьютерли) физика<sup>\*</sup> соҳаси ҳам мавжуддир. Ушбу соҳа назарий физиканинг ҳисобли таҳлилга асосланган бўлими ривожланиши ва мукаммаллашуви, экспериментал физика соҳасида замонавий

---

\* Harvey Gould, Jan Tobochnik, Wolfgang Christian. “An introduction to computer simulation methods. Applications to Physical Systems”. Pearson Education, Inc., publishing as Addison Wesley, 2007.

компьютерларни тажрибани бошқариш ва ўлчовларни ўтказиш, ўлчашиб натижаларини ҳисоблаш учун самарали қўллаш натижасида шаклланди. Компьютерли физикадаги илмий тадқиқотлар янги технология ва услубиятга асосланган ҳолда олиб борилади. Шуни айтиш лозимки, ҳозирги даврда компьютер фақатгина ҳисоблаш амалларини тезлатувчи, талабалар билимини текширувчи воситагина бўлмай, ўқитишини яккама-якка амалга оширувчи ва энг асосийси - физик жараёнларнинг моделини яратувчи воситага ҳам айланди. Бунда компьютер ёрдамида жиддий муаммоларни ечиш босқичларидан иборат технологик циклни ўз ичига олган етарлича мураккаб бўлган илмий-ишлиб чиқариш жараёнини талаб этади:

1. Масаланинг қўйилиши.
2. Формаллаштириш (математик моделни яратиш).
3. Ҳисоблаш алгоритмини ишилаб чиқиш.
4. Компьютер дастурини ишилаб чиқиш.
5. Ҳисоблаш амаллари.
6. Дастурни созлаш.
7. Натижаларни олиш ва таҳлил қилиш
8. Хатоларни тўғрилаш.

Компьютерли технологиянинг ривожланиши натижасида физик тизимларга янгича қараш шаклланди. Долзарб муаммоларни компьютер воситасида ҳал этишда илмий қонунларни фақат дифференциал тенгламалар билангина эмас, балки компьютер учун ёзилган қоидалар тарзида ҳам ифодалаш қулай эканлиги аён бўлди. Физик жараёнларни ўрганишга бундай ёндашиш физикларнинг компьютерга бўлган муносабатини ўзгартирди. Энди компьютерлар табиий жараёнларни моделлаштирувчи маълум физик тизим сифатида кўрилмоқда.

Компьютерли моделлаштириш жараёни лаборатория экспериментига ўхшашиб, шунинг учун ҳам у баъзан *компьютерли эксперимент*\* деб ҳам аталади. Қуйидаги жадвалда уларнинг ўхшашиб хусусиятлари келтирилган:

---

\* Andi Klein and Alexander Godunov. “Introductory Computational Physics”. Cambridge University Press 2010.

Лаборатория эксперименти	Компьютерли эксперимент
Физик жараён	Модель
Физик асбоб	Компьютер дастури
Калибровка	Дастурни ростлаш
Ўлчаш	Хисоблаш
Натижалар таҳлили	Натижалар таҳлили

Компьютер учун тузилган дастур физик жараённи моделлаштирган ҳолда компьютерли экспериментни ўзида акс эттиради. Бундай эксперимент, одатда, лаборатория эксперименти дейилади, ҳамда назарий ҳисоб-китоблар орасида «қўприк» бўлиб хизмат қиласди. Хусусан, идеаллаштирилган моделнинг компьютерли моделидан фойдаланган ҳолда аниқ натижалар олишимиз мумкин. Ваҳоланки, бундай мавҳум моделни лаборатория шароитида умуман яратиб бўлмайди. Шу билан бирга, реал модель асосида олиб борилган компьютерли эксперимент натижаларини бевосита лаборатория эксперименти натижалари билан таққослаш мумкин.

Шуни таҳқидлаб ўтиш мумкинки, компьютерли моделлаштириш фикрлаш жараёнининг ўрнини босмайди, балки лаборатория эксперименти каби мураккаб ҳодисаларнинг моҳиятини очиб беришда курол сифатида ишлатилади.

Энди компьютерли эксперимент жараёнига хос бўлган босқичларнинг асосий хусусиятларини қўриб чиқайлик.

**Биринчи босқич – масаланинг қўйилиши.** Бу босқичда масала баён этилади, уни ечиш мақсади қўйилади, кирувчи ва чиқувчи ахборотлар таҳлил қилинади, масаланинг моҳияти оғзаки ифодаланади ва уни ечишга умумий ёндошиш бўйича фикр берилади. Аниқ предмет соҳасидаги малакали мутахассис асосан масаланинг қўйишни амалга оширади.

**Иккинчи босқич – формаллаштириш (расмийлаштириш).** Унинг мақсади - масаланинг, компьютерда адекватликни йўқолмасдан ишлатиш мумкин бўлган, математик моделини яратишидир. Агар масала мураккаб

бўлмаса ва маҳсус математик билимни талаб қиласа бу босқични масала қўючининг ўзи бажариши мумкин, акс ҳолда бу ишга математик ёки дастурчини жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълум физик жараён ёки ҳодиса сонли катталиклар ёрдамида ифодаланган тақдирдагина унинг тавсифи ишончли бўлиши Галилей замонидан буён маълум. Бундай катталикларнинг бир қисми тажрибада ўлчанади, қолган қисмини аниқлаш учун эса математик масалалар шакллантирилади. Физика назарияларини математик тарзда ифодалаш зарурияти эҳтироф этилгандан сўнг, реал борлиқни тавсифлаш эксперимент ва назария орасидаги ўзаро таъсиrlар кетма-кетлигига айланди. Назариянинг мақсади - экспериментнинг қониқарли математик ифодасини излашдан иборат. Бунда назария қатор фундаментал тамойилларга (термодинамика тамойиллари, сақланиш қонунлари, инвариантлик ва ҳ.к.) асосланиб, математик аппарат ёрдамида бу тамойиллардан башорат этиш учун зарур бўлган ахборотни олишга интилади.<sup>3</sup>

Классик физика башорат этиш имкониятига эга бўлган назарияларга асосланган эди. Давр ўтиши билан назария кузатилаётган ҳодисаларни билиш воситаси сифатида тан олинди. Ҳозирги вақтда ҳар қандай назариянинг аҳамияти чекланган аксиоматик фикрлар ёрдамида ўзаро боғланмаган кўп сонли фактларни баён этиш имконияти билан баҳоланади. Шуни таҳқидлаш жоизки, замонавий компьютерлар ихтиро қилингунча реал борлиқни назарий тавсифлаш даражаси, яъни математик моделларнинг мураккаблик даражаси уларга мос келувчи математик масалаларни ечиш имкониятларидан сезиларли илгарилаb кетган эди. Масалан, Бутун Олам тортишиш қонунининг кашф этилиши биланоқ Н та жисм ҳақидаги масалани ифода этиш мумкин бўлди. Бундай масала Н та ўзаро таъсиrlашаётган моддий нуқтанинг вақт бўйича ўзгаришини ўрганишга бағишлиланган. Гарчи физик жараённинг математик модели яратилиб, масала тўғри ифода этилган бўлса-да, чексиз катта ҳажмдаги ҳисоблаш амаллари туфайли ушбу жараённи

---

<sup>3</sup> Bowers, Richard LNumerical modeling in applied physics and astrophysics. USA, 2005

тўғри таҳлил этиш имконияти йўқ эди.

Аксарият физик ҳодисалар маълум катталиклар ҳамда катталикнинг ўзгариш коэффициентлари орасидаги муносабатлар воситасида таҳрифланади. Масалан, динамиканинг асосий қонуни

$$\vec{F} = m\vec{a} \quad (1.3.1)$$

ҳаракатланаётган жисм тезлигининг вақт бўйича ўзгаришини унга таъсир этаётган куч билан боғланишини ифодалайди. Агар бу У потенциал туфайли юзага келган бўлса, у ҳолда

$$\vec{F} = \nabla U \quad (1.3.2)$$

Бу ифодада куч У функциянинг фазо бўйича ўзгаришини акс эттирувчи оператор орқали боғланган. Математик амаллар ушбу муносабатларни дифференциал тенгламаларга ўзгартиради. Кўп ҳолларда зарур математик масалаларнинг аналитик ечимини ҳосил қилиш мумкин бўлмайди, чунки изланаётган ечим элементар ёки бошқа маълум функциялар воситасида ифодаланмайди. Ваҳоланки, трансцендент ёки тригонометрик функциялар воситасида ҳосил қилинувчи аналитик ечим мавжуд бўлса, ҳисоблаш алгоритмларини тузишни бирмунча енгиллаштирган бўлар эди. Афсуски, аксарият физик ҳодисаларнинг математик тақлиди дифференциал тенгламалар ва баъзан хусусий ҳосилали тенгламаларнинг ечими билан боғлиқ бўлади. Ҳақиқий ўзгарувчили ва хусусий ҳосилали тенгламалар назариясига кўра улар асосан уч тоифага бўлинади:

### 1. Гиперболик тенгламалар

$$\frac{\partial^2 V}{\partial x^2} = \frac{\partial^2 V}{\partial y^2} + \frac{\partial^2 V}{\partial z^2} = \nabla^2 V \quad (1.3.3)$$

Ушбу турдаги тенгламалар тўлқинларнинг тарқалишидаги физик жараёнларни тавсифлайди.

### 2. Параболик тенгламалар

$$\frac{\partial V}{\partial t} = \nabla^2 V \quad (1.3.4)$$

Иссиклик, газлар, суюқликлар ҳамда электромагнит майдондаги

диффузия ҳодисалари бундай тенгламалар ёрдамида тавсифланади.

### 3.Эллиптик тенгламалар

$$\nabla^2 V = 0 \quad (1.3.5)$$

параболик тенгламаларнинг  $t \rightarrow \infty$  ҳолдаги асимптотик стационар ҳолатини ифодалайди. Бундай масалалар сиқилмайдиган суюқлик (ёки газ) ёки электр токининг стационар ҳолатини, электр зарядларининг ёки иссиқлик манбаси билан боғланган жисмнинг мувозанат ҳолатини тавсифлайди.

Ихтиёрий иккинчи тартибли дифференциал тенгламани юқорида кўрсатилган тоифадаги тенгламаларнинг бирiga келтириш мумкин. Фазо ва вақт ўлчовлиги шундай танланадики, тенгламага кирувчи коэффициентлар бирга тенг бўлиши лозим.

Дифференциал тенгламалар ёрдамида тақлид этиловчи физик ҳодисаларнинг хилма-хиллик хусусияти умумлаштирилган математик моделларни яратишни мушқуллаштиради. Шунинг учун бундай тенгламаларни компьютер ёрдамида ечиш жараёнида физик-тадқиқотчи уларнинг физик маҳноси ҳамда математик мазмунини бир вақтнинг ўзида талқин этиши лозим.

Муаммонинг физик моҳиятини ҳамда математик моделини ўзаро уйғунлаштирилган ҳолда ифода қилиш унинг тўғри ечимини аниқлаш гаровидир.

**Учинчи босқич – ҳисоблаш алгоритмини ишлаб чиқиш.** Компьютерли экспериментнинг иккинчи босқичи ифода қилинган математик масаланинг ечиш услубини ишлаб чиқишдан иборат. Бунда таҳлилий ва ҳисоблаш усулларидан оқилона фойдаланган ҳолда бир неча алгебрик тенгламалар ва улардан қайси кетма-кетликда фойдаланиш қоидалари ишлаб чиқилади. Ҳосил қилинган алгоритм тадқиқ этилаётган физик жараённи акс эттирувчи дифференциал тенгламани ечишга, яъни физик катталикларни акс эттирувчи параметрларнинг маълум қийматларида уни бевосита ҳисоблашга мўлжалланган бўлади.

Эксперимент каби сонли модель<sup>\*</sup> ҳам маълум физик асосга таянган ҳолда ишлаб чиқилади. Одатда, физик эксперимент биз англамоқчи бўлган борлиқнинг маълум модели сифатида намоён бўлади. Агар бу воқелик ниҳоятда мураккаб бўлиб, эксперимент ўтказишга имконият бўлмаса, табиийки, биз нисбатан содда экспериментал модель яратишга интиламиз. Демак, аксарият физик экспериментлар тўлалигича муаммони эмас, балки унинг хусусий моделларидан бирини ўрганишга хизмат қиласи.

Сонли моделни яратишда дастлаб маълум бир физик вазиятни тавсифловчи қонунларни компьютер воситасида тақдим этиш лозим. Ҳодиса етарлича мураккаб бўлса, олинган натижалар кутилаётган натижалардан фарқли бўлади. Бундай ҳолда тадқиқотчи ўрганаётган ҳодисани ҳар томонлама таҳлил этиб, синчиклаб ўрганиши лозим.

Эксперимент жарёнида бундай таҳлил ўлчашларга, сонли таҳлилда эса оралиқ натижалар ҳамда ёрдамчи катталикларга асосланади. Эксперимент тўғрисидаги умумий тушунчалар шаклланиши биланоқ уни самарали амалга ошириш учун зарур бўлган таҳлил ҳақида ҳам мулоҳаза юритиш лозим. Шунингдек, маълум дастурни ишлаб чиқишида муҳим ёрдамчи катталикларга мурожаат этиш имкониятини ҳам хисобга олиш зарур. Ўлчаш амалларисиз олиб борилган тажриба каби натижасиз дастур ҳам фойдасизdir. Шундай қилиб, хисоблаш алгоритми гоҳ назариянинг қуроли, гоҳ экспериментнинг янги тури бўлиб хизмат қиласи.

Компьютер воситасида хисоблаш алгоритмини ечиш ҳам, математик модель ҳам, аслида назариянинг бир хил аҳамиятга эга бўлган таркибий қисмлари сифатида талқин этилиши керак.

Сонли моделнинг афзалликлари ва ноқулайликлари хусусида қуйидагиларни айтиш мумкин. Хисоблаш воситаларининг фақат моделлар тарзида намоён бўлиши уларнинг экспериментга нисбатан ноқулайлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам натижаларнинг назарияни тақлид этувчи қисмини ҳамда сонли моделнинг хусусиятлари томонидан тақлид этилган

<sup>\*</sup> Harvey Gould, Jan Tobochnik, Wolfgang Christian. “An introduction to computer simulation methods. Applications to Physical Systems”. Pearson Education, Inc., publishing as Addison Wesley, 2007.

қисмини бир-биридан ажрата билиш зарур.

Сонли модель қуйидаги икки ажсойиб хоссага эга: рақам усулида олинган натижаларни такроран олиш мүмкін (хаттоғи ихтиёрий тасодифий жараёнларни моделлаштирганда ҳам); сонли моделларнинг башорат этиш имкониятлари экспериментга нисбатан юқориろқ. Дарҳақиқат, ихтиёрий моментда сонли моделнинг барча тафсилотлари маълум бўлади; уларни билиш учун моделни ўзгартириш талаб этилмайди. Ваҳоланки, физик экспериментда бундай имконият мавжуд эмас.

Энди қандай тарзда сонли моделни тадбик этиш лозимлиги ҳақида мулоҳаза юритамиз. Дастроб уни назария ва эксперимент билан таққослаш керак. Сонли модель тўғри назарий моделни талаб этади. Агар физик жараённинг математик модели нотўғри ишлаб чиқилган бўлса, масаланинг ечими мавжуд бўлса, аналитик усулда зарурий натижалар олинади. Бироқ, физик жараёнларни акс эттирувчи барча тенгламалар бундай ечимга эга эмас. Бундай ҳолларда амалий математиканинг ҳисоблаш услубларидан оқилона фойдаланиш зарур. Бунда эксперимент, дастур тузиш ҳамда ҳисоблаш амаллари билан боғлиқ бўлган қийинчиликларни ҳисобга олиш зарур.

Мураккаб экспериментлардаги кам ўрганилган ҳодисаларни башорат этишда сонли модель айниқса фойдалидир. Бундай мақсадларда компьютер амалий физика соҳаларида тобора кенгроқ кўламда қўлланилади. Шуни таҳқидлаш жоизки, компьютердан фойдаланиш соҳасидаги ҳар қандай ривожланиш, билиш даражамизнинг сезиларли силжишига олиб келади; ва аксинча, маълум жараёнларни моделлаштириш ва уларда ўта аниқ ўлчашлар олиб бориш имкониятлари шу жараёнларнинг математик тавсифини қайта кўриб чиқишиңи тақозо этади.

**Тўртинчи босқич – компьютер дастурини ишлаб чиқиши.** Бу босқичда дастур тузилади. Дастур - компьютер тушунадиган тилда ёзилган алгоритмни ифодалаш шаклидир. Алгоритм матн ёки график кўринишдаги инсон тушунадиган тилда, дастур эса маҳсус алгоритмик тилда ёзилади.

Дастурни тузиш жараёнида алгоритмга янада аниқлик киритиш мумкин.

Аввалги бўлимларда баён этилган мулоҳазаларга асосланган ҳолда, маълум бир физик жараён математик тарзда ифода этилган ҳамда унинг сонли модели яратилган бўлсин. Изланаётган ечимнинг хоссалари маълум бўлса, тахминий алгоритмик ечимлар дастурни текшириш имконини беради. Демак, навбатдаги босқичда ана шу алгоритмни юқори савиядаги дастурли тилда ёзиш лозим.

Шуни айтиш жоизки, айнан бир жараённи, гарчи унинг математик ифодалари ва ҳисоблаш услублари аниқланган бўлса-да, амалда турли хил дастурлар воситасида моделлаштириш мумкин. Дастурнинг барча варианtlаридан энг самаралисими танлаш тадқиқотчининг компьютер билан мулоқот қилишида анча енгиллик яратиб беради. Шунинг учун дастурни оқилона ишлаб чиқишида қуидаги мезонларни ҳисобга олиш зарур.

а) дастурнинг модуллилиги. Бир неча модуллардан иборат бўлган дастур қатор ижобий хоссаларга эга. Хусусан, операторлар миқдори қисман ўзгарганда хатоларни аниқлаш анча осонлашади; дастурнинг бошқа қисмларини ўзgartирмаган ҳолда фақат бир қисмини такомиллаштириш ёки ўзgartириш мумкин (масалан, бир дастурни бошқасига алмаштирса бўлади).

Сонли модель билан ишлаш жараёнида дастурда ҳисобга олинмаган янги физик ҳодисаларни тавсифлаш учун маълум бир тавсилларни ўзgartириш зарурияти пайдо бўлади. Агар дастур модулли усулда ёзилган бўлса, бундай ҳолларда дастурнинг бир қисми ўзgartирилади. Юқори савияли тилда ёзилган модулли дастурлардан бошқа соҳа мутахассислари ҳам осонликча фойдаланишлари мумкин.

б) ўзгарувчиларни танлаш. Гарчи ўзгарувчилар моделлаштирилаётган масалага боғлиқ бўлса-да, тадқиқотчи уларнинг номини танлашда ва уларнинг тузилишини ташкил этишда маълум эркинликка эга. Ўзгарувчининг номини танлаш осон бўлмаган масаладир. Физикада кўп учрайдиган катталикларни тақдим этишда маълум ифодалардан фойдаланиш зарур: вақт – т, энтропия - с, оқим- И ва ҳ.к. Ўзгарувчиларнинг номини ҳам

шундай танлаш керакки, улар ифода этилаётган физик катталиктини эслатиши лозим. Шунда буйруқларни изоҳлаш ва хатоларни излаш каби амаллар осонлашади.

в) математик ифодаларни ёзиш. Етарлича мураккаб бўлган математик ифодаларни бўлаклаб, оддий ҳисоблашлар кетма-кетлиги тарзида ифодалаш лозим. Бироқ, бундай шаклда ифодаланган амаллар мажмуасини талқин этиш, ёзиш ва уларнинг хатоларини аниқлашда бирмунча қийинчиликлар туғилади.

г) маълумотларни киритиш ва чиқариш. Бундай буйруқлардан оқилона фойдаланиш дастурдан тадқиқот қуроли сифатида унумли фойдаланиш имкониятини яратиб беради. Шунинг учун дастурнинг ишлашини кузатиш имконини берувчи ҳамда ечимнинг аниқ қийматларини ифода этувчи маълумотлар, физик катталиклар ва ахборотларни ойдин ҳолда акс эттириш лозим. Ягона параметрнинг қийматини аниқлаш лозим бўлган ҳолларда ҳам моделни тўлалигича қузатиш, ва демак, бирмунча натижаларни ҳам назарда тутмоқ мақсадга мувофиқдир. Бундай натижалар экспериментнинг диагностикаси вазифасини бажариб, дастурдан фойдаланишда ҳамда моделнинг асосий гипотезалари тўғри эканлиги ҳақида хулоса чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.

**Бешинчи босқич** – ҳисоблаш амаллари.

**Олтинчи босқич** – дастурни созлаш.

Охирги икки босқич ўзаро боғланган. Уларда дастурнинг тўғри ишлаши текширилади. Шу мақсадда моделлаштириладиган масаладаги ҳамма ҳолатларни имкони борича эҳтиборга олувчи тест мисоли тузилади. Аввалдан маълум тест мисоли натижасига олинган натижанинг мос келишига қараб дастурнинг тўғри ишлаши баҳоланади. Дастур тузилиб, текширилгандан кейин уни қўллаш мумкин.

**Еттинчи босқич** – натижаларни олиш ва таҳлил қилиш. Бу ерда масалани қўювчи томонидан ечим натижаси таҳлил қилинади ва бошқариш қарорлари ёки таклифлари қабул қилинади.

**Саккизинчи босқич** – хатоларни түғрилаш (корректировка). Агар дастурни қўллашда қониқарсиз натижа олинса, модел ва алгоритмга тузатишлар киритиш талаб қилинади. Бу босқичнинг бажарилиши олдинги босқичларнинг ихтиёрийисини тузатиш, мукаммалаштириш зарурати билан боғлик.

### 3.4. Компьютерда моделлаштириш учун операцион тизим

Компьютерли экспериментнинг дастурий таъминотини компьютернинг ажralmas қисми бўлган алгоритмик тил, транслятор, операцион система, стандарт дастурлар кутубхонаси ҳамда турли хилдаги амалий дастурлар мажмуаси ташкил этади. Амалий дастурлар мажмуаси, одатда, универсал бўлмай, балки маълум тоифадаги масалаларни ечиш учун ишлаб чиқилган бўлади. Шу билан бирга, физик жараёнларнинг аксарияти бир хил турдаги тенгламалар ёрдамида ифодаланиши мумкин. Масалан, иссиқлик ўтказувчанлик тенгламаси иссиқликнинг узатилиши билан бирга ўтказгичда магнит майдонининг тарқалиши ёки зарралар диффузияси каби ҳодисаларни ҳам миқдорий тавсифлайди. Шунинг учун компьютерли экспериментнинг дастурий таъминотини яратишида мавжуд амалий дастурлар мажмуасидан унумли фойдаланиш лозим.

**Операцион тизимлар**<sup>\*</sup>. Операцион тизим (OT) нима? Операцион тизим компьютер ишга туширилиши билан юкланувчи шундай бир дастурки, бу дастур фойдаланувчига компьютер билан мулоқот қилиш воситаси бўлиб хизмат қиласди, унинг барча қурилмалари ишини бошқариш имконини беради. Операцион тизим ёрдамида тезкор хотирадан фойдаланиш, дисклардаги маълумотларни ўқиши ёки маълумотларни дискларга йиғиши, файлларни қўчириши ёки босмага чиқариши амалий дастурларни тез юклаб ишга тушириши ва бошқарувни уларга узатиш, оператив хотирани дастур иши сўнгига бўшатиб яна ўзига олиш каби ишлар бажарилади.

OT – компьютерда ишловчи энг асосий дастурний таъминот, инсон ва компьютер орасидаги мулоқот “кўприги”. Операцион тизимсиз компьютер

---

\* Andi Klein and Alexander Godunov. “Introductory Computational Physics”. Cambridge University Press 2010.

ишиламайды. Операцион тизим компьютерга ўрнатылған бўлади ва уни зарур бўлгандага ўзгартириш мумкин. Microsoft Windows, Apple Mac Os X и Linux энг кенг тарқалган опреацон тизимлар хисобланади. Компьютерда моделлаштириш учун қайси операцион тизим яхши? Бу саволга жавоб қўйилған ва ечилаётган масалага боғлиқ:

Алоҳида компьютерлар (ПС)	Windows, Linux, Mac OS
Кластерлар	Linux
Суперкомпьютерлар	Unix, Linux
Хисобга олиниши керак бўлган параметрлар:	<ul style="list-style-type: none"> <li>- мавжуд қурилма ва жихозлар;</li> <li>- дастурий таъминот;</li> <li>- стабиллик;</li> <li>- натижалар таҳлили ва тақдимот</li> </ul>

Физикада кенг қўлланадиган дастурлаш тиллари: Fortran, C/C++, Java. Қайси дастурлаш тилини ишилтиш керак?

- Танлов қўйилған ва ечилаётган масалага боғлиқ:
  - сонли моделлаштириш;
  - тизимли дастурлаш;
  - Web дастурлаш;
- мавжуд дастурий кутубхона ва кодлар
- тажриба, малака.

### Назорат саволлари

1. Модель нима?
2. Моделлаштириш деганда нима тушунилади?
3. Моделлаштиришдан мақсад нима?
4. Моделларни қандай синфларга ажратиш мумкин?
5. Моделларга тушунтириш беринг.
6. Математик моделлаштириш нима?
7. Компьютерда моделлаштириш нима?

8. Ҳисоблаш физикаси нима?
9. Имитацион модель нима?
10. Математик модель қуриш учун нималар керак?
11. Ўрганилаётган обҳект, жараён ёки тизимни математик ифодалаш нималарга боғлиқ?
12. Математик модельни танлаш босқичида нималар аниқланади?
13. Компьютерда моделлаштиришнинг асосий босқичларини тушунтиринг.
14. Операцион тизим нима?

**4-мавзу. Физик жараёнларни моделлаштиришда ахборот–коммуникация технологияларидан фойдаланиб таълим сифатини ошириш. Илмий дастурлаш тиллари. Физик жараёнларни моделлаштиришда электрон таълим ресурларнинг ўрни ва уларнинг таҳлили. Физик жараёнларни моделлаштиришда оммавий онлайн очиқ курслардан фойдаланиш.**

#### **РЕЖА:**

- 4.1. Илмий дастурлаш тиллари.
- 4.2. Физик жараёнларни моделлаштиришда электрон таълим ресурлари ўрни ва уларнинг таҳлили.
- 4.3. Физик жараёнларни моделлаштиришда оммавий онлайн очиқ курслардан фойдаланиш.

**Таянч иборалар:** визуаллаштириш, Pascal, Fortran, Delphi, Java, C++, PHET (*Physical education technology*), *Crocodile Physics*.

#### **4.1. Илмий дастурлаш тиллари.**

Замонавий шароит талабаларни ўқитишида турлича усулларни тадбиқ этишни талаб қиласди. Визуаллаштириш – физик ҳодиса ва қонунларни чуқур англаш ва тушунишга имкон берувчи таълимдаги асосий усуллардан биридир. Тушуниш қийин бўлган димнамик обҳект ва ҳодисаларни, статик тасвирларга қараб ўзлаштиришдан кўра, визуаллаштириш ёрдамида ўрганиш яхши самара беради. Реал лаборатория шароити ҳамма тажрибаларни ҳам

үтказиш имконини бермайди. Шунинг учун, таълим жараёнига ўқитишининг анҳанавий маҳруза, амалиёт, семинар ва лаборатория машғулотлари кўринишлари билан бир қаторда интерфаол моделлаштириш усулларини киритиш зарур.

Албатта, бундай компьютер моделлари, дастурлаш тиллари ёрдамида тайёрланади. Табиийки, савол туғилади, бу мақсадда биз билган кўплаб дастурлаш тиллардан қай бири энг яхиси? Инсонлар сўзлашадиган табиий тилларнинг энг яхиси бўлмаганидек, дастурлаш тилларининг ҳам энг яхиси йўқ\*.

Компьютерда дастурлаш бу – компьютер микропроцессори учун турли буйруқлар бериш, қачон, қаерда нимани ўзгартириш ва нималарни киритиш ёки чиқариш ҳақида буйруқлар беришдир. Дастурлаш тиллари, энг кенг тарқалган дастурлаш тиллари ва уларнинг фарқи, ҳамда, дастурлашни ўрганиш йўллари кўп. Компьютер дунёсида кўплаб дастурлаш тиллари мавжуд бўлиб, дастурлаш ва унга қизиқувчилар сони ортиб бормоқда\*.

Бир хил турдаги ишни бажарадиган дастурларни Басис, Пассал, С ва бошқа тилларда ёзиш мумкин. Пассал, Фортран тиллари универсал тиллар ҳисобланади, Си ва Ассемблер тиллари машина тилига анча яқин тиллар бўлиб, қуи ёки ўрта даражали тиллардир. Алгоритмик тил инсон тилларига қанчалик яқин бўлса, у тилга *юқори даражали* тил дейилади. Машина тили эса энг *пастки даражали* тилдир. Машина тили бу сонлардан иборатdir.

Қуи даражали дастурлаш тили анча мураккаб бўлиб улар жуда маҳсус соҳаларда ишлатилади ва уларнинг мутахассислари ҳам жуда кам. Чунки қуи дастурлаш тиллари (масалан: ассемблер) кўпинча микропроцессорлар билан ишлашда керак бўлиши мумкин. Одатда турли дастурлаш ишлари учун юқори даражали дастурлаш тилидан кенг фойдаланилади. Компьютерлар энди юзага келган пайтда программа тузища, фақат машина тилларида, яъни сонлар ёрдамида компьютер бажариши керак бўлган амалларнинг кодларида киритилган. Бу ҳолда машина учун тушинарли

\* PhET's research publications are listed here: <http://phet.colorado.edu/research/index.php>

\* Andi Klein and Alexander Godunov. "Introductory Computational Physics". Cambridge University Press 2010.

саноқ, системаси сифатида 2 лик, 6 лик, 8 лик саноқ системалари бўлган. Программа мазкур саноқ системасидаги сонлар воситасида киритилган.

Юқори даражали дастурлаш, машина тилларига қараганда машинага мослашган (йўналтирилган) белгили кодлардаги тиллар ҳисобланади. Белгилар кодлаштирилган тилларнинг асосий тамойиллари шундаки, унда машина кодлари уларга мос белгилар билан белгиланади, ҳамда хотирани автоматик тақсимлаш ва хатоларни ташхис қилиш киритилган. Бундай машина мослашган тил - АССЕМБЛЕР тили номини олди. Одатда дастурлаш юқори савияли дастурлаш тиллари (Delphi, Жава, С++, Питхон) воситасида амалга оширилади. Бу дастурлаш тилларининг семантикаси одам тилига яқинлиги туфайли дастур тузиш жараёни анча осон кечади.

**Кўп ишлатиладиган дастурлаш тиллари.** Биз ҳозир биладиган ва ишлатадиган тилларнинг барчаси шу гурухга мансуб. Улар инсонга "тушунарли" тилда ёзилади. Инглиз тилини яхши билувчилар программа кодини қийналмасдан тушунишлари мумкин. Бу гурухга Басис, Пассал, Фортран, Алгол, Собол ва ҳ.к. тиллар киради (кўпчилиги ҳозирда деярли кўлланилмайди). Энг биринчи пайдо бўлган тиллардан то ҳозирги замонавий тилларгача ишлатиш мумкин. Лекин, ҳозирги web технология орқали ишлайдиган тилларда (ПХП, АСП.НЕТ, ЖСП) бундай дастурлар тузилмайди. Чунки бундай дастурларнинг ишлаши учун яна бир амалий дастур ишлаб туриши керак. Ҳозирда, амалий дастурлар, асосан Висуал С++, С#, Борланд Delphi, Борланд С++, Жава, Питхон каби тилларда тузилади\*.

Кўпчилик Delphi\*\* дан фойдаланади. Бунинг асосий сабаби: соддалиги, компонентларнинг кўплиги, интерфейсининг тушунарлилиги ва ҳ.к. Delphi да биринчи ишлаган одам ҳам қанақадир дастур тузиши осон кечади. Лекин, Windows да дастурнинг ишлаши анча қийин бўлади (компонентларнинг кўплиги ва API функциялари дастурда кўрсатилмаслиги учун). Яна бир тарафи, Delphi (Пассал) оператив хотирани тежашга келганда анча оқсайди.

\* Harvey Gould, Jan Tobochnik, Wolfgang Christian. "An introduction to computer simulation methods. Applications to Physical Systems". Pearson Education, Inc., publishing as Addison Wesley, 2007.

\*\* <http://www.delphi.com/>

Унда ўзгарувчиларни олдиндан эхлон қилиб қўйиш эвазига ишлатилмайдиган ўзгарувчилар ва массивлар ҳам жой олиб туради.

Энг кенг тарқалган дастурлаш тили (Windowс да) Мисрософт Висуал С++ тилидир. Кўпчилик дастурлар ҳозирда шу тилда тузилади. Умуман олганда, С га ўхшаш тиллар ҳозирда дастурлашда етакчи. Деярли ҳамма замонавий тилларнинг асосида С ётади. Бундан ташқари, Турли компьютер ўйинлари тузишда ёки кичик ҳажмдаги дастурлар тайёрлашда ЛУА скрипт ёки ЖаваСкрипт тиллари ҳам кенг ишлатилмоқда.

Хозирги кунда кенг тарқалган компьютер дастурлашда ишлатиладиган дастурлаш тилларидан базилари ҳақида тўхталсак:



*Delphi* — дастурлаш тилларидан бири. Борланд фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган. *Delphi* дастурлаш тили ишлатилади ва аввалдан Борланд Delphi пакети таркибига киритилган. Шу билан бир қаторда 2003-йилдан ҳозиргacha қўлланилаётган шу номга эга бўлган. Object Pascal — Pascal тилидан бир қанча кенгайтиришлар ва тўлдиришлар орқали келиб чиқсан бўлиб, у обҳектга йўналтирилган дастурлаш тили хисобланади. Аввалдан ушбу дастурлаш муҳити фақатгина Microsoft Windows амалиёт тизими учун дастурлар яратишга мўлжалланган, кейинчалик эса ГНУ/Линух ҳамда Кулих тизимлари учун мослаштирилди, лекин 2002-йилги Кулих 3 сонидан сўнг ишлаб чиқариш тўхтатилди, кўп ўтмай эса Microsoft. NET тизимини қўллаб кувватлаши тўғрисида эхлон қилинди. Лазарус проекти амалиётидаги (Free Pascal) дастурлаш тили Delphi дастурлаш муҳитида GNU/Linux, Mac OS X va Windows SE платформалари учун дастурлар яратишга имконият беради.

*Delphi* — дастурлаш тилларидан бири. Борланд фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган. *Delphi* дастурлаш тили ишлатилади ва аввалдан Борланд Delphi пакети таркибиغا киритилган. Шу билан бир қаторда 2003-йилдан ҳозиргacha қўлланилаётган шу номга эга бўлган. Object Pascal — Pascal тилидан бир қанча кенгайтиришлар ва тўлдиришлар орқали келиб чиқсан бўлиб, у обҳектга йўналтирилган дастурлаш тили хисобланади. Аввалдан ушбу дастурлаш

*Visual Basic* – Microsoft корпорациядан дастурлаш тили ва унинг учун дастурлаш мухитидир. У Basicдан кўп тушунчалар олди ва тез расмли интерфейс билан дастурлар тараққиётини таҳминлайди. Майкрософтдан ворис Висуал Басис НЕТ 2002 йилда пайдо бўлди.

*Жава*\* дастурлаш тили - энг яхши дастурлаш тилларидан бири бўлиб унда



корпоратив даражадаги маҳсулотларни (дастурларни) яратиш мумкин. Бу дастурлаш тили Оак дастурлаш тили асосида пайдо бўлди. Оак дастурлаш тили

90-йилларнинг бошида Сун Микросистемс томонидан платформага (Операцион тизимга) боғлиқ бўлмаган ҳолда ишловчи янги авлод ақлли қурилмаларини яратишни мақсад қилиб ҳаракат бошлаган эди. Бунга эришиш учун Сун ҳодимлари C++ ни ишлатишни режалаштирилар, лекин баъзи сабабларга кўра бу фикридан воз кечиши. Оак мувофақиятсиз чиқди ва 1995-йилда Сун унинг номини Жава га алмаштириди, ва уни WWW ривожланишига ҳизмат қилиши учун маълум ўзгаришлар қилиши. Жава Объектга йўналтирилган дастурлаш(OOP-object oriented programming) тили ва у C++ га анча ўхшаш. Энг кўп йўл қўйилдиган хатоларга сабаб бўлувчи қисмалари олиб ташланиб, Жава дастурлаш тили анча соддалаштирилди. Жава код ёзилган файллар(\*.Жава билан ниҳояланувчи) компиляциядан кейин байт код(байтесоде) га ўтади ва байт код интерпретатор томонидан ўқиб юргиздирилади.



C++ — турли мақсадлар учун мўлжалланган дастурлаш тили\*. 1979-йили Белл Лабсда Биярне Строуструп томонидан С дастурлаш тилининг имкониятларини кенгайтириш ва ООП (OOP-object oriented programming) хусусиятини киритиш мақсадида

\* <https://www.java.com>

\* <https://isocpp.org/>

ишлиб чиқарилган.

Бошида „ C with Classes ” деб аталған, 1983-йили ҳозирги ном билан яньни C++ деб үзгартырған. C++ С да ёзилған дастурларни компиляция қила олади, аммо С компилятори бу хусусиятга эга эмас. C++ тили операцион тизимларга алоқадор қисимларни, клиент-сервер дастурларни, компьютер үйинларини, кундалик әхтиёжда құлланиладиган дастурларни ва шу каби турли мақсадларда ишилатыладиган дастурларни ишлиб чиқаришда құлланилади.

## **4.2. Физик жараёнларни моделлаштиришда электрон таълим ресурлари ўрни ва уларнинг таҳлили.**

Янги технологиялар кун сайин ривожланиб, ахборотлаштириш жараёни тез суръатлар билан үсіб бораётган ҳозирги даврда таълим соҳасида ахборот ресурсларини ташкил этиш ва таълимда фойдаланишга мамлакатимизда ҳам алоҳида эътибор қаратылмоқда.

Таълим тизимиға электрон таълимни жорий этиш биринчи навбатда жамиятнинг интеллектуал салоҳиятига, жумладан, таълим соҳасининг ахборотлашувига, ахборот таълим ресурсларини ишлиб чиқишига боғлиқ. Дунёнинг ривожланған ва ривожланаётган мамлакатларидан таълимни ахборотлаштириш, шу жумладан электрон таълимни жорий этишига алоҳида эътибор қаратылмоқда. Электрон таълимни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш йўллари изланмоқда, таълимда янги ахборот технологияларини жорий этиш таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг дикқат марказидан ўрин олган.

Таълимнинг фан ва ишлиб чиқариш билан интеграциясининг асосли механизмларини ишлиб чиқиш, уни амалиётга жорий этиш, ўқиши, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш, масофавий таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлиб чиқиш ва ўзлаштириш, янги педагогик ҳамда ахборот технологиялари асосида электрон таълимдан фойдаланған ҳолда талабалар ўқишини жадаллаштириш ана шундай долзарб вазифалар сирасига киради. Ўқув жараёнини электрон таълим асосида ташкил этиш,

шу жумладан, ўқув материалларини баён этишни такомиллаштириш тамойиллариға маълум ўзгартиришлар киритиш зарур бўлади. Бунда таълим жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш мақсаддаги энг самарали йўл ҳисобланади.

Internet технологияларининг кириб келиши бир неча асрлар давомида ўзгармай келган ҳолатларни ўзгратириб юборди. Бу одатдаги хат ёзишмалари электрон почта билан, кутубхоналар эса web-сайтлар билан алмашинишида намоён бўлди.

Эндиликда эса таълим тизимида таълим олишнинг анъанавий шакллари ўрнига масофавий таълим элементлари кириб келди.

Ҳаммамизга маълумки, ҳар бир университет ёки таълим муассаси ўз таълим жараёнини бошқариш учун замонавий технологиялардан келиб чиқсан ҳолда, ўзининг виртуал ахборот таълим мухитини яратишга ҳаракат қиласи. Ҳозирги вақтга келиб, виртуал ахборот таълим мухитини яратишнинг ҳожати қолмаган, чунки Web мухитига мослашган ҳар хил турдаги дастурий мажмуалар жонкуяр дастурчи ва таълим соҳасида ишлаб келаётган ходимларнинг ҳамкорликда ишлашлари шунингдек, таълимга йўналтирилган фонdlар томонидан қўллаб қувватланиши натижасида, эркин ва очиқ кодли дастурий таъминотлар яратилган.

Таълим тизимиға электрон ахборот таълим технологияларини татбиқ этиш, такомиллаштиришдаги асосий вазифалари ва муаммолар

Таълим тизимиға электрон ахборот таълим технологияларини татбиқ этиш, таълим муассасаларининг моддий техник базасини ҳолатини танқидий баҳолаш ва такомиллаштиришдаги асосий вазифалар қуидагилардан иборат:

- электрон таълимни ўқув жараёнига татбиқ этиш учун лозим моддий-техника базасини яратиш;
- ўқув жараёни учун электрон таълимга мўлжалланган таълим технологияларини яратиш ва қўллаш;
- талабаларни замонавий электрон таълим технологиялари соҳасида билим ва кўникмаларини шакллантириш;

- электрон таълимни жорий этиш орқали таълим тарбия ва ўқитиш жараёнининг самарадорлигини ошириш.

Электрон ахборот ресурслари таълимга оид ахборотларни йифиш, сақлаш, узатиш, қайта ишлаш усул ва воситалари мажмуудан иборат бўлиб, у таълимга оид турли ахборотларнинг яратилишини белгиловчи ички ва ташқи омилларга боғлик:

- ички омиллар — бу ахборотларнинг яратилиши, турлари, хоссалари, ахборотлар билан турли амалларни бажариш, уларни жамлаш, узатиш, сақлаш ва ҳ.к.
- ташқи омиллар — бу электрон таълимнинг техника-ускунавий воситалари орқали ахборотлар билан турли вазифаларни амалга оширишни билдиради.

Электрон таълимдан фойдаланиш эса, улар билан мулоқотда фойдаланувчиларнинг қўникма ва малакаларига боғлик. Шунинг учун, дастлаб замонавий телекоммуникация воситаларининг ўзи нималигини билиб олиш муҳим саналади.

Замонавий телекоммуникация воситалари имкониятлари жуда кенг тизим бўлиб, унга маълум бўлган компьютер, мультимедиа воситалари, компьютер тармоқлари, Интернет каби тушунчалардан ташқари қатор янги тушунчалар ҳам киради. Буларга ахборот тизимлари, ахборот тизимларини бошқариш, ахборотларни узатиш тизимлари, маълумотлар омбори, маълумотлар омборини бошқариш тизими, билимлар омбори кабилар мисол бўлиши мумкин. “XXI аср - ахборотлаштириш асри”да таълим соҳасига электрон таълимни жорий этиш, ҳар бир таълим муассасасида:


- ўқитиш ва ўқиши жараёнининг;
  - таълим муассасаси бошқарилишининг;
  - таълим муассасаси бўлинмаларининг;
- таълим муассасаси фаолияти муҳитининг ахборотлаштирилишини талаб қиласди. Таълим муассасасида электрон таълим муҳитини ташкил этиш босқичлари психологик ахборот муҳитини яратишдан бошланади.

Технологик ва илмий натижалар, яратилган дастурий маҳсулотлар асосида замонавий воситалар ва методлардан фойдаланишга эҳтиёж шакллантирилади. Бунда ҳар бир таълим муассасида индивидуал ва маслаҳат машғулотлар асосида педагогларни мустақил ва компьютер таълими тизимини ташкил этиш керак.

Республикамизда бошқа илғор мамлакатлар қатори замонавий ахборот технологияларидан таълимда фаол фойдаланишга киришилди.

Электрон таълимни жорий этиш кенг маънода таълим соҳасини методология, ўқитиш мақсадларининг психологик-педагогик тадбифига йўналтирилган янги ахборот технологиялари воситаларини самарали фойдаланиш ва қайта ишлаш амалиёти билан таъминлаш сифатида қаралади. Бундан ташқари, электрон таълим масофали ўқитиш тизимининг тараққиёти учун база бўлиб хизмат қиласи. Электрон таълим жараёнида таълим тизимида янги ахборот технологиялари воситаларидан кенг кўламда фойдаланиш амалга оширилади.

Ўқув жараёни методик таъминотининг электрон ўқув методик ресурслари таркиби



### **4.3. Физик жараёнларни моделлаштиришда оммавий онлайн очик курслардан фойдаланиш.**

Охирги икки асрда ўрганиладиган билимлар шунчалик даражада кенгайиб кеттики, олдинги олимларни қомусшунос, қомусий олим деб аташга мажбур бўляпмиз. Нега? Ҳозир ҳеч ҳам бир вақтни ўзида фалакшунослик, жўғрофия, физика, кимё, тиббиёт, математика, фалсафа ва ҳоказоларни ўрганиб бўлмас даражага етди.

Фундаментал фанлар билан бирга гуманитар, инсоният, жамият билан боғлиқ билимлар кўпайди. Барчаси фақат инсоният ривожи, қулайлиги, оғирини енгил қилиш учун хизмат қилишига қаратилмоқда.

XXI асрни бемалол технологиялар ва у билан боғлиқ билимлар аси дея оламиз. Билимларни ўрганиш турлари, йўллари, усулларини кенгайтириб юборган аср.

АҚШнинг Стенфорд университети, Массачусең Технология институти (MTI) каби бир неча нуфузли олий ўқув юртлари бепул “онлайн” курсларини тақдим этмоқда. Тажриба тариқасида илк бор ташкил этилаётган мазкур дарслар дунёнинг барча давлатларидағи талабалар учун очик. Қизиги шундаки, ушбу курсларда ўқиш мутлақо бепул ва уларни муваффақиятли тамомлаганларга диплом (сертификат) ҳам берилади (айрим курслар текин сертификат беришади лекин кўп курсларда маълум бир туловдан кейин сертификат олиш мумкин).

Интернет орқали ўқув материалларини бепул ва эркин тарқатишга мўлжалланган “Очиқ дарсхона” (Open courseware) дея номланувчи электрон тизим бундан ўн йилча муқаддам MTI томонидан ташкил этилган эди. Шундан сўнг юзлаб бошқа коллеж ва университетлар ҳам ўқув материалларини интернетга барча учун бепул ва очик қўйиш амалиётини йўлга қўйди. Бугунга келиб MTI ва Стенфорд университети ушбу амалиётни янги босқичга кўтаришга қарор қилди.

Улар энди нафақат курсда ўтиладиган материалларни, балки дарснинг ўзини ҳам бепул тақдим этишмоқда.


Стенфордда компьютер бўйича икки мутахассис дастлаб “Сунъий интеллект фанига кириш” (Introduction to Artificial Intelligence) номли бепул “онлайн” курс ташкил этди.

Дунёнинг 190 дан ортиқ мамлакатидан жами 160 мингдан зиёд талаба курсга ёзилди. Кўнгиллилар ёрдамида курс материаллари қисқа муддат ичида дунёнинг 44 тилига таржима ҳам қилинди. Иштирокчиларнинг 23 минг нафари курс материалларини тўлиқ тамомлаб, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтди ҳамда ушбу курсни битирганлик тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлди.

2012-йил Стенфорд университети яна бешта бепул “онлайн” курсни ташкил этди. Уларда ўқиётган талabalар сони ярим миллионга яқинлашган.

Бу борада Массачусең Технология институти ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Ўқув юрти ташаббуси билан интернет орқали бепул дарслар берадиган “MITx” номли янги нотижорат ташкилоти тузилди. “MITx” қошида очилган биринчи курс – “Схемалар ва Электроника” дарсида қатнашиш учун юз мингдан зиёд талаба рўйхатдан ўтди. “MITx” интернет саҳифасида ёзилишича, рўйхатга ёзилганларнинг камида 20 минг нафари дарс машғулотларида тўлиқ ва фаол иштирок этмоқда.

Принстон университети, Берклидаги Калифорния университети, Мичиган Ан-Арбор ҳамда Пенсильвания университетлари ҳам ҳамкорликда бепул “онлайн” курсларини ташкил этмоқда. Ушбу курслар “Coursera” деб номланган интернет сайтида жамланган. “Coursera”дан курсларни номлари ва йўналиши бўйича ёки уларни тақдим этаётган университетлар бўйича қидириб топишингиз мумкин. Бепул дарсларни тақдим этувчи яна бир сайт “Udacity” бўлиб, у ҳам “Coursera” билан биргаликда Стенфорд университети мутахассислари томонидан бунёд этилган.



Оммавий онлай очиқ курсларда ташкиллаштирилган курсларнинг кўринишлари

Дунёнинг нуфузли университетлари тақдим этадиган ушбу бепул “онлайн” курслари:


Coursera.org – <https://www.coursera.org/>

EdX – <https://www.edx.org/>

Udemy – <https://www.udemy.com/> LinguaLeo – <http://lingualeo.ru/> busuu – <http://www.busuu.com/enc/>

TED – <http://www.ted.com>

**Coursera.** Расмийсайти: [www.coursera.org](http://www.coursera.org)



The screenshot shows the Coursera homepage with a search bar at the top. Below it is a sidebar with filters: 'По требованию' (68), 'Предлагают' (245), 'Подготовленные сертификаты' (110), 'Специальность' (112), 'Все категории' (51), 'Искусство' (121), 'Биология и изучение жизни' (162), 'Химия' (30), 'Компьютерные технологии: искусственный интеллект' (44), 'Компьютерные науки: разработка программного обеспечения' (72), 'Компьютерные технологии: системы и безопасность' (41), and 'Компьютерные науки: теория' (57). To the right, there's a main area titled 'Курсы' (Courses) displaying four course cards:

- Университет Джонса Хопкинса**: Набор инструментальных средств для специалистов по обработке данных с **Jeff Leek, PhD, Roger D. Peng, PhD & Brian Caffo, PhD**. Дата: апр 5-го, 2016, продолжительность: 4 недель. Кнопка: Специальности.
- Университет Джонса Хопкинса**: Программирование на языке R с **Roger D. Peng, PhD, Jeff Leek, PhD & Brian Caffo, PhD**. Дата: апр 6-го, 2016, продолжительность: 4 недель. Кнопка: Специальности.
- Пекинский университет**: 操作系統原理 («Операционные системы») с **Гуанъюань Чжан Хунчжи**. Дата: мэр 17-го, 2016, продолжительность: 12 недель. Кнопка: Недель.
- Пекинский университет**: 算法设计与分析 («Дизайн и анализ алгоритмов») с **Wenting Qu**. Дата: мэр 17-го, 2016, продолжительность: 10 недель. Кнопка: Недель.

Ушбу инглиз тилидаги лойиха ҳар хил билимлар босқичи бўйича курс тизимларини ўтказадиган университетлар билан ҳамкорлик қиласди. Тингловчилар фақатгина курсларни оқибгина қолмасдан, курсдошлари билан гаплаша оладилар, Coursera ОООК тестлар ва имтиҳонлар топширадилар.

**Khan академияси.** Расмий сайти: <https://www.khanacademy.org>

Бир куни МИТ ва Гарвардни битирган қобилиятли талаба Салманхан бошқа шаҳарда яшайдиган кичкина амакиваччасини математика фанидан қийналишини билиб қолади. У «YouTube» сайтига видеодарсларни жойлаштириб, унга ёрдам бермокчи бўлади ва машҳур бўлиб кетади. Энди Khan академияси сайтида ҳар хил мавзудаги 42000 дан ортиқ бепул микромаърузалар бор. Улардан кўпчилиг рус тилида ҳам мавжуд.

Гарвард Университети ҳамда Массачусец Технология Институти биргаликда “барча ёшдагилар ва турли миллат вакиллари учун текин, интернет орқали интерфаол таълим олишлари учун” нотижорий ташкилот ташкил қилишди. EdX – бир сўз билан айтганда, таълим платформаси, энди сиз инглиз тилида Гарвард Университети, МИТ ва яна Беркелей Калифорния Университетларида (ҳамда 2013-йилдан Тексас Университети ҳам қўшилмоқда) ўргатиладиган курслардан билим олишингиз мумкин.

Nega aynan Khan Academy?					
	<b>Individual ta'lim</b>		<b>Ishonchli kontent</b>		<b>O'qituvchilarni yuksaltirish vositalari</b>
Tan o'suvchilar farrinchasi ro'isida bilimda qiziqishini korxasi uchun, xong o'suv faoliyatini nesbatlashtiradi.	Khan Academy matematika sonaridagi sartligiga imkonliq o'quv materiallar majussova oladagi matematika, fizika, kimya, biologiya va bioteknologiya chegarasi va sanoq muhammadiy o'rinniga ogen. Radsha rauhba surʼati boʻlgan.	O'qituvchilar Khan Academy yostirishiga aqliyatchilarining bilimda qiziqishini aniqlaspi, borsovchi xoldi va ham shuning uzungaga boligan engayliq qondorileti muʼmin.			

Изменять. Нам нравится, как это звучит. [Узнать больше](#)

# Беспокойные ученики меняют мир

Найдите наши 3000+ курсов [Поиск](#)

[Изучить все курсы](#)



453 583 люди учатся на edX сегодня



Учитесь в более чем 160 университетах-членах

# Изучите лучшие курсы

Хозирча маскур EdX платформасида кимё, тиббиёт, информатика, физикага оид курслар қўйилган.

Intuit. Расмий сайти: [www.intuit.ru](http://www.intuit.ru)

Олий таълим ва иккинчи олий таълимни олиш имконияти мавжуд бўлган, шунингдек, профессионал қайта тайёрлаш ва малакани ошириш имкониятларини тақдим қила оладиган йирик Россия интернет-университетидир.

Тўлиқ ўқиш пуллик, аммо интуит сайтида турли соҳадаги: информатика, физика, математика, иқтисодиёт ва фалсафа бўйича 500 дан ортиқ курсларни бепул ўқиш (tinglash) мумкин. Хозирги кунда кўпгина курслар видео дарслар шаклида ҳам берилмоқда. Таълим курсларини тутатганда бепул электрон сертификат олиш мумкин.

Янdex мактаби. Расмий сайти: <https://yandexdataschool.ru/edu-process/courses>. Бу ерда Янdex маълумотлар ташхиси мактаби маъruzalari жойлаштирилган. Унинг асосий мақсади айнан Янdex учун, шунингдек, АҚТ индустриясида маълумотларни ташхис қилиш ва қайта ишлаш ҳамда интернетдан маълумотларни олиш бўйича малакали инсонларни тарбиялашдир.

### **Назорат саволлари.**

1. Қандай илмий дастурлаш тиллари бор?
2. Кўп ишлатиладиган дастурлаш тиллари?
3. *Visual Basic* дастурлаш тилига изоҳ беринг?
4. *Java* дастурлаш тилига изоҳ беринг?
5. *C++* дастурлаш тилига изоҳ беринг?
6. Elearning нима?
7. Масофали ўқитишнинг назарий ва дидактик асослари.
8. Масофавий таълимни ташкил қилиш усувлари.
9. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари.
10. Эркин ва очиқ кодли таълим деганда нимани тушунасиз?
11. LMS тизимларининг асосий функциялари нимада?

12. Moodle тизимида ўқув жараённиташкиллаштириш қандай амалга оширилади?
13. Moodle тизимининг имкониятлари.
14. Оммавий онлайн очик курсларга мисоллар келтиринг.
15. Масофавий таълимнинг анъанавий таълимдан фарқи?
16. Масофавий ўқитишни ташкил қилиш муаммолари?
17. Moodle тизимида ўқув жараёни қандай ташкиллаштириш мумкин?
18. MOODLE – аббревиатурасини келтиринг.
19. LMS ва унинг хусусиятлари?
20. CMS ва унга кирувчи ахборот тизимларига мисол келтиринг.

**5 - мавзуу: Ҳисоблаш физикаси. Crocodile Physics дастурида  
моделлаштириш. Phet интерфаол симуляциялари.**

**РЕЖА:**

1. Ҳисоблаш физикаси.
2. Crocodile Physics дастурида моделлаштириш.
3. Phet интерфаол симуляциялари.

**Таянч иборалар:** Компьютер моделлари, Электрон таълим, модел, моделлаштириш, педагогик дастурий восита- симулятор, Crocodile Physics дастури, Phet дастури.

Ҳисоблаш ва маълумотларга асосланган фан – тадқиқотнинг учинчи устуни сифатида назария ва тажриба ўртасини боғловчи муҳим воситадир. Шу билан бир қаторда, таълимнинг барча соҳаларини, илмий изланишларни, ишлаб чиқариш амалиётини, шунингдек, маҳаллий ва жаҳон иқтисодиётини тубдан ўзgartириш потенциалига эга.

Компьютер моделлари системанинг табиатини ўзига хос турли хил комбинацион математик моделларга асосланган яқинлашувлар ёрдамида тасвирлаб беради.

Ўтган асрда компьютерда моделлаштириш замонавий фаннинг деярли барча соҳаларида ривожланишинг ажralмас қисмига айланди. Компьютер симуляциялари физика, астрономия, климатология, кимё, биология, материалшунослик, иқтисодиёт, ижтимоий фанлар ва муҳандислик соҳасида системаларни моделлаштириш учун зарур восита бўлиб қолди.

### Моделлаштириш тажрибадан устун

Системалар ва уларнинг табиатини замонавий технологиялар ёрдамида эришиб бўлмайдиган наноўлчамдаги аниқлик билан тушуниш учун компьютер симуляциясидан фойдаланиш мумкин. Агар бизда баъзи системаларнинг экспериментал кузатиш асосида қандай ҳаракат қилишини таҳлил қилиб берадиган маълумотлар мавжуд бўлса, биз ушбу ҳодисалар қандай содир бўлгани ёки аслида нима сабабдан юз бергани ҳақидаги саволларга жавоб беришимиз мумкин.

Кўйида моделлаштиришнинг бир қатор афзалликларини келтирамиз:

Хавфсизлик – одамга ёки атроф-муҳитга зарар бермасдан синааб кўриш ёки тажриба ўтказиш.

Прототип – якуний маҳсулот ишлаб чиқарилишидан аввал янги маҳсулотларни лойиҳалаш ва синаш учун моделлардан фойдаланишдан иқтисодий тежаш.

Башорат қилиш – келажакка боқиб, эҳтимолий таъсирларни ёки йўқотишлиарни таъкидлаб, муаммолар пайдо бўлишидан олдин уларга ечим топиш.

Визуализация – тизимдаги муносабатларни кўриш, тушуниш ва таҳлил қилиш. Жараённи вақт бўйича тезлаштириш ёки секинлаштириш.

Такрорлаш – модел системани турли хил сценарийлар асосида параметрларни ўзгартириб қайта такрорлаш.

Юқорида таъкидланганидек, компьютерда моделлаштиришни жуда кўплаб соҳаларда қўллаш мумкин, масалан:

Материалшуносликда – углерод нанотрубкалари ўсиш механизmlарини тушунишда. Углеродли нанотрубкаларни техникада кенг қўлланилишини

секинлаштириб турган омил — бу 100 фоиз бир хил типдаги нанотрубкани синтез қилиш. Тажриба шароитида ўсиш бир неча сонияда рўй беради. Ушбу жараёнга таъсир қилаётган факторларни баҳолаш ва бир хил типдаги нанотрубкаларни синтез қилиш учун компьютер моделларидан фойдаланиш қўл келади.

Қишлоқ хўжалиги ва тоза ичимлик суви муаммосини ечишда – денгиз ва дунё океанларидағи сувни фильтраш ва иқтисодий самарадор фильтрларни кашф қилишда. Фильтрларни турли хил дизайнларини шакллантириш ва компьютер моделлари ёрдамида синааб кўриш муаммога ечим топишни тезлаштиради.

Фармакологияда – турли хил касалликларга қарши дорилар ишлаб чиқишида. Касалликларга асосан оқсиллар функциясининг бузилиши ва турли хил мутациялар сабаб бўлади. Оқсил ва дориларни бир-бири билан таъсирини тадқиқ қилиш ҳамда оқсил фаоллигини ўзgartирishi учун дориларни оптималь таркиб ва ўлчамларини аниқлашда компьютер моделлари энг қулай воситадир.

Машинасозлик ва самолёт саноатида – самарали аэродинамик дизайнни яратишида. Масалан, машина ва авиация саноатларида қаршиликни камайтириш орқали ёқилғи тежамкорлигига эришиш асосий вазифа ҳисобланади. Албатта, компьютерда моделлаштириш ёрдамида ҳаво қаршилигини камайтирадиган оптималь дизайнларни ишлаб чиқиш мумкин. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқаришга сезиларни таъсир кўрсатади ва иқтисодий самарадорликка эришиш учун муҳим рол ўйнайди.

Демак, компьютерда моделлаштириш ёрдамида тажриба қилмасдан аввал маълум бир тизимлар учун энг қулай моделни тузиб чиқиш ва синааб олиш тажриба учун кетадиган харажатларни сезиларли даражада камайтиради. Моделлар ёрдамида тажриба учун сарфланадиган харажатларни тежаш ўз навбатида катта иқтисодий самарадорликка ҳам олиб келади.

Компьютерда моделлаштириш талабаларни тадқиқотларга ундейди

Хозирги кунда Ўзбекистон Миллий университети раҳбарияти билан

хамкорликда, Физика факультети талабалари «Биофизикаий ва биокимёвий жараёнларни компьютерда моделлаштириш» онлайн курси ташкил қилинди. Таъкидлаб ўтишим керак, талабалар ушбу курсни катта қизиқиш билан қабул қилишди ва моделлаштириш сирларини фаол ўрганишмоқда.

Компьютер симуляцияси мослашувчан, динамик ҳамда интерактивдир. Шу сабабли талабаларда тадқиқот ва изланишга қизиқиш уйғотади. Бунда талабалар турли хил параметрларнинг қийматларини ўзгартириб, уларнинг таъсирини кузатиш орқали илмий тушунчалар ва ғоялар тўғрисида ўз хulosаларини чиқарадилар.

Кўпгина тадқиқотчилар компьютер симуляциясининг интерактивлиги ва талабаларни жалб қилиш хусусияти, уларнинг билим олишини яхшилашда унинг афзалликларини ошириш учун калит эканлигини таъкидлашади.

Интерфаол компьютер симуляторлари талабаларга ўзларининг кашфиётларини бошқариш ва эгалик қилиш ҳиссини беради ва шу билан уларнинг маълумотни тушуниш ва таҳлил қилиш қобилиятини оширади. Ушбу симуляциялар реал дунё ҳодисаларини қайта тасаввур қилиш имкониятини беради.

Хозирги жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда айтишим мумкин, Ўзбекистондаги барча ОТМлар компьютерда моделлаштириш йўналишларини ташкил қилишни жиддий ўйлаб кўришлари керак. Ўзбекистон дунёга очилаётган бир вақтда, яқин 4-5 йил ичida компьютерда моделлаштириш мутахассисларига эҳтиёж сезиларли даражада ортади. Ушбу талабга мувофиқ ҳолда профессионал кадрлар тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

### **Педагогик фаолиятда амалий ва педагогик дастурий воситалардан фойдаланиш**

Электрон таълим мухитида лаборатория ишларини ташкиллаштиришнинг ўзига хос муаммолари мавжуд

Айнан бу муаммони виртуал лаборатория ишларидан фойдаланган

холда ташкиллаштириш мумкин. Бу ўқув модулимизда айнан юқорида келтирилган муаммони ҳал қилишга ҳаракат қиласиз.

Бу модулда келтирилган педагогик дастурый воситалар Тошкент ахборот технологиялари университетининг физика кафедрасида 2005 йилдан бўён кенг қўлланилиб келинмоқда ва ўқув жараёнида талабаларнинг фанни ўзлаштиришини ижобий натижаларга олиб келди.

Педагогик дастурый воситалардан (бирор бир жараённи визуллаштириш имконияти берувчи педагогик дастурый воситасимулятор) фойдаланиш жараёнида талабалар маъруза вақтида ўрганган назарий билимларини виртуал бўлсада ҳаётга тадбиқ қиласидар. Ушбу тадқиқотлар жараёнида билимларини янада мустаҳкамлаш билан бир қаторда назария ҳамда ҳаётий тадқиқотларнинг ривожланишига бевосита хисса қўшадилар. Бундан ташқари ўша симуляторларнинг ҳам янада ривожланишига, янада ҳақиқий ҳаётий тадқиқотларга яқин натижалар берадиган даражага чиқаришда ўз хиссаларини қўшишлари мумкин. Бу ўз ўрнида талабаларни фақатгина “тингловчи” вазифасида қолмасдан, бевосита илмий-тадқиқот ишларида қатнашувчиларга айлантиради ва талабаларда тадқиқотларга бўлган қизиқишлигини янада ортишига олиб келади.

Хозирги кунда фан-техниканинг катта суръатларда ривожланиши реал-ҳаётий тадқиқот ускуналарини ушбу ривожланиш билан бир қаторда кетишида қийинчиллик туғдиради. Хусусан, симуляторларда эса бундай тўсиқлар мавжуд эмас ва хатто ушбу “виртуал тадқиқотхоналар” фан-техника ривожланиш тезлигига қўшимча тезлик қўшади.

Албатта ҳар соҳада бўлгани каби симуляторлардан фойдаланишга нисбатан ҳам қарши фикрлар мавжуд. Улардан энг биринчиси симуляторларнинг ҳақиқий обьект ва жараёнларни тўла-тўқис ифода эта олмасликлариdir. Бу симуляторлар ёрдамида олинган натижалар билан ҳаётий тажрибалардан ҳосил бўлган натижалар ўртасида тафовутлар пайдо бўлишига олиб келади. Баъзи симуляторлар эса ўйин шаклида ясалган, масалан, учувчилик симуляторлари. Улар фойдаланувчиларда доимий

ишқибозлик келиб чиқишига олиб келади ва натижада тадқиқотдан кўра кўпроқ ўйин тарафи устун келади.

Шунга қарамасдан симуляторлардан фойдаланишининг салбий томонлари ижобий томонларига нисбатан анча кучсиз ҳамда уларни бартараф этиш имкониятлари мавжуд. Шунинг учун улар симуляторлардан фойдаланишининг қандайдир маънода чекланишига асосий сабаб бўла олмайди.

Ахборот-коммуникация технологияларини физик жараёнларни моделлаширишда қўллаш асосан икки хил кўринишда амалга оширилади. Биринчи шарти бу техник жиҳозлар бўлса, иккинчи шарти эса маҳсус дастурий таъминотлар билан таҳминланганлигидир. Техник жиҳозлар билан таҳминланганлик: компьютерлар, тармоқ қурилмалари, юқори тезлиқдаги интернет тармоқлари, жиҳозлари ва ҳоказо.

Дастурий таъминотга: мавжуд қурилмаларни ишлатадиган дастурий таъминотлардан тортиб шу соҳа учун мўлжалланган дастурлар тўплами киради.

Сўнгги йилларда жаҳондаги етакчи университетларда<sup>\*</sup> қўлланилиб келинаётган Интернет ёки Интранет тармоғи орқали электрон шаклдаги таълим

тури элеарнинг (электрон таълим) атамаси билан кириб келди. Электрон таълим — ахборот-коммуникация технологиялари асосидаги таълимнинг турли кўринишларини англатувчи кенг тушунчадир.

### **Crocodile Physics дастурида моделлаштириш.**


Crocodile Physics дастури.

Crocodile Physics дастури физиканинг механика, электр, оптика ва тўлқин ҳодисалари бўлимларига оид виртуал лаборатория ишларини яратиш ва қузатиш имкониятини берувчи конструктор ҳисобланади. Бу дастурдан мактаб, академик лицей ва касб ҳунар коллеж ўкувчилари ва олий таълим муассасаларининг талabalари фойдаланишлари мумкин.


---

\* <https://www.coursera.org/>

**Crocodile Physics** – дастури кучли симулятор бўлиб, физик жараёнларни моделлаштириш ва физиканинг механика, электр занжирлар, оптика ва тўлқин ҳодисалари бўлимларига оид тажрибалар яратиш ва кузатиш имкониятини берувчи дастурдир. Бу дастурдан дарсларда интерактив доска орқали машғулотларни ташкил этиш мумкин, шунингдек мустақил иш сифатида шахсий компьютерда ишлатиш мумкин. Бу кучли дастур физик ҳодисаларни кузатиш, тажрибалар ўтказиш ва турли мураккаблик даражасидаги жараёнларни моделлаштириш имкониятини беради.



Ушбу дастур Crocodile Clips Ltd томонида 1994 йилдан бери такомиллаштирилиб келинмоқда. Дастурдан масала ечишда, виртуал лаборатория ишларини ва намойиш тажрибаларини ташкиллаштиришда кенг фойдаланса бўлади. Бу дастур таълим тизимида тўғри маҳнода инқилобий ўзгаришларга олиб келди. Дастур физиканинг барча бўлимлари билан ишлаш, жараёнларни чуқур ўрганиш имкониятини яратади.




### Diffraction

Радио түлкіннинг бирор бир тузиқдан ўтишида кузатыладығандыракция жараёни келтирілген.

Дастурнинг ўзига хос хусусиятлари: 50 дан ортиқ қадамма - қадам ўргатувчи дарслар, 150 дан ортиқ физиканинг бўлимларига оид тайёр моделлар, физикавий жараёнларни компьютерда моделаштириш имконияти, Ер шароитида ўтказиш қийин бўлган тажрибаларни амалга ошириш ва кузатиши, дастурнинг кучли инструментарияси, тажрибада қатнашаётган физик катталикларнинг қийматини жуда яхши аниқлик билан ҳисоблаш имкониятини беради, физик ҳодисада қатнашаётган физик катталик билан бошқа физик катталиклар ўртасидаги графикили боғланишни ҳосил қилиш, яратилган моделларни сақлаш ва қоғозга чоп этиш мумкин.

Crocodile Technology дастури. Бу дастур ўрта мактаб ўқувчи ва ўқитувчилар, лицей, коллеж талабалари учун физика фаннини «Электр» қисмини чукурроқ ўзлаштиришда ҳозирги замон ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш имконини беради. Бундан ташқари, Crocodile Technology дастуридан электротехника, электр занжирлар назариясини ўрганиш курсларида ҳам фойдаланиш мумкин.



Дастур электрон конструктор бўлиб, у монитор экранида электр схемаларини йиғиш жараёнини худди ҳақиқий тажрибадаги сингари имитация қилиш, электр катталикларни мультиметрда (3 ўлчовли), амперметр ва вольтметрларда ўлчаш имкониятини беради.

Масалан, дастурда:

- Микропроцессорларни дастурлаш ва робототехникага оид моделларнинг 3D кўринишида симуляциялаштириш мумкин.
- Конструктор деталларининг тасвири ва ўлчов асбобларининг схематик ва ҳақиқий кўринишида берилган;
- Қаршиликдан оқиб ўтаётган ток қувватининг қиймати берилган номиналдан ортиб кетса, қаршилик (портлаб) куяди, бу эса экранда унинг ранги ўзгариб қорайган деталь кўринишига ўтиши билан кўрсатилади;
- Электр чироқ ва электр иситгич асбоблари қувватнинг номинал қийматида ёрқинлашади, агар улардаги қувват ишчи қийматидан ортиб кетса куяди ва бу асбоб экранда қорайиб қолади. Худди шунингдек экранда бошқа деталлардаги физикавий катталикларнинг ўзгариши имитация қилинади;
  - Кўпгина жараёнлар ва уларнинг натижалари товушли эфектлар орқали ифодаланади. Буларнинг барчаси, талаба ўзи йўл қўйган хатоларини кўриши, муваффақиятсиз бажарилган тажрибанинг сабабларини аниқлашни

ўрганиши ва электр схемаларини тажрибани ҳақиқий қурилмаларда бажаришдан олдин таҳлил қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш имконини беради.


Бу дастур, фойдаланувчини изланувчанликка, ижодий фикр юритишга, иш натижаларини таҳлил қилишга ўргатади.

Дастур имкониятлари жуда кенг бўлиб, ундан амалий машғулотларда (яни масалалар ечишда) айниқса, виртуал лаборатория ишларини бажаришда кенг фойдаланиш мумкин.

**Crocodile Chemistry дастури.** Crocodile Chemistry дастури орқали Менделеев жадвалида мавжуд барча элементларнинг кимёвий ва физикавий хусусиятларини ўрганиш мумкин. Одатда кимёвий реакциялар рўй бериш вақтида реакцияга қатнашаётган молекулаларнинг бошқа молекулага айланиш жараёнини (молекуляр даражада) кузатиш иложи йўқ. Лекин, бу дастур орқали кимёвий моддани бошқа моддалар билан реакцияга киришиш жараёнида молекулаларнинг динамикасини кузатиш мумкин бўлади.


Бу дастур орқали кимёвий жараёнларни моделлаштириш, турли реакцияларни ўтказиш ва энг асосийси, буни хавфсиз амалга ошириш мумкин.

Бу дастурдан ўрта-махсус ва олий ўкув юртларида кимё фанини ўқитишида кенг фойдаланиш мумкин.



Дастур орқали ихтиёрий шаклдаги идишлардан фойдаланиб, турли реактивларни ўзаро аралаштириб кимёвий реакцияни кўзатиш мумкин. Кимёвий реакция вақтида реактивларнинг ранги, моддалар улушкини, кимёвий реакция формулаларни маҳсус ойнада кўриш имконияти дастурнинг кучли педагогик қурол сифатида фойдаланиш имкониятини беради.

**Crocodile ICT дастури.** Crocodile ICT дастури, Европа мамлакатларида Информатика фанини ўқитишида жуда яхши самара бермоқда. Бу дастур ёрдамида информатикада дастурлаш жараёнини, аникроқ қилиб айтганда алгоритмлаш бўлимини ўқувчига аникроқ етказиб бериш мумкин.



Объектга йўналтирилган дастурлашни ўқитишида жуда қўл келадиган Crocodile ICT нинг оддий интерфейси ва блок схемалари ёрдамида яратилаётган дастур орқали ҳар бир буйруқни анимация кўринишида тасвирилаш мумкин.

Бундан ташқари, блок схемаларда бирор бир шарт бажарилганда одам персонажларига 30 дан ортиқ ҳаракат турларини (қарсак чалиш, ўнгга ёки чапга ҳаракатланиши, уларнинг юзларида эмоционал ўзгаришларни, маълум бир сўзларни гапиришлари ва ҳаказо) бажартириш мумкин. Дастурнинг бундай имконияти ўқувчининг (талабанинг) дарсдан зерикишининг, эътибори пасайишининг олдини олади. Бу эса маълум маънода таълим самарадорлигига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.


**Yenka Electricity and Magnetism дастури.** Yenka Electricity and

Magnetism дастури симулятор бўлиб, физикавий жараёнларни моделлаштириш ва физиканинг электродинамика ва магнетизм бўлимларига оид тажрибалар яратиш ва кузатиш имкониятини берувчи дастурдир. Улардан ташқари қўйида кўрсатилган дастурий пакетлар ҳам мавжуд:

- Electronics
- PCB design
- PIC programming
- Mechanisms
- Light and Sound
- Force and Motion
- Inorganic & physical chemistry

Бу дастурлардан машғулотларда интерфаол электрон доскадан (Whitboard) ва график планшет (Wacom) дан фойдаланиш мумкин. Бу дастур физикавий ҳодисаларни 3D қўринишда кузатиш, тажрибалар ўtkазиш ва турли мураккаблик даражасидаги жараёнларни моделлаштириш имкониятини беради.

Yenka Electricity and Magnetism дастури физик жараёнларни компьютерда моделлаштириш, тажрибада катнашаётган физик катталикларнинг қийматини жуда яхши аниқлик билан ҳисоблаш имкониятини беради, физикавий ҳодисада катнашаётган физик катталик билан бошқа физик катталиклар ўртасидаги графикили боғланишни ҳосил қилиш, яратилган моделларни сақлаш ва қофозга чоп этиш мумкин.



*Yenka Electricity and Magnetism* дастур мұхитида яратылған шамол генераторининг ишиләш принципини түшүнтирувчи (моделлаштирувчи) модел.

**“Beginnings of Electronics”** дастури. Дастур электрон конструктор бўлиб, у монитор экраныда электр схемаларини йиғиш жараёнини имитация қилиш имкониятини беради.

Комплекснинг асосий хусусиятларидан бири, унда реал физикавий жараёнларни жуда катта аниқликда имитация қилиш мумкин. Дастур имкониятлари жуда кенг бўлиб, ундан амалий машғулотларда (яъни масалалар ечишда) ҳам фойдаланиш мумкин. Айниқса виртуал лаборатория ишларини бажаришда бу дастурдан ижодий фойдаланиш мумкин.



### *“Beginnings of Electronics” дастурининг интерфейси РНЕТ дастур пакети*

Нобель мукофотининг лауреати, физик К. Виман томонидан «Physics Education Technology» (РНЕТ) сайти яратылған (сайтидан <https://phet.colorado.edu/> дастурни бепул кучириб олишиңгиз мумкин). РНЕТ сайтида ҳар хил мавзуларга оид моделлар мавжуд бўлиб, улар Java (ва HTML5 форматларида) дастурида яратылған. РНЕТ сайтида тақдим этилаётган моделлар очиқ манба (Open Source) сифатида, исталғанча фойдаланилиши мумкин.

The screenshot shows the PhET Interactive Simulations homepage. At the top, there is a search bar and the University of Colorado Boulder logo. Below the header, there is a banner for 'INTERACTIVE SIMULATIONS FOR SCIENCE AND MATH' with the text 'Over 315 million simulations delivered'. A large button labeled 'Play with Simulations' is visible. To the right, a simulation titled 'Faraday's Law' is displayed, showing a coil connected to a voltmeter and a magnet. Below the simulation, there is a link to 'Teachers Register Here'. On the left, a section titled 'What is PhET?' provides information about the project's history and mission. On the right, there are links for 'Teaching Resources' and a 'DONATE TODAY' button. The bottom right corner features the 'CAROLINA' logo with the text 'World-Class Support for Science & Math'.

РНЕТ даги моделлар сони 100 дан ортиқ бўлиб улар Физика, Математика, Кимё, Биология, Экология, Валеология фанларига оид моделлаштириш дастурларидан иборатdir.

The screenshot shows the PhET Interactive Simulations homepage again. It features the same header and navigation elements as the previous screenshot. In the center, there is a simulation titled 'John Travoltage' showing a man walking towards a door while holding a charged object. To the left of the simulation, there is a link to 'The Tech Awards'. On the right, there are social media sharing icons for LinkedIn, Email, Facebook, YouTube, Twitter, and Pinterest. At the bottom, there are links for 'How to Run Simulations', 'Teaching Resources', and 'About', along with a note that PhET is supported by various sponsors.

### ***РНЕТ дастурининг умумий кўриниши.***

Бу дастур давлат тълим стандартларига ва ўкув муассасаларида қўлланилаётган адабиётларга мос келганлиги билан муҳим педагогик қурол ҳисобланади. Юқорида келтирилган дастурлардан фарқли равишда бу дастурдаги мавжуд моделлар веб муҳитида ҳам намойиш этиш имконияти мавжуд.

Компьютер моделларини ўкув жараёнларида қўллаш тамоиллари куйидагилар:


1. Компьютер дастури тажрибани ўтказиш мумкин бўлмаган ёки тажриба кузатиб бўлмас даражада ҳаракатланган пайтда қўллаш;
2. Ўрганилаётган детални аниқлаш ёки ечилаётган физиковий масалани иллюстрациялаш;
3. Лаборатория машғулотларини бажариш жараёнида мавжуд моделлар ёрдамида ҳодисаларни характерловчи катталикларнинг ҳам сифатий, ҳам микдорий боғланишларини кўра билиш;
4. Дастур ёрдамида мураккабликдаги топшириқлар устида иш олиб бориш, мустақил шуғулланиш

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирда Crocodile компанияси 2008 йил декабрь ойидан дастурий таъминотларини Yenka номига ўзгартирган. Ҳозирда бу дастурлар Yenka номи билан чиқмоқда.

Хўш бу дастурларни қаердан қандай қилиб олиш мумкин, дерсиз? Бу дастурларни олиш жуда осон!

Бунинг учун сиз куйидаги кўрсатмаларни бажаринг.

1. Интернет браузерга <http://www.yenka.com> сайтини теринг.
2. <http://www.yenka.com> сайти орқали Рўйхатдан ўтинг
3. Рўйхатдан ўтганингиздан кейин ўқув муассасалари учун уй шароитида фойдаланиш бепул ҳисобланади. Бунда сиз учун маҳсус код берилади.
4. Сайтнинг Downloads бандидан ([http://yenka.com/file/YK/3.0.1/Yenka\\_3\\_0\\_1\\_Setup.exe](http://yenka.com/file/YK/3.0.1/Yenka_3_0_1_Setup.exe)) 61 М ҳажмдаги дастурни компьютерингизга кўчириб олинг.
5. Рўйхатдан ўтганингиздан кейин берилган кодни териб, дастурни ишга туширинг.




**PHEt (Physical education technology)\*** – Колорадо университетеда ишлаб чиқилған дастур. Унда физика, химии, биология ва бошқа фанлар бүйічада

жами 100 дан ортиқ намойишлар келтирілген. ПХЕТ лойихаси таълим

жараёни сифатини ошириш учун яратылған ва

\* <https://phet.colorado.edu/en/simulations/category/physics>



интерфаол илмий-тадқиқот моделлар йифиндиси ўқитиш учун мўлжалланган, улар янгиланиб ва бойитилиб турилади. Барча моделлар интерфаол, керакли жихозлари мавжуд, талабалар томонидан тез тушунилади ва ўзлаштирилади. Сайт очиқ ва [ҳттп://phet.colorado.edu/](http://phet.colorado.edu/) ундан эркин фойдаланиш мумкин, шунингдек, оффлайне варианти ҳам мавжуд.

Хуроса қилиб айтганда, юқорида келтирилган дастурлардан фойдаланган ҳолда ўқиш жараёнини ташкиллаштирилса, ўқувчиларнинг (талабаларнинг) фанга қизиқиш билан ёндошадилар ҳамда таълим сифатининг ривожланишига олиб келади.

### **Назорат саволлари**

1. Виртуал лаборатория ишларини яратиш имкониятини берувчи симуляторлар?
2. PhET (Physical education technology) қандай дастур?
3. PhET (Physical education technology) дастурининг имкониятлари?
4. Crocodile Physics дастурининг имкониятлари?
5. Crocodile Physics нима ва у қачон ишлатилади?

#### **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ**

**1 – амалий машғулот: Компьютерда моделлаштириш. Ҳисоблаш физикаси. Моделлаштириш босқичлари. Компьютерда моделлашти-риш учун операцион тизим. Дастурий таъминот, физик жараёнларни моделлаштириш. Асосий тушунчалар. Моделлаштириш босқичлари.**

**(4соат)**

##### **PhET ва Crocodile Physics муҳитини ўрнатиш ва созлаш**

Компьютерда моделлаштириш. Моделлаштириш босқичлари. Физик жараёнларни компьютерда моделлаштириш учун керакли бўлган инструментал дастурий воситаларни ўрнатиш. PhET Interactive Simulationsни ўрнатиш. Javaни ўрнатиш. Crocodile Physicsни ўрнатиш. Yenkaни ўрнатиш.

**Ишдан мақсад:** Физик жараёнларни компьютерда моделлаштириш учун керакли бўлган инструментал дастурий воситаларни ўрнатиш ва дастлабки иловаларни яратиш кўнимкамларига эга бўлиш.



Ушбу амалий иш давомида қўйидагиларни **бажариш лозим**:


- PhET Interactive Simulations ни ўрнатиш
- Java ни ўрнатиш
- Crocodile Physics ни ўрнатиш
- Yenka ни ўрнатиш.

Керакли бўлган дастурий воситаларни ўрнатиш ва созлаш қўйидаги қадамлар билан кўрсатилган:

- 1-қадам: PhET Interactive Simulations ни кўчириб олиш ва юклаш (<http://phet.colorado.edu/>)
- 2- қадам: PhET Interactive Simulations ни ўрнатиш
- 3- қадам: Crocodile Physics ни кўчириб олиш ва юклаш. (<http://www.yenka.com/downloads/>)
- 4- қадам: Crocodile Physics ни ўрнатиш

## Ишни бажариш учун намуна





### Назорат саволлари

1. PhET Interactive Simulations нима ва ундан қандай фойдаланилади?
2. Crocodile Physics нима ва ундан қандай фойдаланилади?
3. Yenka нима ва ундан қандай фойдаланилади?
4. Crocodile Physics да янги Андроид лойиха яратилди, ва ушбу лойиха ишга туширилгандан кейин яратиладиган файлы қаерда (ложиханинг қайси папкасида) жойлашади?
5. Yenka да янги лойиха яратилди, ва ушбу лойиха ишга туширилгандан кейин яратиладиган файлы қаерда (ложиханинг қайси папкасида) жойлашади?

### 2-амалий машғулот:

**Физик жараёнларни моделлаштиришда ахборот–коммуникация технологияларидан фойдаланиб таълим сифатини ошириш. Илмий**

**дастурлаш тиллари. Физик жараёнларни моделлаштиришда электрон таълим ресурларнинг ўрни ва уларнинг таҳлили. Физик жараёнларни моделлаштиришда оммавий онлайн очиқ курслардан фойдаланиш.**

#### (4соат)

**Ишдан мақсад:** Очиқ таълим курслари билан танишиш OpenCourseWare(OCW) онлайн очиқ курси АҚШ нинг Станфорд Университети ва Massachusetts Institute of Technology (MIT) каби бир неча нуфузли олий ўқув юртлари бепул “онлайн” курслари, Coursera (<https://www.Coursera.org/>) онлайн очиқ курслари, Khan академияси курслари билан танишиш.

#### Coursera

Har bir inson uchun onlayn ta'lim platforma Coursera - 2012-йилда бошланган онлайн-таълим хизматидир. Бепул Coursera курслари (Coursera .org да) барча мавзуларда мавжуд ва одатда минглаб талабалар бир вақтнинг оозида бир-бирларини қабул қилишади.

Coursera турли соҳаларда бепул ўқув курсларини таклиф қилувчи онлайн платформа ҳисобланади. Бундай платформалар фан тилида MOOC (Massive Open Online Courses-Очиқ оммавий масофавий курслар) деб аталиб, Корсера шу турдаги курсларни таклиф қилувчи ташкилотларнинг йетакчиларидан саналади.

Хозирда платформада дунёнинг кўплаб давлатларидан талабалар рўйхатдан ўтиб, ўзлари қизиққан соҳада масофавий курсларда билим олишмоқда. Курслар материалларини ўқувчи ўзига қулай бўлган вақтда ўрганиши мумкин. Қисқа муддат(1-3 ой)га мўлжалланган бўлса-да, тақдим этиладиган курслар ўша соҳага тааллуқли мақолалар, илмий материаллар, видео ва аудио намойиш(презентация)лар билан бойитилган бўлиб, одатда қатнашчидан аввал шу соҳада ўқиган бўлиши ёки ҳеч бўлмагандан хабардор бўлиши ҳам талаб қилинмайди. Мухими – кучли қизиқиш бўлса бас.

coursera [Изучить](#)

[Для организаций](#) [Для студентов](#) [Войти](#) [Присоединиться бесплатно](#)

# Ваш путь к успеху

Развивайте навыки с помощью онлайн-курсов, сертификаций и дипломных программ от лучших университетов и компаний мира.

[Присоединиться бесплатно](#)



Мы сотрудничаем более чем с 200 ведущими университетами и компаниями

 **ILLINOIS** Duke Google  IBM Imperial College London Stanford  Penn

## Курсы по физике и астрономии

### От большого взрыва до темной энергии

(From the Big Bang to Dark Energy, с субтитрами на русском)

The University of Tokyo

Старт 15 декабря, 4 недель, 2-4 часа в неделю

Rated 4.8 out of 5 of 1,305 ratings

Coursera бесплатные курсы по анализу данных и Big data



[Инструменты ученого по данным](#)

The screenshot shows the Coursera homepage. At the top, there's a navigation bar with the 'coursera' logo, a dropdown menu 'Изучить', a search bar containing 'Чему вы хотите научиться?', and links for 'Для организаций', 'Для студентов', 'Войти', and 'Присоединиться бесплатно'. Below the navigation is a banner with the text 'бесплатные обучающие ресурсы Для университетов и Для студентов колледжей' and a close button 'X'. The main headline 'Ваш путь к успеху' is prominently displayed in large, bold, black font. Below it, a subtext reads: 'Развивайте навыки с помощью онлайн-курсов, сертификаций и дипломных программ от лучших университетов и компаний мира.' To the right of the headline is a circular image of two women looking at a tablet together. At the bottom left of the page, there's a message 'Ожидание js-adsvr.org...' and a blue button labeled 'единиться'.

Миллионлаб инсонлар Coursera билан ҳамкорлик қилган ўнлаб таниқли университетларда ўқитувчилар томонидан ўқитиладиган юзлаб бепул курсларни олиш учун рўйхатдан ўтмоқда. (Ҳар бир машғулот МООС деб номланувчи, "оммавий очиқ онлайн курс" нинг қисқартмаси.)

Ҳамкорлар Гарвард ва Принстон сингари Ivy League мактабларини ҳамда Пенсильвания, Виржиния ва Мичиган университетлари сингари йирик, юқори даражали давлат университетларини ўз ичига олади.

*(Иштирокчи мактабларнинг тўлиқ рўйхати учун Coursera университетлари саҳифасига ташриф буюринг.)*

Coursera курсларидан нимани олишингиз мумкин

Бепул Coursera курслари видео маорузалар ва интерфаол машқларни таклиф этади (талабалар олдиндан айтиб ўтилганидек). Улар одатда коллеж битиравчиси даражасига тўғри келадиган расмий коллеж кредитини таклиф қилмайди. Бироқ, Coursera курс ишларини тутатган шахсларни имзолаган "битирав гувоҳномаси" ни тақдим этиш орқали сертификат шаклини тақдим этиш билан тажриба қила бошлади. Талабалар сертификат олиш учун тўловни тўлашлари керак, ва улар ҳеч бўлмаганда ҳали ўқилмаган курсларга мос келмайди.

Coursera томонидан тақдим этилган курслар, одатда, 10 ҳафтагача давом этади ва интерфаол онлайн машғулотлар, викторина ва талабалар ўртасида тенгдош мулоқот қилиш билан бир қаторда ҳар ҳафтада бир неча соат

давомида видео дарсларни ўтказади. Баъзи ҳолларда ҳам якуний имтиҳон мавжуд.

### Coursera .орг сайтидан дарсларга ўтиш

Coursera ўкув дастурига киритилган мавзулар кўплаб кичик ва ўрта коллежларда бўлгани каби турли хилдир. Хизмат Стенфорддан келган иккита компьютер фанлари профессори томонидан бошланди, шунинг учун у айниқса компьютер фанида кучли. Интернет сайтида мавжуд бўлган мавжуд курсларнинг тўлиқ рўйхати мавжуд. Курс каталогига қаранг.

### Coursera қандай таълим технологиясидан фойдаланишади?

Coursera асосчиси Дафне Коллер педагогик ёндашувлар ва ўкувчиларни ўрганиш ва ҳамкорликни кучайтириш учун сунъий ақлни қўллаш бўйича кўплаб тадқиқотларни амалга оширди. Натижада, Coursera курслари одатда ўкувчиларни ўрганишни мустаҳкамлаш учун нарсаларни фаол равишда бажаришни талаб қиласидан даражада таянади.

Мисол учун, масалан, видеотасма сиз кўрган материалингиз ҳақидаги саволга жавоб беришингизни сўраш учун бир неча марта сўроққа тутилиши мумкин. Уй вазифаларини белгилашда сиз дарҳол мулоқотларингиз керак. Ва айрим ҳолларда интерактив машқларни бажаришингиз мумкин, агар сизнинг жавобларингиз сизга ҳали материални ўзлаштиргмаган деган хulosага келса, уни аниқлаб олиш учун кўпроқ имконият бериш учун тасодифий такрорланган машқни олишингиз мумкин.

### Қандай қилиб рўйхатдан ўтиш ва Coursera курсини олиш

Coursera .орг саҳифасига ўтинг ва мавжуд курсларни кўриб чиқинг.

Курслар, одатда, бошланғич ва охирги ҳафталар билан одатда маолум кунларда таклиф қилинишини унутманг. Улар синхрондир, яни талабалар уларни бир вақтнинг ўзида оладилар ва улар фақат давлат даврида мавжуддир. Бу асинхрон бўлган онлайн курснинг бошқа турларидан фарқ қиласиди, яни исталган вақтда уларни қабул қилишингиз мумкин.

Қизиқарли сарлавҳани топсангиз, курсни батафсил тушунтирувчи саҳифани кўриш учун курс номига босинг. У бошланғич санани рўйхатга

олади, неча ҳафта давом этаётганини билдиради ва ҳар бир талабадан талаб қилинадиган соат бўйича иш юкининг қисқача холосасини беради. Одатда ўқувчиларнинг дарс таркиби ва биологик жиҳатлари ҳақида яхши маолумот беради.

Агар кўрмоқчи бўлган ва иштирок этишни хоҳласангиз, рўйхатдан ўтиш ва курсни олиш учун кўк "СИГН УП" тугмасини босинг.

Coursera класси катта, очик онлайн курслар учун ишлатиладиган қисқартирилган МООС ҳисобланади. МООС концепсияси ҳақида МООС тушунчалиги ҳақида кўпроқ маолумотни ўқиб олишингиз мумкин. (МООС феномени бўйича кўрсатма беринг.)

Бепул курсларга рўйхатдан ўтиш учун Coursera веб-сайтига ташриф буюринг ва у ерда сизни қизиқтирадиган бепул курсни танлаб рўйхатдан ўтинг.

### **З-амалий машғулот: Ҳисоблаш физикаси. Crocodile Physics дастурида моделлаштириш. PhET интерфаол симуляциялари.(бсоат)**

#### **Crocodile Physics ва PhET Interactive Simulations дан фойдаланиш**

Crocodile Physics дастури муҳитида физиканинг турли бўлимларига оид лаборатория ишларини яратиш. PhET Interactive Simulations дастурида физиканинг турли бўлимларига оид виртуал лабораторияларидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш. Изланувчанликка, ижодий фикр юритишга, иш натижаларини таҳлил қилишга ўргатиш.

**Ишдан мақсад:** PhET Interactive Simulations дастурида физиканинг турли бўлимларига оид виртуал лабораторияларидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш. Crocodile Physics дастури муҳитида физиканинг турли бўлимларига оид лаборатория ишларини яратиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчи вариант бўйича берилган лойихани PhET Interactive Simulations дастурида ишлаб чиқиш ва натижа олиши лозим.

**Вазифалар:**

## 1-қисм. Назарий маълумотни ўрганинг ва қўйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Симулятор деганда нимани тушунасиз?
2. Симуляторнинг вазифаси нимадан иборат?
3. «Physics Education Technology» (PhET) сайти ким томонидан яратилган?
4. <http://phet.colorado.edu> сайтида қайси маълумотлар мавжуд?
5. «Physics Education Technology» (PhET) сайтидаги моделларни ўзбек тилига таржима килиш мумкинми?

Ўқув жараёнида моделлардан фойдаланиш янги усул эмас. Қадим-қадимдан ўқув-ўрганиш мобайнида моделлардан фойдаланиб келинган. Симуляторлар ўқув жараёning қарийб барча жабҳаларида: бошланғич таълимдан бошлаб олий ўқув юртларигача қўлланилиши мумкин. Кейинги вақтларда хаттоқи медицина соҳасида ҳам симуляторлардан фойдаланилмоқда. Симуляторлардан фойдаланишнинг асосий сабабларидан бири уларнинг реал обьектларга нисбатан жуда ҳам арzon алтернатива эканлигидадир. Симуляторлар эса шундай ҳақиқий асбоб-ускуна ва жиҳозларсиз виртуал ҳолатда бирор бир физик жараённи моделлаштириш ҳамда виртуал лаборатория ишларини ўтказишга имконият яратади. Бу ўз-ўзидан нафақат катта миқдорда маблағлар тежалишига, балки уларга умуман эҳтиёж ҳам туғдирмайди. Симуляторларнинг қарийб ҳеч қандай молиявий маблағлар талаб этмаслиги маълум тадқиқотларни талabalар томонидан юзлаб, керак бўлса минглаб маротаба қайта-қайта амалга оширишга имконият яратади. Симуляторлардан фойдаланишнинг яна бир афзаллик томони уларнинг хавфсиз эканлигидадир. Баъзи тадқиқотларни амалга ошириш инсон ҳаёти учун хавф туғдиради, масалан, ядро физикасига оид бўлган ҳодисаларни ўрганиш. Бундай тадқиқот катта миқдорда молиявий харажат талаб этибгина қолмасдан, тадқиқотни олиб борувчилар учун ҳаётига хавф ҳам туғдиради.

Симуляторлардан фойдаланиш жараёнида талабалар маъруза вақтида ўрганган билимларини виртуал бўлсада ҳаётга тадбиқ қиласдилар. Ушбу тадқиқотлар жараёнида билимларини янада мустаҳкамлаш билан бир қаторда назария ҳамда ҳаётий тадбиқотларнинг ривожланишига бевосита хисса қўшадилар. Бундан ташқари ўша симуляторларнинг ҳам янада ривожланишига, янада ҳақиқий ҳаётий тадқиқотларга яқин натижалар берадиган даражага чиқаришда ўз хиссаларини қўшишлари мумкин. Бу ўз ўрнида талабаларни фақатгина “tinglovchi” вазифасида қолмасдан, бевосита илмий-тадқиқот ишларида қатнашувчиларга айлантиради. Бу эса ўз навбатида талабаларда ўқиш ва тадқиқотларга бўлган қизиқишиларини янада ортишига олиб келади.

Табиий фанлар йўналишида 2001 йилдаги Нобель мукофотининг лауреати К. Виман томонидан «Physics Education Technology» (PhET) сайти яратилган. PhET сайтида ҳар хил мавзуларга оид моделлар мавжуд бўлиб, улар Java ва Macromedia flash дастурларида яратилган.



1-расм. PhET дастурининг умумий кўриниши.

PhET сайтида тақдим этилаётган моделлар Open Source бўлиб, хоҳлаган фойдаланувчи бепул фойдаланиши мумкин. PhET даги моделлар сони 100 дан ортиқ бўлиб улар физика, математика, кимё фанларига оид намойиш тажрибаларини ўтказиш, виртуал лаборатория ишларини ташкиллаштириш ва моделлаштириш имкониятига эга. Бу PhET дастури Ўзбекистон давлат

таълим стандартларига ва ўқув муассасаларида қўлланилаётган адабиётларига мос келади.

PhET дастурини <http://phet.colorado.edu> сайтидан кўчириб олишингиз мумкин.

PhET дастуридаги моделлардан физика, математика, химия ва биология фанларидан дарс машғулотларида намойиш тажрибалари сифатида, виртуал лаборатория машғулотларини ташкиллаштиришда кенг фойдаланиш мумкин.

Хусусан физика фанига оид 90 дан ортиқ моделлар мавжуд;

Биология фанига оид 10 дан ортиқ моделлар мавжуд;

Математика фанига оид 7 та модел мавжуд;


Химия фанига оид 20 дан ортиқ моделлар мавжуд.

Дастурда келтирилган моделларни фақат инглиз тилида эмас. Балки 50 дан ортиқ тилга таржималарини топиш мумкин, хусусан ўзбек тилида 1 та модел таржима қилинган. Агар сиз дастурда келтирилган моделларни ўзбек тилига таржима қилишни ҳохласангиз, хеч қандай қийинчиликсиз бу ниятингизни амалга оширишингиз мумкин. Бунинг учун дастурнинг расмий сайтида “Translated Sims” банди мавжуд бўлиб, у ерга кириб маҳсус қайдномани тулдирган ҳолда тегишли моделни танлаб ўзбек тилига таржима қилишингиз мумкин.

PhET дастурида ҳар хил фанлар кесимидағи моделларнинг кўринишини қўйидаги расмда кўришингиз мумкин:



Balloons and Static Electricity




Capacitor Lab



Circuit Construction Kit (DC Only)



Circuit Construction Kit (AC+DC)




Magnet and Compass




Magnets and Electromagnets




Generator



Electric Field Hockey




Charges and Fields




Acid-Base Solutions



Alpha Decay



Atomic Interactions



Balancing Chemical Equations



Balloons &amp; Buoyancy



Balloons and Static Electricity



Beta Decay




Blackbody Spectrum




Build a Molecule

2-расм. РНЕТ дастурида мавжуд моделларнинг кўриниши



3-расм. РНЕТ дастурининг “Электр ва магнитезм” бўлимига оид моделлар



4-расм. РНЕТ дастурида мавжуд моделларнинг кўриниши

РНЕТ дастурининг расмий <http://phet.colorado.edu> сайтининг “Ўқитувчилар учун” бандида ҳар бир модел учун методик кўрсатмалар (вирутал лаборатория ишлари, намойиш тажрибалари ва бошк.) келтирилган. Ўқитувчи хеч қандай қийинчиликсиз қўйидаги қидирав фильтри орқали (5-расм) мавзуга оид дарс ишланасини ёки методик кўрсатмаларни, таълим тури кесимида pdf ёки doc форматларида кўчириб олиши мумкин.

## 2-қисм. Crocodile Clips Ltd симуляторлари билан ишлаш.

Crocodile Clips Ltd ўзининг яратган дастурларини ҳозирда уй

шароитида (**home licence**) ўқитувчи ва ўкувчилар (талаалар) бепул фойдаланишлари учун имконият яратди.

Шуни таъкидлаб ўтамизки, ҳозирда Crocodile компанияси дастурий таъминотларини Yenka номи билан такомиллаштирилган ҳолда яратилди. Ҳозирда бу дастурлар Yenka номи билан чиқмоқда, лекин дастурларнинг ишлаши Crocodile дагидан фарқ қилмайди.


Келинг, энди шу дастурий таъминотлар билан танишиб чиқсак.

Физика фанида Crocodile Physics дастур муҳитидан фойдаланиш.


### **Crocodile Physics дастури хақида.**

Crocodile Physics дастури физик жараёнларни моделлаштириш ва физиканинг механика, Электр занжирлар, Оптика ва Тўлқин ҳодисалари бўлимларига оид тажрибалар яратиш ва кузатиш имкониятини берувчи дастурдир. Бу кучли дастур физик ҳодисаларни кузатиш, тажрибалар ўtkазиш ва турли мураккаблик даражасидаги жараёнларни моделлаштириш имкониятини беради.

Ушбу дастур Crocodile Clips Ltd томонида 1994 йилдан бери такомиллаштирилиб келинмоқда. Дастурдан масала ечишда, виртуал лаборатория ишларини ва намойиш тажрибаларини ташкиллаштиришда кенг фойдаланса бўлади. Дастур физиканинг барча бўлимлари билан ишлаш, жараёнларни чуқур ўрганиш имкониятини яратади.



6-расм. Crocodile Physics дастур муҳитининг ишчи столи




7-расм. Crocodile Physics дастур мұхитида яратылған модел.

Дастурнинг үзига хос хусусиятлари: Физик ҳодисаларни намойиш этувчи оптимал дастур, 50 дан ортиқ қадамма - қадам үргатувчи дарслар, 150 дан ортиқ физиканинг бўлимларига оид тайёр моделлар, физик жараёнларни компьютерда моделлаштириш имконияти, мустақил моделлаштириш имкониятини берувчи содда интерфейс, Ер шароитида ўтказиш қийин бўлган тажрибаларни амалга ошириш ва кузатиш, дастурнинг кучли инструментарияси, тажрибада қатнашаётган физик катталикларнинг қийматини жуда яхши аниқлик билан ҳисоблаш имкониятини беради, физик ҳодисада қатнашаётган физик катталик билан бошқа физик катталиклар ўртасидаги графикили боғланишни ҳосил қилиш, яратылған моделларни сақлаш ва қофозга чоп этиш мумкин.


### Crocodile Technology дастурий ҳақида

Бу дастурдан ўрта мактаб ўқувчи ва ўқитувчилари, лицей, коллеж талабалари ва олий таълим муассасаларининг талаба, профессор- ўқитувчилари «Электр», «Электротехника», «Схемотехника», «Электр занжирлар назарияси» фанларида қўшимча педагогик дастарий восита сифатида кенг фойдаланишлари мумкин.



8-расм.

Дастур электрон конструктор бўлиб, у монитор экранида электр схемаларини йиғиш жараёнини худди ҳақиқий тажрибадаги сингари имитация қилиш, электр катталикларни мультиметрда (3 ўлчовли), амперметр ва вольтметрларда ўлчаш имкониятини беради.



9-расм.

Масалан, дастурда:

Микропроцессорларни дастурлаш ва робототехникага оид моделларнинг 3D кўринишида симуляциялаштириш мумкин.

- Конструктор деталларининг тасвири ва ўлчов асбобларининг схематик ва ҳақиқий кўринишида берилган;
- Қаршиликдан оқиб ўтаётган ток қувватининг қиймати берилган номиналдан ортиб кетса, қаршилик (портлаб) куяди, бу эса экранда унинг ранги ўзгариб қорайган деталь кўринишига ўтиши билан кўрсатилади;
- Лампочка ва электр иситгич асбоблари қувватнинг номинал қийматида ёрқинлашади, агар улардаги қувват ишчи қийматидан ортиб кетса куяди ва бу асбоб экранда қорайиб қолади. Худди шунингдек экранда бошқа деталлардаги физикавий катталикларнинг ўзгариши имитация қилинади;
- Кўпгина жараёнлар ва уларнинг натижалари товушли эфектлар орқали ифодаланади. Буларнинг барчаси, талаба ўзи йўл қўйган хатоларини кўриши, муваффақиятсиз бажарилган тажрибани сабабларини аниqlашни ўрганиши ва электр схемаларини тажрибани ҳақиқий қурилмаларда бажаришдан олдин таҳлил қилиш қўнималарини ҳосил қилиш имконини беради.

Бу дастур, касби ким бўлишидан қатъи назар фойдаланувчини

изланувчанликка, ижодий фикр юритишига, иш натижаларини таҳлил қилишига ўргатади.


Дастур имкониятлари жуда кенг бўлиб, ундан амалий машғулотларда (яъни масалалар ечишда) айниқса, виртуал лаборатория ишларини бажаришда кенг фойдаланиш мумкин.

### Crocodile Chemistry дастури ҳақида.

Crocodile Chemistry дастури орқали Менделеев жадвалида мавжуд барча элементларнинг кимёвий ва физикавий хусусиятларини ўрганиш мумкин. Одатда кимёвий реакциялар руй бериш вақтида реакцияга қатнашаётган молекулаларнинг бошқа молекулага айланиш жараёнини (молекуляр даражада) кузатиш иложи йўқ. Лекин, бу дастур орқали кимёвий моддани бошқа моддалар билан реакцияга киришиш жараёнида молекулаларнинг динамикасини кузатиш мумкин бўлади.

Бу дастур орқали кимёвий жараёнларни моделлаштириш, турли реакцияларни ўтказиш ва, энг асосийси, буни хавфсиз амалга ошириш мумкин.


Бу дастурдан ўрта-махсус ва олий ўқув юртларида кимё фанини ўқитишида кенг фойдаланиш мумкин.




10-расм.

Дастур орқали ихтиёрий шаклдаги идишлардан фойдаланиб, турли реактивларни ўзаро аралаштириб кимёвий реакцияни кўзатиш мумкин. Кимёвий реакция вақтида реактивларнинг ранги, моддалар улушкини, кимёвий реакция формулаларни маҳсус ойнада кўриш имконияти дастурнинг кучли педагогик қурол сифатида фойдаланиш имкониятини беради. Crocodile

Chemistry дастурининг бундай имкониятлари кимё фанини үқитишида инқилобий үзгаришга сабаб бўлди.



11-расм. Crocodile Chemistry дастур мухитида яратилган кимёвий реакция жараёни.



12-расм.


### Crocodile ICT дастури ҳақида.

Crocodile ICT дастури, Европа мамлакатларида Информатика фанини үқитишида жуда яхши самара бермоқда. Бу дастур ёрдамида информатикада дастурлаш жараёнини, аникроқ қилиб айтганда алгоритмлаш бўлимини үқувчига аникроқ етказиб бериш мумкин.



13-расм.

Объектта йўналтирилган дастурлашни ўқитишида жуда қўл келадиган Crocodile ICT нинг оддий интерфейси ва блок схемалари ёрдамида яратилаётган дастур орқали ҳар бир буйруқни анимация кўринишида тасвирилаш мумкин.



14-расм.

Бундан ташқари, блок схемаларда бирор бир шарт бажарилганда одам персонажларига 30 дан ортиқ ҳаракат турларини (салта олиш, қарсак чалиш, ўнгга ёки чапга ҳаракатланиши, уларнинг юзларида эмоционал ўзгаришларни, маълум бир сўзларни гапиришлари ва ҳаказо) бажартириш мумкин. Дастурнинг бундай имконияти ўқувчининг (талабанинг) дарсдан зерикишининг, эътибори пасайишининг олдини олади. Бу эса маълум маънода таълим самарадорлигига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Хуш бу дастурларни қаердан қандай қилиб олиш мумкин?



Бунинг учун сиз қуидаги кўрсатмаларни бажаринг.

- Интернет браузерга <http://www.yenka.com> сайтини теринг.
- <http://www.yenka.com> сайти орқали Рўйҳатдан ўтинг
- Рўйҳатдан ўтганингиздан кейин ўқув муассасалари учун уй шароитида фойдаланиш бепул ҳисобланади. Бунда сиз учун маҳсус код берилади.
- Сайтнинг Downloads бандидан ([http://yenka.com/file/YK/3.0.1/Yenka\\_3\\_0\\_1\\_Setup.exe](http://yenka.com/file/YK/3.0.1/Yenka_3_0_1_Setup.exe)) 61 М ҳажмдаги дастурни компьютерингизга кўчириб олинг.
- Рўйҳатдан ўтганингиздан кейин берилган кодни териб, дастурни ишга туширинг

Шунингдек, Crocodile Clips Ltd умуман лицензия талаб қилмайдиган (Free software) дастурлари ҳам мавжуд. Бу дастурлар Crocodile Science Player ва Crocodile ICT Player ҳисобланади. Бу дастурларни <http://www.crocodile-clips.com/en/Downloads/> мурожатидан кўчириб олишингиз мумкин.


### PhET Interactive Simulations ва Crocodile Physics дан фойдаланиш

#### Ишни бажариш учун намуна



$$V_0 = \dots \frac{M}{c}$$

$\alpha, {}^\circ$	5°	10°	20°	30°	40°	45°	50°	60°	70°	80°	90°
$L, M$											
$t_{\text{полета}}, \text{с}$											
$h_{\max}, \text{М}$											



$g$	$h, \text{ нм}$	P(Heavy Species), atm.	P(Light Species), atm.
0	0.5		
	3		
	5		
$\frac{\text{Lots}}{2}$	0.5		
	3		
	5		
Lots	0.5		
	3		
	5		

## V. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Action	иловада Intent орқали жўнатилувчи хабар	A description of something that an Intent sender wants done. An action is a string value assigned to an Intent.
Activity	илованинг биронта ойнаси (интерфейс) бошқарувчи Java файл	A single screen in an application, with supporting Java code, derived from the Activity class.
Crocodile Physics	дастури кучли симулятор бўлиб, физик жараёнларни моделлаштириш ва физиканинг механика, электр занжирлар, оптика ва тўлқин ҳодисалари бўлимларига оид тажрибалар яратиш ва кузатиш имкониятини берувчи дастурдир	a simulator that lets you model a range of models in electricity, motion and forces, optics and waves. Crocodile Physics can be used either on whiteboards or by individual students.
Delphi	дастурлаш тилларидан бири. Борланд фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган.	Delphi from Borland competes with Visual Basic as an offering for an object-oriented, visual programming approach to application development.
Design of Experiments	иммитацион модел ёрдамида кам маблағ сарфлаб асосланган хulosалар олишни режалаштириш жараёни	the process of formulating a plan to gather the desired information from a simulation model at minimal cost and to enable the analyst to draw valid inferences.
Dialog	фойдаланувчи интерфейс учун мулоқот ойнаси	A floating window that acts as a lightweight form.
Dynamic model	уларнинг ҳолати вақтга боғлиқ ўзгаради	Describes the behaviour of a distributed parameter system in terms of how one qualitative state can turn into another.
Elearning	Электрон таълим — ахборот-коммуникация технологиялари асосидаги	eLearning is learning utilizing electronic technologies to access educational curriculum

	таълимнинг турли кўринишларини англатувчи кенг тушунчадир	outside of a traditional classroom
<b>GUI</b>	Фойдаланувчи график интерфейси	Graphic User Interface.
<b>JDK (Java Development Kit)</b>	Java дастурлаш тили учун кутубхона	The Java Development Kit (JDK) is a software development environment used for developing Java applications and applets.
<b>Linear Model</b>	Жараёнларни чизиқли ёритиш. Масалан, $y = 3x + 4z + 1$ тенглама чизиқли модел.	The one, which describes relationships in linear form. The equation $y = 3x + 4z + 1$ is a linear model.
<b>Model</b>	тадқиқ этилаётган объектда натур экспериментни амалга оширишнинг имкони бўлмаган, вақт давомийлиги катта, қиммат, ҳавфли бўлган ҳолларда, реал объект ўрнига алмаштириш усули.	a representation and abstraction of anything such as a real system, a proposed system, a futuristic system design, an entity, a phenomenon, or an idea.
<b>Modeling</b>	объект хоссалари ҳақида ахборотлар олиш мақсадида моделларни яратиш ва ўрганиш жараёни	the act of constructing a model. Modeling is an artful balancing of opposites; on the one hand, a model should not contain unnecessary details and become needlessly complex and difficult to analyze, on the other hand, it should not exclude the essential details of what it represents.
<b>Numerical Model</b>	тадқиқ этилаётган физик жараённи акс эттирувчи дифференциал тенгламани ечишга, яъни физик катталикларни акс эттирувчи параметрларнинг маълум қийматларида уни бевосита ҳисоблашга мўлжалланган	the one which is solved by applying computational procedures.
<b>Object</b>	Системадаги ўрганилаётган элемент	denotes an element of interest in the system.
<b>OS (Operating System)</b>	Операцион тизим. Курилмадаги энг муҳум	Operating System. The most important program on a

	дастур	device.
<b>PhET</b>	Колорадо университеда ишлаб чиқилған дастур. Унда физика, химии, биология ва бошқа фанлар бүйічә жами 100 дан ортиқ намойишлар көлтирилған.	(Physical education technology). free, interactive, research-based science and mathematics simulations
<b>Resources</b>	илова учун керакли бўлган ресурслар (расм, аудио, видео ва бошқа файллар)	Nonprogrammatic application components that are external to the compiled application code, but which can be loaded from application code using a well-known reference format.
<b>Simulation</b>	ўрганилаётган обьектларни уларнинг моделларида тадқиқ этиш; реал мавжуд обьект моделини ишлаб чиқиши ва ўрганиш, ходисаларни тушунтириш, башорат қилиш жараёни	the act of executing, experimenting with or exercising a model for a specific objective such as acquisition, analysis (problem solving), education, entertainment, research, or training.
<b>Static Model</b>	вақт бўйича ўзгармас модел;	the one which describes relationships that do not change with respect to time.
<b>System</b>	бир бутунликни ташкил этувчи компонентларнинг маълум изчилликдаги ўзаро боянишлари ва тъсирлари	any collection of interacting elements that operate to achieve some goal.
<b>Visual Basic</b>	Microsoft корпорациядан дастурлаш тили ва унинг учун дастурлаш мұхитдир	Visual Basic (VB) is a programming environment from Microsoft in which a programmer uses a graphical user interface (GUI) to choose and modify preselected sections of code written in the BASIC programming language.

## VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ти ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-1875-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-4732-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти 4947-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-2909-сонли қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-

2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

18. Скалли М. О., Зубайри М. С. Квантовая оптика: Пер. с англ. / Под ред. В.В. Самарцева. - М.: ФИЗМАТЛИТ, 2003. - 512 с.

19. Барсуков, В.И.Физика. Волновая и квантовая оптика : учебное пособие / В.И. Барсуков, О.С. Дмитриев. – Тамбов: Изд-во ФГБОУ ВПО «ТГТУ», 2012. – 132 с.

20. Самарцев В.В. Коррелированнке фотонқ и их применение. М.: ФИЗМАТЛИТ, 2014. — 168 с.

21. Кузнецов С.И. Квантовая оптика. Атомная и ядерная физика. Физика элементарных частиц: учебное пособие. – Томск: Изд-во ТПУ, 2007. – 154 с.
22. Andi Klein and Alexander Godunov. “Introductory Computational Physics”. Cambridge University Press 2010.
23. Harvey Gould, Jan Tobochnik, Wolfgang Christian. “An introduction to computer simulation methods. Applications to Physical Systems”. Pearson Education, Inc., publishing as Addison Wesley, 2007.
24. Bowers, Richard L. Numerical modeling in applied physics and astrophysics. USA, 2005.

#### **IV. Интернет сайтлар**

25. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
26. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
27. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
28. <http://phet.colorado.edu>
29. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) – Таълим портали
30. [http://phet.colorado.edu/teacher\\_ideas/classroom-use.php](http://phet.colorado.edu/teacher_ideas/classroom-use.php)
31. <http://www.yenka.com>
32. [http://www.yenka.com/en/Free\\_Yenka\\_home\\_licences/](http://www.yenka.com/en/Free_Yenka_home_licences/)
33. [www.alsak.ru/](http://www.alsak.ru/)